

84 (543)

0-86

Адиб
ва
жамият

Икром ОТАМУРОД

Суккут садоси

Шеърлар

Балладалар

Достонлар

Таржималар



Икром ОТАМУРОД

СУКУТ САДОСИ

*Шеърлар
Балладалар
Достонлар
Таржималар*

NIZOMIY NOMIDAGI
TDPU
AXBOROT-RESURS
MARKAZI



932562

ТОШКЕНТ
"ADABIYOT"
2021

821.512.133-3

84(5Ў)7

О 86

Отамурод, Икром

О 86 **Сукут садоси** [Матн]: *Шеърлар, балладалар, достонлар, таржималар* / И. Отамурод. – Тошкент: “ADABIYOT” нашриёти, 2021. – 274 б.

ISBN 978-9943-6781-5-6

“Китобга бежиз “Сукут садоси” деб ном берилмаган. Бу икки сузда Икром Отамуроднинг ички олами, табиати мужасам. Бу сукутни ҳис қилмоқ, тинглаш, англаш каби руҳнинг катта эҳтиёжи мавжуд. Бу сукут ўша ҳадсиз оламнинг, бепоён кангул диёрининг рамзидир. Унга етишмоқ йўлида биз учун қалб таржимон ва шу қалбгина бизга борлигини намоён этаётган соҳир кўнгил учун чин тилмоч бўла олади, холос. Бу сукут моҳиятида интилиш ва кутиш, парвоз ва мунаввар манзил, гул ва ифор ораси, нур зарралари моҳиятидаги муқаддас ёруғлик бор. У ҳамиша ойдинликка, мунаввар руҳ оламига, поклик оламига ёғду бераётган улуг мусаффоликка, иймон зилолига интилади”.

Минҳожиддин МИРЗО

ISBN 978-9943-6781-5-6

© И. Отамурод, 2021

© “ADABIYOT”, 2021

“БИР ОҒРИҚ КАНЕЛУМДА ҚАД РОСТЛАР...”

Шеърят кўнгилларни поклайдиган энг муқаддас ва мунаввар оламдир. Бу оламда қўлига қалам ушлаб, юрак шивирларига, қалб туғёнларига қулоқ тутиб, ҳар лаҳзада иймон сарчашмасидан баҳраманд бўлиб, нурли дунё ичра ўз дунёсини яратмоқ, унинг нафақат қувончларини ҳис қилмоқ, балки адоқсиз қийноқлари, изтироблари ичра яшамоқ, тириклик ташвишларига кўмилиб, мажолсизлик ичра мажол, чорасизлик ичра чора топмоқ, бир пайтнинг ўзида ҳам шоир, ҳам жамоат вакили, ҳам ота, ҳам кимларгадир устоз бўлиб яшамоқ қанчалар қийинлигини бу “ширин савдо”ни бошидан ўтказганлар билади. Зўр шоир, ёзувчи, олим бўлиш оғир масъулият, шунинг баробарида беназир устоз рутбасига эришиш, ҳамиша шогирдлар дарду ташвиши билан яшамоқ, уларга энг қийин дамларда ҳам далда бўлмоқ, умидига қанот бағишламоқ, ўрни келганда уларнинг дарди билан йиғлаб, қувончи билан кулмоқ, машаққатида чора изламоқ, қалбдан туғилган сўзлари, ҳавасманд шеърлари қулоғига илк бор бобошоир сифатида “азон” айтмоқ, уларни катта оламларга тайёрламоқ ҳамманинг қўлидан келавермайди. Биз бундай зотлар ҳақида сўз кетганда, ҳеч шубҳасиз, аввало ҳазрат Алишер Навоий, Мирзо Бобурни тилга оламиз, ўз замонамизга, яқин ўтмишимизга назар солганда эса даставвал Абдулла Қаҳҳор, Миртемир домла, Озод Шарафиддинов каби устозларнинг муборак номларини дилдан ўтказамиз.

XX асрнинг саксонинчи йилларидан то шу бугунгача адабиётимиз, шеърятимизга кириб келган ёшлардан “Устозингиз ким?” деб сўрасангиз, ички бир

мамнунлик ва фахр билан “Икром Отамурад” деб жавоб беради.

Икром Отамурад! Бу ном аввало биз, шогирдлар учун меҳр тимсоли бўлиб жаранглайди. Бу азиз ном тилга олинганда ҳалоли инсон, самимий дўст, қалби боладай беғубор, истак ва орзулари виждон чегарасидан ҳатлаб ўтмаган, кўнгил олами само қадар юксак, пок қалб соҳиби кўз ўнгимизда гавдаланади. Яна бу ном йиллар давомида ўзбек адабиётининг энг сара асарларига илк минбар бўлган “Шарқ юлдузи” журналининг шеърият бўлими оstonасини муқаддас санаб, асл шеъриятга йўллаган, “Булоқ кўз очди” рукнида қанчадан-қанча ёшларни кашф қилган, уларга беминнат пиллапоё бўлган зотни ёдимизга келтиради.

Яна Икром Отамурад ҳақида гап кетганда “Кангул шоири” деган ибора тилга олинади. Инсонни уни банда қилиб яратган муборак зот билан боғлайдиган ягона кўприк руҳиятдир. Кўнгил дарду изтироблари, ғаму андуҳлари, тубсиз ва ҳадсиз кечинмалари, шоирни куну тун чирмаб олган, англамсизлик ичра англаш саодатини берадиган хаёл занжирлари ҳақида гапираркан, “Кўнглум ичра дарду ғам, аввалгиларга ўхшамас”, дейди ҳазрат Алишер Навоий. Кўнгилнинг қуёшдай нурли, мавжли ва гоҳида ҳалокатли денгиз пўртаналаридай ўзлигини эътироф этган ҳолда “Мени шайдо қиладурғон бу кўнгулдир, бу кўнгул...” дея ёзади мавлоно Лутфий.

Икром Отамурад ана шу кангил оламининг садоқатли фуқаросидир. Беғубор ва бепоён, мукаррам ва мунаввар, мўътабар ва муаттар... Бу кангул! Ҳадсиз, чегарасиз, доимо бедор ...кангул. У бир шеърида “Кангул – армонга суянган фидо” дея бежиз ёзмаган. Улуғ армонга суянган фидо сўзларни шарҳлаш, тафсирлаш ниҳоятда қийин, уни фақатгина пок қалб билан ҳис қилмоқ мумкин. “Дунёни меҳр қутқариб қолади” деган

ибора шунчаки гап эмас. Бутун ер курраси узра кўнгиллардаги эзгулик, маънавият, юксак ахлоқ, комиллик қадриятларини оёқости қилиб, нафс туғларини тикишга интилаётган манфаатлар олами ичра аввало шоир изтироб чекади, азобланади. Асл шоир меҳр, оқибат, виждон, иймон тимсолидир. Асл шоирнинг сўзи Ватан сўзига айланган юртларда ҳеч қачон ҳақсизлик, разолат, жаҳолат, бузуқлик, ноинсофлик, адолатсизлик илдиз отмайди. У ерда меҳр, одамийлик устувор бўлади. Шоир бугун тириклик, нафс илинжида ана шу буюк меҳрни унутган, унутаёзган, тобора манфаат деб аталмиш чирмовуқ асирига айланаётган оқибат, саховат, яхшилик туйғуларидан бегоналашиб, узоқлашиб бораётган одамларга дардчил хитоб қилади:

*... Йўлда кетаётиб меҳрни кўрдим,
меҳрни кўрдим мен тупроқли йўлда.
Лол қотганча,
ҳайрон термилиб турдим,
ҳайрат ёқасини ушладим қўлда.*

Шоир бемажол шеригини елкасига ортиб бораётган бир кичик чумолида бу ёруғ олам учун катта ибратни кўради. Ҳайрат шеърининг моҳиятини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Лекин шеърда бу ҳайрат ҳаёт воқелигининг аянчли манзаралари ичра фарёдга айланади:

*Бу меҳр мўъжаз бир таажжуб эди,
беминнат ёндошлик пайванди қўрча.
Меҳрни бағрига жойлаб борарди
елкасига елкалаб мўрчани мўрча...*

Ниҳоятда таъсирчан бу ҳолатни ўз ўқувчисига кўрсатар экан, шоир, уни меҳрсизлик йўлининг адоғида кутаётган қисматни, буюк йўқотишни англатишга

интилади, кетиб бораётган ёруғлик ўрнини зулмат эгаллашига ишора қилади. Бу шунчаки ишора эмас, шоирнинг энг катта армони, изтиробидир. Бунда нафақат шоир қалби, балки сўзлари йиғлайди, йиғлаганда ҳам ўкиниб йиғлайди:

*Меҳрсиз дунё...
Кў-ўп уз-о-оқда қолар...
Кўзи оч,
нафаси оч одамлар...
Қорни томон югураётган одамлар...
... Ой кетиб боради...
... Қиблага қараб...
... Ой...
... кетиб...
... боради...*

Унинг ифода усули ҳеч кимникига ўхшамайди. Ана шу номсиз оғриклар жараёнида яна яхшилиқни, мунавварлиқни, меҳр ҳидини қўмсайдики, бу одамийлик гуллари ифोरининг соғинчидир:

*Сезасан
яна
гулларни
соғинганингни...*

Унинг соғинчи баҳор, унинг қўмсагани кўклам. Шоир ҳар бир асари билан китобхоннинг маънавий-руҳий дунёсини бойитади, унинг шеърда дostonлариди фикр-ғоялар миқёси, туйғулар қўлами ниҳоятда кенг, у оригинал образлар, оҳори тўкилмаган ташбеҳларни кашф қилади.

*... Баҳорни соғиниб чирқирар бир қуш,
дарахт новдасига дардини илиб.*

*Дарахт куртаклари бамисоли туш –
хаёлин тубида гуллар –
очилиб.*

Унинг шеърларида воқеликка бутунлай бошқача муносабатни кўрасиз. Зиддиятли муносабатлар пировардида энг нозик туйғулар ижтимоий ҳаётнинг мураккаб муаммолари билан уйғунлашади. Син солсангиз, кўнгил қуёшга, осмонга уланиб кетган охири кўринмас кенгликларга бориб туташади. Бу кенгликлар заминда кенг бўлса, самода чегарасиздир. У англаш ва англаниш, англатиш сарҳадларини боғлайди. Англаш соғинчи бу жараёнда шоир кўнглининг бош муддаосидир.

Китобга бежиз “Сукут садоси” деб ном берилмаган. Бу икки сўзда Икром Отамуроднинг ички олами, табиати мужассам. Бу сукутни ҳис қилмоқ, тинглаш, англаш каби руҳнинг катта эҳтиёжи мавжуд. Бу сукут ўша ҳадсиз оламнинг, бепоён кангул диёрининг рамзидир. Унга етишмоқ йўлида биз учун қалб таржимон ва шу қалбгина бизга борлиғини намоён этаётган соҳир кўнгил учун чин тилмоч бўла олади, холос. Бу сукут моҳиятида интилиш ва кутиш, парвоз ва мунаввар манзил, гул ва ифор ораси, нур зарралари моҳиятидаги муқаддас ёруғлик бор. У ҳамиша ойдинликка, мунаввар руҳ оламига, поклик оламига ёғду бераётган улуғ мусаффоликка, иймон зилолига интилади.

Сўз санъати жамият ҳаётининг барча жабҳаларига кириб бормоқда. Айниқса, тилга муносабат борасида Икром Отамурод ниҳоятда талабчан. У сўз олдидаги масъулиятга ҳамиша содиқ, шеъриятнинг ижодий истиқболини шу мезон билан ўлчайди.

Устоз Икром Отамурод ҳаётининг мазмуни шеърият эмас, унинг ўзи шеърда яшайди, у шеърият оламидан чиққан эмас, у бу оламнинг фохрий фуқароси эмас,

ҳақиқий фуқароси, чин ошиғидир. Унинг ҳаёти шеър, нафаси шеър, кўзларида жилваланган маъсум табас-сумлари, табассумлар қаъридаги маъсум сокинликла-ри шеър. Шоир фикрни чуқурлаштириб, инсон қалбида кечаётган изтиробларнинг руҳий-ижтимоий моҳияти-ни поэтик воситалар орқали таъсирчан ифодалайди:

*Билмам, бу не азоб, билмам, бу не хато?
Одам муносабат ройида тани,
биров тугул, ўзин танимас, ҳатто
беғона яшагай руҳ билан тани.*

Шоир бу шеърда инсониятнинг энг катта фожиаси, ҳалокати, машаққатини ифода этади. Инсон қачон асл комилликка етишади, қачонки руҳ ва тан уйғунлиги-га эришса. Лекин, минг афсуски, ҳамиша ҳам танимиз, унинг ботинига яширинган нафсимиз қалб амрига ку-лоқ солавермайди. Бу оғир оралиқни англаса-да, уни бир умр яқинлаштиролмай ўтаётганлар қанча? Шоир ана шу ҳолатлардан изтироб чекади. Унинг шеърлари-да сирли жумбоқлар кўп:

*Бир оғриқ канглумда
қад ростлар чандон,
шунчаки йўлимас,
дилидан сахтли,
ҳамма бир-бирини танийди қачон,
битта боғда ўсган дарахтлар тахлит?*

Юқоридаги мисраларда ўзига хос кузатишлари, кўнгил ва дарахтнинг мутлақо оригинал ифодаси берилган. Қачон руҳ вужуддан норизо яшар экан, у жойда маънавий, руҳоний юксаклик бўлмайди. Бу айро қалбларнинг парвози таназзулга юз тутаети. Шо-ирнинг бу армони, изтироб, нафақат одамий, айти пайтда оламий қайғудир. Шунинг учун ҳам бу кўнгил

мудом фарёд чекади. Зеро, шоир учун кангулнинг замондошлар қалбидаги эврилишларга вобаста жозибаси, чигалликлари, зиддиятлари билан чуқур тадқиқ этиб, поэтик топилмалар яратади:

*Канглум,
ғамларимнинг ашклари дарё,
канглум,
армонларнинг қайғулари тоғ.
Канглум,
сени қаърига тортар бу дарё,
канглум,
мени янчиб кетади бу тоғ.*

Икром Отамурод шеърият ҳудудидан бир лаҳза бўлса ҳам чиқмаган, унга хиёнат қилмаган, ҳаётий муросаларни тан олмаган, пок сўзга, мунаввар сўзга, шеърга содиқ, рост сўздан чекинмаган, ёлғонга этак тутмаган, шеърият олами ичра адл иймон билан яшаётган шоирдир. Устоз бир шеърида “Мен – соғинч шарҳини битгувчи котиб...” дейди. Шоир соғинчи... мана шу икки сўз шарҳида “Шоир ким?” деган саволга жавоб бор. Ҳар қандай шоир оламейдир, у аввало оламнинг дардини туяди, башар учун бахт ва иқбол соғинади. Шунинг баробарида қони қонига, жони жонига туташ халқи, миллати учун қайғуради. Шоирлик ўзи буюк қайғуриш дарди билан яшамоқдир.

Зеро, сўз санъати, покиза шеърият инсонни руҳан тирилтиради. Шоирнинг янги сўзлари, оҳорли ташбеҳлари шеърлари руҳига қудрат, фалсафий теранлик бағишлайди. Адабиётга нисбатан қатъият ва матонат туйғуларини уйғотади. Дунёда ҳеч қайси миллат, ҳеч қайси Ватан ўз-ўзидан юксак бўлиб яралмаган. Ватан сийрати комил халқида бўлгани каби, миллатнинг сура-ти Ватан тимсолида мужассам бўлади. Икром Отамурод

ана шу борада “Ватан сувратига суврат бўл, халқим!” дея даъват этади. “Эзгу ҳикмат мўмин кишининг йўқотган нарсасидир” дейилади, муқаддас ҳадисларда. Албатта, ҳар бир эзгу даъват уни англаган, тушунган қалбларнинг топилдигидир. Уни топмаган, унга амал қилмаганлар эса бу дунёга шунчаки келиб кетаверади.

*У йўлдан-бу йўлга турланиб кўп бор
Келиб-кetaверар йўловчи бисёр...
Эътиқодга қувват бўлиб интизор –
Ватан сувратига суврат бўл, халқим!*

Илоҳим, устоз шоир айтаётгандай халқ ва миллат сифатида, буюк мақсадлар, улуғвор истиқбол сари интилаётган Ватанимиз сувратига, улуғ ишларимиз билан суврат бўлмоқ барчамизга насиб этсин.

Азиз китобхон! Устозлар тўғрисида сўз айтиш бир томондан фахрли, иккинчи томондан ўта масъулиятлидир. Шогирдларнинг асл устозлар ҳақидаги сўзлари фақат меҳрдан иборат бўлади, аммо бу меҳрнинг чек-чегараси, адоғи бўлмайди. Бизнинг халқимизнинг ардоқли шоири устоз Икром Отамурадга меҳримиз қанчалар юксак бўлса, шоир Икром Отамурадга бўлган меҳримиз, эъзозимиз ҳам шу қадар юксакдир. Бу йил устоз муборақ етмиш ёшга тўлади. Устозга умрнинг бу босқичини ҳам адабиёт, ҳам шеърият олдида ёруғ юз билан қаршилаш саодати насиб этди. Биз устоз Икром Отамурудни барча шогирдлари номидан қутлар эканмиз, узоқ умр, сиҳат-саломатлик, барча муроду истаклари рўёбини тилаб қоламиз.

Ҳурмат билан:

Минҳожиддин МИРЗО,
*Республика Маънавият ва маърифат
маркази раҳбари.*

* * *

...БАТАН –

боболардан мерос бир иймон –
руҳим мундарижасида муқаддас ёзув.
Таниш ва нотаниш имлоларсимон
руҳимда ҳисларнинг тўфони тизув.

...БАТАН –

боболарим кечган хотира –
руҳим мундарижасин қадимий муҳри.
Руҳим туфроғига илдизин ботириб,
бўй тортар буюк дарахтдай зухри.

...БАТАН –

боболардан қолган эътиқод –
руҳим мундарижасин кўҳна суврати.
Руҳим рангларига ранг бериб бот-бот,
руҳим мундарижасин безаб туради.

...БАТАН –

руҳим суяги, жоним –
руҳим даричасин чертаётган сир.
Руҳим томирларида оқаётган қоним,
руҳимда нур сочган кавкабир.

...БАТАН –

соф,
покиза,
беғубор умид –
руҳимда мўғжалаб барг ёзган дунё.
Тахлари бузилмаган ўйларга чўмиб,
гардларин руҳимга қилгум тўтиё.

МЕН –

руҳ чизгисидан яралган жисм,
руҳим дафтарида чизгилар неча?

БАТАН –

руҳимда уйғонган исм,

Руҳим –

БАТАНда гуллаган чечак...



* * *

...Канглумнинг поёнсиз кенгликлари
ранго-ранг.

Кўз илғамас уфқларнинг
қанча-қанчаси

сийнасига
бош қўяр унинг.

Бунда очилар:

қўзигуллар,
лолақизғалдоқлар,
чучмомалар

волидаси эркалаган гўдаклар мисол
оҳиста-оҳиста тебранар шаббода қўйнида.

Кенгликларга тўш уриб,

вижир-вижир сайрар тўрғайлар,

қўшиқлари –

шудринг томчилари

сингари

мавжланар

қўзигуллар,
лолақизғалдоқлар,
чучмомалар ёноғида...

...Кеч ҳам туша бошлайди секин...

...Сайрга чиққан одамлардай
бирма-бир

кўк тоқида жилва қилар юлдузлар
кўзларидан шуълалар чақнаб:

қўзигуллар,
лолақизғалдоқлар,
чучмомалар бағрига сингар...

...Канглумнинг поёнсиз кенгликлари
ранго-ранг...

* * *

...Мен дунёда барчанинг йўлини тилайман:
осмон юлдузларга йўл тилаганидек,
денгиз балиқларга йўл тилаганидек,
замин майсаларга йўл тилаганидек.

Орзулардан иборат,
муҳаббатдан иборат,
эзгуликдан иборат
йўлини тилайман дунёда барчанинг...

Қаранг,
дунё райҳон кўрсатиб гоҳи
тиконни тутқазиб қўяр қўлларга.
Кангулларда умид қилару пайдо,
ўроқни ҳам қайраб қўяр йўлларга.

Яхшиликнинг умри азалдан қисқа,
ёмонликнинг йўли чўзилган узоқ.
Не керак,
дерсиз,
ИТР асрида
бу хусусда гапирмоқ...
Бироқ...

Айтинг,
ким эгри дер ўз юрган йўлини,
тўғри-да,
ким ўзин гуноҳкор санар?
Виждонин бозорга солса-да,
лекин
оқман дея оёқ тирар савдогар.

Йўли йўқ одамнинг нима фарқи бор,
етовга юрган ул ҳайвондан,
ахир?
Дардига бировни қилгувчи айбдор
ўша-да,
ҳаётни атаган тахир.

Ўша-да,
орзуни айлаган ярим,
муҳаббат канглуни қилган кўп пора.
У бор экан,
арзон
садоқат қадри,
эзгулик йўлида тумандир...
Қора...

Ҳайқир,
ҳайқир,
ҳайқир,
ҳайқир,
эй, виждон!
Уруғларингни соч,
бор барча йўллар
сенинг зилолингдан яшнасин,
тамом,
сенинг диёрингда бирлашсин улар...

...Мен дунёда барчанинг йўлин тилайман...

* * *

...Мовий бир осмон,
унда
чарақлар юлдузлар –
орзуманд кишининг орзулари каби
ёрқин-ёрқин.

Мовий бир осмон,
унда
нур бўлиб сочилар оламга офтоб –
бир дилбарнинг ҳайдар кокиллари янглиғ
тарам-тарам.

Юлдузлардан ёрқинланар,
офтобдан ёлқинланар
мовий бир осмон
узоқларда,
узоқларда,
узоқларда...



* * *


...Умрим –
Касбидан то Тошкентга қадар
фарсанг-фарсанг ғариб чўзилган йўлдир.
Бу йўлда тинмайин чопади қадар,
бу йўлда қатнайди армон тинмагур.

Йўлдошим –
чатнаган,
қақшаган умид,
чайир хаёлларим зирқираб оғрир.
Парчин дардларимни канглумга кўмиб,
надоматни ичга ютаман –
тахир.

Поезд ўринлари тиқилинч расми,
учоқда топилмас бўш жой дафъатан.
Шошаман.
Соғинчим –
қадимий Касби,
бағримда муқаддас
туфроғим,
зотан.

Султон Мирҳайдарнинг тошларин силаб,
бир оят ўқийман,
о, Тангрим,
инон!

Сукунат сабрига омонлик тилаб:
кўхна руҳлар иймон,
соғинчлар иймон.



* * *

“...Олтинчи қават –

осмонга қўйилган олти қадам,
олти қадам ердан юқори”.

Бу –

ёши бир жойга бориб қолган,
кенгликларда ўсган момонинг гапи.

Момо балконда маъюс туради,
нигоҳлари сўлгин-сўлгин.

Момо балконда ўйга толади,
ўйловлари сўнгсиз-сўнгсиз.

Момо балконда сукутга кетади,
қадамлари оғир-оғир.

Олисларга қараб қолар,

қараб қолар хаёл қўйнида,
хаёл қўйнида соғинчнинг ранги...

Кўзларидан қуйилар

қалбини титратган оғриқ...

Нигоҳлари урилар,

ўйловлари урилар,

қадамлари урилар

балкон деворларига.

Момо тўйиб кетади дунёдан.

Овози борича дод дегиси келади унинг,
тўйиб-тўйиб йиғлагиси келади унинг...

Нималардир йўл бермас,

нималарнидир ўйлайди...

Ўтириб қолади жойида момо.

Хотиралар канглуга бошин қўяди:

“Тўрт томони кенгликка қараган уй”.

“Ҳамсоялар қадами узилмасди эрта-кеч”.
“Орзи момонинг ниҳоя билмаган гурунги”.
Хотиралар бўлинди...
Йиғлади бир бола,
набираси тушди эсига...

“Эҳ, мени Худо олсин-да,
хотираларга ботиб, сени йиғлатсам”.
Очиқ эшикдан урди ўзини уйга
шамолдай...



куёши,
одамлари,
йўллари,
ҳаяжонлари,
ташвишлари –
бари,
бари...

Кўкрагимни тўлдириб-тўлдириб
симираман ҳавони.
Симираман бугуним
бўлмасин деб армонли.

... Қаердадир:
ташқарида гап кўп,
ичкари жимжит.

...Қаердадир:
ичкарида гап кўп,
ташқари жимжит.

Ҳеч қачон бўлган эмас
ташқари
ва
ичкари
бир-бирига мос...

* * *

... Шитир-шитири бошланар ёмғирнинг,
муаттар ҳидларга тўлишар дунё.

Томчилар,

томчилар замин бағрига
томчилаб-томчилаб
нақш солар турфа ранглар сувратин.
Олисда,

уфқлар ортида
қувона-қувона югурар,
югурар бир бола
ёмғирнинг остида.

Ўзи номин билмаган

нотаниш-нотаниш
кенгликлар сари югурар
заминга интилган томчилар янглиғ
ёмғир ҳақида қўшиқлар айтиб:

“Ёмғир ёғар шитир-шитир,
Мовий рангга тўлиб олам,
Товланади жимир-жимир...”

Осмон кунгуралари узра янграр қўшиғи
Тўрғайлар навоси каби жарангдор,
ёмғирга чайилган лаҳза қадар мусаффо,
ял-ял ёнган лолақизғалдоқлар сингари
хушбўй –

бир қўшиқ,

бир қўшиқ...

Югуради у довуши билан баробар,
қўринмай кетади ниҳоят.
Бола сингиган нуқтада,
уфқлар,

биламан,
бирлашар абад.
Шундан-да,
туғилар мовийлик.
Мовийлик –
дунёнинг болалиги.

Садоланиб туради қўшиғининг жаранги:

“Ёмғир ёғар шитир-шитир,
Мовий рангга тўлиб олам,
Товланади жимир-жимир...”

Термиламан,

термиламан мовийликка,
излайман унинг бағридан

бир нималар,

бир нималар!..



* * *

...Қорга босилган излар,
қорнинг кўҳида ғизлар.

Ҳаво надами тутқун,
заминга ташлар юкун.

Бироқ
 саҳал фурсатда,
не тонг,
 бул ҳам қисмат-да.
Қуёш ҳароратидан,
тафтли нурлар қатидан

қор тахлит бўлиб пай-пай,
излар,
 дариғо,
 ҳай-ҳай,
эриб кетар муғайиб,
тўҳани салда тойиб...

* * *

...Бир денгиз бор
кўзлардай теран.
Бир тоғ бор
елкалардай буюк.
Бир кенглик бор
кангулдай сарҳадсиз.
Бир инсон бор
денгизни,
тоғни,
кенгликни
юрар канглуга жойлаб...

* * *

... Вақт – ғилдирак.
Ғилдирак ғилдирайди
бепарво,
борлиқнинг
пасту баланд,
текису нотекис,
намчилу қақроқ майдонида...

* * *

... Қандай сокин эдинг,
қачондир олам,
ҳавонг шаффоф,
бағринг эди беғубор?
Покиза сирларга бўлганча малҳам,
олам синоатга эдинг-а,
бисёр.

Ёмғир қуйиларди осмондан қандай,
замининг қатига сингиб бирдайн?
Кўклатарди майса
гиёҳни шундай,
томчиларни томдириб майин-майин.

Олам шовқинга ён босмасдинг ҳеч вақт,
шовқин садолари бирдай алдамчи.
Бағрингга шуълани жойлардинг рахт-рахт,
ёруғлик нурлари доим бардамчи...

...Энди,
кўксингга тиғ санчиб муттасил,
бузиб юборди,
оҳ,
ҳавонгнинг тавқин!
Қисматинг созуриб,
айлади зил-зил,
олам сиймойингга доғ солди шовқин...

* * *

... Номли-номсиз дардлар руҳингга чўкар,
миянгни эговлар нотаниш шовқин.
Куйинчак феълингни ҳамдардлик букар,
шиддатинг синдирар ноҳақлик шавқи.

Ўйламай айтилган сўзнинг бағри тош,
бемаврид мосуво –
доғ суянган тахт.
Иложсиз дийдангдан сириққан кўзёш –
буюк армон –
ўтаётган вақт.

Қисқартар суяксиз чўзилган совуқ
мўътабар ҳайкалнинг узун қўлини.
Қадрсиз қадрким, келади ёвуқ –
қаттиқ ботар эътиқоднинг ўлими.

Қадимий шаҳарнинг тушларин бўлиб,
карахт ярим тунда кириб келар нақд:
қатъий қонуният –
чопаётган йўли,
поезд –
ўтаётган вақт.

Тийғи паррон чархнинг шеваси яғмо:
қувончлари –
ўтрук,
азоблари –
ҳақ!

Бир субҳи содиқда уйғонган сабо
янглиғ,
менда –
ўтаётган вақт...

* * *

... Ўзига илтижо қиламан,
Ўзига интилиб дамодам.
Осмонга термилиб толаман,
сиғинар Ўзига осмон ҳам.

Қиламан Ўзига илтижо,
дамодам Ўзига интилиб.
Заминнинг кўксида доғлар жо,
зор-зор боқар замин титилиб.

Илтижо қиламан Ўзига,
интилиб дамодам Ўзига.
Канглумда жойлашган бўзига
улағайман канглум Ўзига...

* * *

... Қиш туни...
... Изғирин...
... Осмоннинг бағрида
қунишади юлдузлар,
дарахтлар изиллайди
заминнинг кўксида...
... Қиш туни...
... Изғирин...

* * *

... Йўл заминни осмонга улар,
нигоҳига туташар осмон.
Йўл осмонни заминга улар,
бағрин тутар замин ёнма-ён.

Оҳ,
 замин осмонга интилар,
интизорлик ғамига пайваст.
Оҳ,
 осмон заминга қурб тилар,
соғинч йўлига тутиб даст.

Кундуз осмон бағрида бардош,
тўкилади мурағгаб сойил.
Нур тўкади заминга қуёш
ҳароратин нақш этиб мойил.


Даҳр қобида айланади сир,
замин сирдир,
 осмонда сир мўл.
Йўл маконлар боғлогичидир,
йўл пастдадир,
 баланддадир йўл...

* * *

... Ўксиниб-ўксиниб қолмоқда ҳаво,
хўрсиниб-хўрсиниб сўлмоқда иқлим.
Оҳу нолаларга ғарқ бўлиб маъво,
дардини ичига ютади лим-лим.

Музтариб-музтариб толяпти ҳаво,
ижиноб-ижиноб бўляпти иқлим.
Фалак, саботингни айлагил раво,
жоми мурод этиб,
борлиққа сим-сим.

Мунғайиб-мунғайиб ингранар ҳаво,
шикаста-шикаста чирқирар иқлим.
Мадор бўлиб даҳр,
бахш этгин даво,
меҳр боғига меҳр жойлаблар жим-жим...



* * *

...Манзара чексизлик суврати,
суврати атрофнинг жисмида.
Ҳаракатнинг сирли қисмида
манзара муғтанам қуврати.

Манзара табиат йўсини,
таржимаи ҳоли мувофиқ.
Тезлик тарзин сатҳида зиқ-зиқ,
ошуфта ўлчовин тўсини.

Манзара иқлимда силтанар
бўронларнинг силсиласида.
Томчи шабнам қилқиласида
фавқулод қилтаси қилтанар.

Манзара ҳаракати юкун
оламни ягона белади.
Оппоқ исин хушбўй силайди,
бутун пана равшандир сукун.

Манзара оҳиста фузундир,
узоқ ёдга тушади ҳаёт.
Тун йўлаги занглайди, ҳайҳот,
жазирада кундуз узундир.

Манзара канглумда уйғонди,
майингина қўнган оғриқдир.
Атрофда парчалар боғлиқдир,
қат-қат сиқик синоат қонди.

Манзара чексизлик суврати,
суврати атрофнинг жисмида.
Ҳаракатнинг сирли қисмида
манзара муғтанам қуврати...

* * *

... Дунёда дунёлар кўп:
оғир-енгил кечаётган,
юкли-юксиз кетаётган,
умидли-умидсиз яшаётган,
ғамли-ғамсиз бораётган,
ғуборли-ғуборсиз ўсаётган...
...Улар яшар
бир-бири-ла
ёнма-ён.
Улар турар
бир-бири-ла
елкама-елка –
бир дарахтнинг новдалари янглиғ...



* * *

... Эрта тонг.

Йўл –

оплоқ бир варақ,

Сингиб кетган бор барча чанглар

Тун қўйнига.

Йўл узра бу чоқ,

Бир қиз борар.

У борар,

У борар,

У борар,

Тонгги дунё бағрига кириб.

Қадамлари йўл бетин безар,

Тонг ранглари ила ёзилиб...



* * *

... Йўлда дуч келганинг аксар надомат,
меҳрни ўкситиб,
айлайди завол.
Алдовга тиркалаб,
бирдайин қат-қат,
таадди тиғини чархлайди зол-зол.

Шундан-да,
мазаммат бўй тортар нуқул,
ҳар лаҳзага тарзин нўхталаб,
э воҳ!
Шундан-да,
ғаромат ўксиб йўлма-йўл,
маконинг тополмай,
чекиб борар
оҳ!..

* * *

... Жилға истайди сукут қилмоқни,
Истар қоядек олмоқликни тин,
Тоғлар қалбига қулоқ солмоқни.

Қоя истайди жилға бўлмоқни,
Истар жилғадек югуриб-елиб,
Ёбон бағрига кириб бормоқни...

Унда,
ишонинг сиз –
кетаётганлар:
секин-секин,
самимий-самимий;
секин-секин,
оқибат ила-оқибат ила
келаётганларга...

* * *

... Дардни дилга жойлайди ҳаёт,
дардли дилга мўғжалар сабот.

Сабот дилнинг дардли тубида
руҳланади руҳ субутида.

Дард, кўчмагин дилдан базинҳор,
Дард, доим бўл эътиқодга ёр...



* * *

Даштнинг осмони олис-олис,
олис-олис осмондан дашт ҳам.
Кундуз қуёш талпинар холис,
нурин даштга сингдириб ҳар дам.

Шомда эса порлаган қамар
олис-олис партавин тақиб,
дашт осмонин тўнини ямар
зулумотнинг зулматин чақиб.

Юлдузлар тўп-тўп бўлиб кўкда
масофа сирига ёнгашиб,
шуълаларин сочар фалакдан
олис-олис даштга энгашиб.

Осмон ила даштнинг ҳубида
олис-олис йўл олар хаёл.
Шивирлар кангулнинг тубида
чексизликка талпиниб савол.



* * *

... Эй, дунё!
Оҳ, дунё!
Арзинг қалай?
Баҳоринг қалай?
Аршинг қалай?
Эй, дунё!
Оҳ, дунё!
Дарёнг қалай?
Адринг қалай?
Кўҳинг қалай?
Эй, дунё!
Оҳ, дунё!
Тонгинг қалай?
Кунинг қалай?
Тунинг қалай?
Эй, дунё!
Оҳ, дунё!
Қуёшинг қалай?
Ҳилолинг қалай?
Нужуминг қалай?
Эй, дунё!
Оҳ, дунё!
Вақтинг қалай?
Рахтинг қалай?
Аҳдинг қалай?
Эй, дунё!
Оҳ, дунё!
Руҳинг қалай?
Оҳинг қалай?
Хоҳинг қалай?
Эй, дунё!
Оҳ, дунё!

Сабринг қалай?
Қадринг қалай?
Табринг қалай?
Эй, дунё!
Оҳ, дунё!
Сеҳринг қалай?
Меҳринг қалай?
Зеҳнинг қалай?
Эй, дунё!
Оҳ, дунё!
Субҳинг қалай?
Қутбинг қалай?
Нубҳинг қалай?
Эй, дунё!
Оҳ, дунё!
Тарқинг қалай?
Барқинг қалай?
Кавнинг қалай?
Эй, дунё!
Оҳ, дунё!..



* * *

... Ёнма-ён келган бир хил рақамлар,
қадим томирлари вобаста кунё.
Бир-бирин бағрига босар яқинлаб,
бир-бирин дийдорин соғинган дунё!

Ёнма-ён келган бир хил рақамлар:
11, 222, 3333 саҳтли.
Насиби бир жойда йиғилган жамлар:
хешлар,
ақраболар,
ёронлар тахлит.

Ёнма-ён келган бир хил рақамлар:
44, 555, 6666 ҳабиб.
Бир муддат бақамти туришган тамлар:
ойлар,
йиллар,
асрлар каби.

Ёнма-ён келган бир хил рақамлар:
77, 888, 9999 жоманд.
Тақдири чалкашиб топишган номлар:
қавмлар,
эллар,
халқлар монанд.

...Ёнма-ён келган бир хил рақамлар:
висолдир,
ҳижрондир,
хотирадир.
Вақт бепарво,

улоғин тақимлаб
канглумга яралар тизиб борадир.

Ёнма-ён келган бир хил рақамлар
узоқ туйди ёвуқлашмоқ азобин.
Кўзларин тўрт қилиб юттирди ғамлар –
бир-бирига қувват,
куч бўлмоқ тоби.

Ёнма-ён келган бир хил рақамлар:
неларни йўқотур,
неларни топур?
Етишмоқ орзуси,
эх,
қанча дамлар
бир-бирин ортидан етолмай чопур?

Ёнма-ён келган бир хил рақамлар,
қадим томирлари вобаста кунё.
Бир-бирин бағрига босар яқинлаб,
бир-бирин дийдорин соғинган дунё!

Ёнма-ён келган бир хил рақамлар...



* * *

... Ҳадик йўртиб боргани сайин,
инсоннинг вужудида тайин,

муқим-муқим жойлашар ўсиб,
шубҳа дилнинг имодин тўсиб...

...Осмонни буркагандай саҳоб,
қулочларин ёйганча тоб-тоб,

ҳадик ҳам,
 шубҳа ҳам,
 эҳ,
 шотир,
ғалтонга бойлайди хавотир...



* * *

... Ёшлигида қитиқлаб
кулдирдилар болани.
Кутмайин яйраб-яйраб
ўзининг кулганини.

Ўтди чопағон йиллар,
бола улғайди,
албат.

Лекин

энди ҳам кулар
қитиқлаганда фақат...



* * *

... Қашқадайро кенгликларига осмон бошин кўяди,
қошларини ё айлаб юлдузлар келар яқин.
Лаблар тарс ёрилиб,
офтоб жондан суяди,
қўзигуллар зулфига гулдор жамалак тақиб.

Юрагимга ҳарорат тафт берар элас-элас,
гуриллаб ёниб,
сўнган олис гулханлар ҳили.
Унда,
менга қадрдон руҳга кўчган унут сас –
садоланиб сасланар жовид тўрғайлар тили.

Тўрт томонга югурар,
ҳансираб,
аланг-жаланг,
тўриқлар изи ботган ёлғизоёқ йўллар тим.
Қад кериб полвонлардек,
туради кўкси яланг,
бепоён бул маконлар
бепоёнлик ичра жим.

Хаёлимда бўй тортиб,
хотирамда уриб чарх,
соғинчим бошлайверар мени кенгликлар томон.
Шаҳарнинг тор бурмаси, комингга қилмагин ғарқ,
кенгликларга кетайин,
кенгликларга бирон он.

Бир лаҳза қўй ўзимга,
ўзлимим қувратини,

бир синоат сезгайман кенгликлар борин ўйлаб.
Қашқадайро кенгликларин тўнгиган сувратини
олиб юргайман кенглум меҳварида авайлаб.

Қашқадайро кенгликларига осмон бошини қўяди,
қошларини ё айлаб юлдузлар келар яқин.
Лаблари тарс ёрилиб,
офтоб жондан суяди,
қўзигуллар зулфига гулдор жамалак тақиб...




* * *

... Гармсел чангалида ғувиллаб чанглар
сахронинг бағрини олади қамраб.
Гиёҳлар танида дағиллар ранглар,
қушлар сийнасини тирналар ғамлар.

Титкилаб заминнинг қанотларини,
само пештоқига илади занжир.
Борлиқнинг нурафшон тоқатларини
силкитиб ташлашни истайди абжир.

Гувиллаб,
Гўёки,
пойма-пой,
зотан,
ямламоқ бўлади гармсел
бот-бот.
Гармселни зинҳор олмагайдир тан,
борлиқнинг қатида муғжалаб сабот...



* * *

... У хафа бўлиб ўйлайди:
доим шундай
мен тушган автобусда
кўп бўлар одам.
У билмайди:
доим бирдай
кечикиб юришини
ва
кечикканлар ҳаммаси
сўнгги
автобусга
осилишини...

* * *

...Ўтларни,
гиёҳларни,
майсаларни музлатиб қиров,
бепарво сўлдирар,
муттасил...



Мовий осмон
ва
бир бола
сирлашади
ҳамон
бир-бирига термилиб тўймай,
зангори-зангори даштлар қўнида...

* * *

... Мен юрган йўл пешонасига
битилган армоннинг чайир битиги.
Ботиради тирғалиб шонасига
қисматнинг қирқ ямоқ этиги.

Мен юрган йўл даштларга пайванд,
кенгликларга сингиб кетар жим.
Бир гузалнинг фироғи-ла банд –
юрагимда эзгин илинжим.

Мен юрган йўл Ҳақ чангин ютиб,
Ҳақ гардини кутарар туғдек.
Номард пойи тошдайин ботиб,
ноҳақ шиква санчилар тиғдек.

Мен юрган йўл шеваси эзгу,
субутга сайисдир,
сукутга таъбир.
Шикаста меҳрдан сирқиган сезги –
вужудида занглайди сабр...



* * *

... Тун.

Тўкилиб кетаяпти сукутинг,
фароғинг йўқолиб бораяпти.

Тун.

Мунғайиб ороминг,
тусланиб қутинг,
дардингни мижиқлар титори нигун.

Тун.

Говур эгаллаб вақтнинг измин
вужудингга ғавғо солаяпти ҳойил.
Фалакнинг тоқида ҳумум тизими
суронлар сумбатин силайди мойил.

Тун.

Эҳ!

Ўтаяпсан жойлаб танингга:
нима ташвиш борки,
нима ғам борки,
сенинг қадрдонинг бўлиб ёнингга
ўз-ўзин боғлайди қоб оху зорки.

Чарқираб,

зирқираб,

инграниб,

хайҳот,

тирилар,

ситилар хўрсиниб устун.

Эзиб борар инсон дунёни бот-бот,
само мазҳарига далда бўлгин.

Тун...

* * *

.....Кангулга ташриф.....

... Кангулга ташриф итоб эмас,
 ҳойил эмас кангулга ташриф.
 Кангулга ташриф тўҳан эмас,
 асиғ эмас кангулга ташриф...

.....Кангулга ташриф

...Кангулга ташриф оқибатдир,
 мурувватдир кангулга ташриф,
 Кангулга ташриф садоқатдир,
 муҳаббатдир кангулга ташриф...

.....Кангулга ташриф.....

...Кангулга ташриф не тааммул,
 не ҳавдис кангулга ташриф?
 Кангулга ташриф не таҳаммул,
 не манозил кангулга ташриф?..

..... Кангулга ташриф.....

... Кангулга ташриф биродардир,
 муқаддардир кангулга ташриф.
 Кангулга ташриф иродадир,
 моҳиятдир кангулга ташриф...

..... Кангулга ташриф.....

...Кангулга ташриф тим-тим ҳайрат,
тим-тим тоқат кангулга ташриф.
Кангулга ташриф сим-сим сийрат,
сим-сим сукут кангулга ташриф...

.....

.....Кангулга ташриф.....

.....



* * *

... Таътил тугар.
Яна шаҳарга
Икром –
 ғариб жуссанг йўл олар.
Дов бермас қайрилиб қарарга –
юрагинг узилиб қолар.

Қайтасан,
ёдларингни олиб,
Қашқадайро –
 титилган тасма.
Соғинчларин кангулга солиб –
термилгунча қолади Касби.

Қум босиб,
чашмалари тинган,
қайранглари шўриш ютган жар.
Лайлаклари қайтмайин кетган –
доғин сўрган Султон Мирҳайдар.

Тўриқлар дупуридан босмон,
тўлғаниб-тўлғаниб тушган бўз.

Янтоқларнинг ялаги –
 осмон,
қўзигуллар мунчоғи –
 юлдуз.
Қизғалдоқлар ноласи –
 тўрғай
неларнидир сўйлар живиллаб.
Поезд пойи остидан пай-пай
тўкилади йўллар шивиллаб.

Қарайсан,
вагон ойнасидан ой
кокилларин энкайтиради.
Кенгликларга айландинг бир ой,
бир ой руҳинг кенгайтиради...

* * *

... Баҳор ёмғирларидан тўлиб-тўлиб,
шарқираб-шарқираб оқади сойлар.
Сойлар –

селларнинг қоқ оқизоқ йўли,
қирғоқлар селларни қатига жойлар.

Гардларин ювади селлар миннатсиз,
чиғирдайин қат-қат сойларнинг тошин.
Селларга айланиб,
қолдирмайин из
баҳор ёмғирлари тўкади ёшин...



* * *

... Кўпчилик юрган йўл...
... Кўпчилик тушган ўйин...
... Кўпчилик юрган томон...
... Кўпчилик хушлаган нарс...
... Кўпчилик интилган давра...
... Кўпчилик кирган кўча...
... Кўпчилик...
... Келтиролмадим бу нақл рафтин,
ихтиёр этмадим,
сингмади бу дарс.
Йироқ бўлдим кўпчилик тўқиган сафдин,
ўз фойдасин билмаган мен –
чарс.

Қотишмадим.
Ўзимни тортдим,
кўпчиликка ўхшолмадим тани.
Не бўлса, оғирим ўзимга ортдим,
не бўлса, ўзим кўтардим ани...

...Ёлғизга юкиндим,
ёлғизнинг жабрин
кўзларимга суртдим,
дилга бойладим.
Соғиндим,
соғиндим,
руҳимнинг сабрин
ёлғизнинг пойига туфроқ айладим...

* * *

... Узоқнинг гапи –
кутилмаган хабар,
шошириб кўяди бирдан.
Сўроқлар изма-из келар ҳар сафар:
Ҳа? Нима? Ким? Қачон? Қаердан?

Узоқнинг гапи хушми,
нохушми,
домига илдириб тортар ҳар томон.
Суст қотиб тинглайсан,
ўнглолмай ҳушни,
узоқнинг гапидан кўрқасан ёмон.

Узоқнинг гапи –
дудула,
тўр тўқир чилимкаш ҳаросат.
Юрагингни титар ғулғула,
узоқнинг гапи –
саросар.

Хавотир оласан,
канглунг алағда,
бузади таҳланган муродинг тахин.
Узоқнинг гапи –
номи йўқ доғда,
узоқнинг гапи –
ваҳм.

Хаёлинг тўзғийди –
чирпирак,
бўлиниб-бўлиниб кетади барза.

Узоқнинг гапи –
занглаган ғилдирак,
узоқнинг гапи –
ларза.

Ўрнингдан турасан сапчиб бир қурса,
сочилган ўйларинг йиғасан буткул.
Узоқнинг гапи –
кечиккан фурсат,
узоқнинг гапи –
каловланган йўл.

Узоқнинг гапи –
кутилмаган хабар,
шошириб қўяди бирдан.
Сўроқлар изма-из келар ҳар сафар:
Ҳа? Нима? Ким? Қачон? Қаердан?..



* * *

... Мени зинҳор-зинҳор тарк этма, хаёл,
канглумнинг тубида мудом макон тут.
Канглум бор бўлади,
бор бўлсанг, хаёл,
хаёл, канглум танин айлагайсан бут.

Хаёл, солиб тургин канглумга нигоҳ,
синоат сеҳрининг борлигин жамлаб.
Агар, хаёл, бирдай чекаверсанг оҳ,
ғамларим ғамларин ғамлайди ғамлаб.

Канглумни сирқитиб етаклар нидо,
канглумга зорини тикканча бот-бот.
Эвоҳким,
канглумда бўлмасин адо
новдаланган хаёл илдизи, ҳайҳот!

Канглумда қуримасин бирор-бир лаҳза
мен хаёлга ташна хаёлнинг они.
Мени йиғлатмасин марзама-марза,
канглумдан ўчмасин хаёл имкони...

* * *

... Булутлар –
 осмоннинг пардалари...
... Уфқдан кўтарилиб,
осмонда ўсиб,
булутлар ёнбошлаб
қуршаб олади.
Мовий осмон,
бепоён осмон хўрсиниб
булутларнинг сиртмоғидан толади.

Чангал солиб осмон саҳнига каманд,
ғиж-ғиж булут ғижимлагай гўёки.
Барибир,
осмон жовидга монанд,
мавжуд экан сабрлар
токи.

Тунда ўраб юлдузлар сирларин,
ҳилол рухсорига чанг сепар дуз-дуз.
Чирмовиқдай чирмаб қуёш нурларин
буркар тўда-тўда булутлар кундуз.

Машаққатга тобдир осмон қай маҳал,
булутлар зимидан тўкиб борар ёш.
Қачондир
осмонни ёритар саҳал,
тунда ой,
юлдузлар,
кундузи қуёш...

... Булутлар –
 осмоннинг пардалари...

* * *

... Тажалли – доимо ғайбда бириккан,
муяссар бўлар Ҳақ лутфига сирлар.
Тукилар зулматдан ризога нурлар,
номаълум маълумга ўтиб бораркан.

Илоҳий зотнинг зоти тажаллиси,
сифот тажаллиси – илоҳий зуҳри.
Намоён этади илоҳий муҳри,
зоҳир бўлиш банда дилнинг туси.

Тажалли кўриниш тавҳидга розан,
ҳар турли жойида ваҳдати вужуд.
Ноилий хосларга тажалли мавжуд,
партавдир феълу соликка баъзан.

Тажалли – доимо ғайбда бириккан,
муяссар бўлар Ҳақ лутфига сирлар.
Тукилар зулматдан ризога нурлар,
номаълум маълумга ўтиб бораркан...

* * *

... Қиш маҳали совуқ надами
қақшатар жунжитиб борлиқни.
Зудликка жо вақтнинг ҳар дами
кангулга қадайди зорлиқни.

Бигизини санчади ҳаво
қишнинг қаҳру қаҳратонида.
Забунликка бўйсуниб маъво,
издош бўлар қаҳр ёнида.

Ғижимланиб борар пайма-пай,
еру кўкнинг замирида дард.
Ёлин силкиб изғирин, ҳай-ҳай,
атрофларга тўкар бирдай гард.

Қуёшнинг нурлари беназир
мўлтираб термилар узоқдан,
титраб турар таффоти зир-зир
булутлар бойлаган тузоқда.

Дарахтлар шохида қағиллаб
қарғалар қўнади ёнма-ён.
Аёзнинг заҳмидан диғиллаб
қатқалоқ қунишар, онма-он.

Тааддисин тўкар қиш тақ-тақ,
муҳлатида аввалу охир.
Қололмайди тиғ қадаб мутлақ...
... Етиб келар баҳор, барибир...

* * *

... Сукут –

ризолик аломати эмас,
инкор тарзи ҳам эмасдир,
зотан.

Сассизлик сасидан сасланган сас –
кангул канорида қуради Ватан!

Атроф қирчиллама жиловдор ҳийла,
дамакига от қўйиб елар.
Фақат сукут меҳрин тутади сийлаб,
фақат сукут жон қушин сийлар.

Елпатак вақт чопар вақти хуш,
шамоллар қатида тўзғийди адир.
Сукут –

Румий дилидаги қуш:
“Ичиндаги ичиндадир”.

Руҳнинг майдонида армонлар аҳгар,
руҳнинг йўлларида саргардон бардош.
Сукут –

руҳда кўклаган жавҳар,
сукут –
руҳдан томчилаган ёш.

Таъмалар тўқийди ширин хушомад,
шовқинлар сабрни кемирар чаннон.
Сукут –

таъмаларга ён бермаган мард,
сукут –
шовқинларга санчилган синон.

Тилёғлама ёлғон,
хиёнат изи
кўкакай кўксини топтайди неча...
Сукут –
 субутга тан муқаддас сезим,
сукут –
 Ҳақдан сув ичган чечак.

Сукут –
 ўзингга ўзинг дуч келмоқ гали,
бир қурбдирки –
 ўзингни тинглаш.
Очун ўйинларига қўл силкиб,
вале,
сукут –
 руҳинг ҳисларин англаш.

...Сукут –
 ризолик аломати эмас,
инкор тарзи ҳам эмасдир,
зотан.
Сассизлик сасидан сасланган сас –
кангул канорида қуради Ватан!



* * *

... Шу дақиқа –
 сополдан ситилган сир,
шу дақиқа –
 узилган арғамчи.
Шу дақиқа –
 меҳр деб,
фарёд урган Лир,
шу дақиқа –
 абрдан томғиган томчи.

Шу дақиқа –
 ойнинг чўккан сояси,
юлдузлар талашиб
синдирган ҳалқа.
Айрилиқ дояси,
ҳижрон дояси,
йўргаклари йиртилган –
 шу дақиқа.

Шу дақиқа –
 катта шаҳарда ғовур,
кичкина қишлоқда вазмин сукунат.
Дарахтнинг сўнгги яфроғига довор
шу дақиқа –
 тўкилиб,
қучар юкунат.

Хонадон қувончнинг этагин ушлар,
армон –
 ҳақиқатдир
 умид –
 ҳақиқат.

Олисларда маҳзун Бойчибор кишнар,
Сомон йўли йиғлар –
шу дақиқа.

Шу дақиқа –
қалқиб сузаётган қайиқ,
баҳри муҳит темир тўлқинларида.
Шу дақиқа –
инграр,
гўзаллик майиб,
давроннинг йўлтўсар йўлқинларида.

Шу дақиқа –
кўзлар тўқнашган майдон,
синов чегарадир,
алдов чегара.
Қалб –
туйғулар гум чўкиб ётган сойдан:
ёлғонлар ўрмалар,
ростлар ўрмалар.

Шу дақиқа –
дард ахтарган дармон,
шу дақиқа –
кўчиб тушган кўҳна синч.
Шу дақиқа –
сен қучоқлаган армон,
шу дақиқа –
мен симирган соғинч.

Шу дақиқа –
сополдан ситилган сир,
шу дақиқа –
узилган арғамчи.

* * *

... Кангулда хиралашиб бораётган
жиҳатки титилиб,
ситилар аниқ.
Ёлғонлар эргашиб,
тораётган
қилғилиқ,
барибир,
бўлади синиқ.

Қурб бериб келгайдир
кангулга мудом
ҲАҚ дардин ўзига сингдирган таъбир.
Кангул –
 армонга суянган фидо,
армон –
 кангулда сув тутган сабр...



* * *

... Меҳру мурувватнинг вайрона тоқи –
восили беқадр қақшаган уннинг.
Тобарҳо ситилиб,
титилар чоки
қўйна гардуннинг.

Тик келган ғанимдан сезмайман хатар,
қўрқаман
қўрқоқнинг садоқатидан.
Эҳмолида зиён болалаб ётар,
сотқинлик сирқийди ҳақиқатидан.

Менга тегиб синган иддао тошин
киссасига жойлаб қўяди маҳкам.
Найсонлар ювади куртаклар лошин,
ғунчалар шўришин ҳўплайди шабнам.

Дариғо,
меҳрни хилма-хил туллаб
сотишади ожиз шуҳратпарастлар.
Армонларни ютиб
югурар йўллар,
қувончларни бефарқ тарашлар.

Ўксиниб
барига қарайман-да,
тек
ўйлайман,
юракда соғинчлар мўл-мўл:
Комилон даштларида чопган болалик,
Касби қўрғонида ўсган қўзигул...

* * *

... Не тонг,
чархи дунда гўёки ҳамма
танишдай туюлар,
туюлар ҳамдам.
Аслида,
нафақат
нотаниш ҳамма,
нотаниш макон ҳам,
йўл ҳам,
дунё ҳам.

Қўл бериб,
елкадош ёрон мисоли
қадам босар
гўё
ҳамма ёнма-ён.
Аслида,
нафақат нотаниш ҳоли,
нотаниш умиду
нотаниш армон.

Бундоқ қараганда жойида дурур,
ҳамма туташ томир –
бир ришта янглиғ.
Аслида,
ташқари шундоқ кўринур,
ичкари бирдайин нотаниш,
тангли.

Ғалвирдай титилиб
тўкилар бағир,

борки,
кўринишлар рўёдир,
э воҳ!
Муносабат барпо қилган бу яғир
гардун бепарво,
гир айланади,
оҳ!

Билмам,
бу не азоб,
билмам,
бу не хато?
Одам муносабат ройида тани
биров тугул,
ўзин танимас,
ҳатто,
бегона яшагай
руҳ билан тани.

Бир оғриқ канглумда
қад ростлар чаннон,
шунчаки йўлимас,
дилидан сахтли,
ҳамма бир-бирини танийди қачон,
битта боғда ўсган дарахтлар тахлит?

Не тонг,
чархи дунда гўёки ҳамма
танишдай туюлар,
туюлар ҳамдам.
Аслида,
нафақат
нотаниш ҳамма,
нотаниш макон ҳам,
йўл ҳам,
дунё ҳам...

* * *

... Ёлғизоёқ йўллар кўп даштда,
Чор тарафга кетган:
Бир қадам –
орзу сингари қисқа
Ва армондай чўзилиб ётган.

Ёлғизоёқ йўллар кўп даштда...
Оламнинг бош китоби – замин,
Унга ёзилган илк саҳифа –
Ёлғизоёқ йўллар,
сўнг
секин...

Тўлишган у лаҳзама-лаҳза,
Бу китобни ўқимоқ лозим,
Бу китобни тингламоқ керак.
Ёлғизоёқ йўллар –
унинг овози,
Дашт ҳақида сўйлайди эртас.
Ёлғизоёқ йўллар кўп даштда...



* * *

... Кўп оғир эрур нажот изтироби –
лаҳза шитобида мункиб саволлар.
Тойрилиб таркибин интиқ сироби
уланади имтиҳонга жавоблар.

Боғланади ҳижрон имтиҳони – сабр,
сабр имтиҳони ҳижронга йўллайди.
Муқаддас мавруднинг мавруди кабир,
муқаддас сабрнинг мадори қўллайди.

Иноят тақози – кангул макони,
кангул макони – тааммул шикан.
Бағрига жойлайдир сабр имконин,
пайваста сираси таянчли экан.

Сабр илтижоси – имтиҳон олами –
унутмай нурланар саносин кутиш.
Ризолик ўйлари, идрок йўлами –
имтиҳон моҳиятин шартидир ўтиш.

Кўп оғир эрур нажот изтироби –
лаҳза шитобида мункиб саволлар.
Тойрилиб таркибин интиқ сироби
уланади имтиҳонга жавоблар...

* * *

... Тонг ёриша бошлаши билан:
дарахтларнинг новдаларида уйғониб,
бир-биридан қизғониб
сайрайди қушлар.

Гўё
ҳар қайси довуши билан
бамисоли
тонгни ёритган янглиғ...



* * *

... Турна доим сирли сифат имдоди,
нигоҳида,

парвозида синоат.

Осмоннинг бағрини безар қаноти,
заминнинг кўксида пойи иноят.

Сирли хабарларга интилиб турна
сирни вужудига жойлайди пинҳон.
Олис-олисларга йўналиб ҳарна,
олис-олисларга термилар он-он.

Кўкламда учади шимол томонга,
ёз ҳавосин мабҳутига боғиниб.
Куз оғса гар қишловли имтиҳонга,
қайтади жанубга сирли соғиниб...



* * *

... Гила –
 ўксиниш гўвараги –
хўрсинишга пайванд бечора.
Гиланинг йўртқир йўвараги
таскинга ҳеч тополмас чора...

...Муғлуқ руҳнинг руҳидир яро
мутағаййир дариғи ила...
...Тахаллуфнинг маскани аро
гардонларин гурлатар гила...

* * *

... Тун тунд
сахоблар ҳойилидан...
... Тунни ёритар:
 нужум сиришки,
 қамар партави...



* * *

... Мурувват канглумда ёяди илдиз,
ёяди илдиз канглумни ардоғлаб.
Вақт эса
зипиллаб
югурар ғиз-ғиз,
афсус,
мурувватнинг қаямин доғлаб.

Майли,
югуравер қилмай эътибор,
вақт –
борлиқда эсан шамол,
бепарво.
Мурувват –
оламда муғтанам сирор,
мурувват оламга айлагай парво...



* * *

... Йўлда кетаётиб меҳрни кўрдим,
меҳрни кўрдим мен тупроқли йўлда.
Лол қотганча,
ҳайрон термилиб турдим,
ҳайрат ёқасини ушладим қўлда.

Ботиним тирнади қандайдир сукут,
негадир жимгина
суст қотдим
зор-зор.
Дунё, меҳринг борин сукутингда тут,
меҳринг меҳрини унутма зинҳор.

Бу меҳр мўъжаз бир таажжуб эди,
беминнат ёндошлик пайванди кўрча.
Меҳрни бағрига жойлаб борарди
елкасига елкалаб мўрчани мўрча...



* * *

... Кундуз қуёш,
тунда ой
фалакка ёзиб палла,
нурларини,
ҳойнаҳой,
тўкаверар зар ила.

Беминнат қуёш туси –
кангулда берк ҳарорат.
Беминнат ой ёғдуси –
кангул тубида қат-қат.

Булут чиқади бебош,
фалак аро пойма-пой.
Кундузга фидо қуёш,
бахшидадир тунга ой...



* * *

... Ой кетиб боради.
 Сабух.
 Эриниб лабларин очар сарвигул.
 Осмон меҳварида ёлғиз эди ой.
 Ёлғизгина кетиб боради.
 Лошаклари териб олинган,
 ҳайдов бўлган пайкалда ногоҳ,
 кўздан қочиб қолган амири мисол –
 ёлғиз эди ой.
 Паға-паға абрлар сафин оралаб
 ой кетиб боради.
 ёнимдан ўтаётган
 кимсага дейман:
 – Қаранг,
 ой кетиб боради!
 Хаёлига келмас бирор-бир мурод.
 – Нима бўпти? –
 Қўл силтар бепарво.
 Баттар тезлатади
 қадамин

шаштин...

Йўлнинг у бетига ўтаман кесиб,
 ёнимдан ўтаётган яна бир зотга
 қадрдон сиёқли
 кангул очаман:
 – Турган еримиздан қибла қай тараф?
 У менга қарайди
 ҳайронлик ила:
 – Қаттан билай? – дейди алалаш.
 Ва
 менга бир сидра

кўз ташлаб яна:
 – Қизиқ! – дея бошин сараклар.
 Тавба,
 дейман
 ўзимга-ўзим.
 Шаҳарда кунчиқар йўқ.
 Қибла йўқ.
 Ой йўқ.
 Югургилаб ўтаяпти одамлар –
 баззикчадай қорни томонга
 кунчиқарни сезмай,
 қиблани сезмай.
 Ой кетиб боради.
 Кў-ўп уз-о-оқда қоламан...
 Мен...
 Кў-ўп уз-о-оқда қолар...
 Сабуҳ...
 Сарвигул...
 Кў-ўп уз-зоқда қолар...
 Шафоатсиз кун...
 Кў-ўп уз-зоқда қолар...
 Меҳрсиз дунё...
 Кў-ўп уз-зоқда қолар...
 Кўзи оч,
 нафаси оч одамлар...
 Қорни томон югураётган одамлар...
 ... Ой кетиб боради...
 ...Қиблага қараб...
 ... Ой...
 ...кешиб...
 ... боради...

* * *

... Далда –
кангул қуввати
бўлса мабод муқарраб,
сўнмайин муруввати
бораверади яраб.

...Далда –
кангул суянчи
эrsa мудом кангулда,
томир ёйиб таянчи
бераверади далда...



* * *

... Изғирин нишини санчиб борлиққа
йўрғалатиб борар қишнинг қадамин.
Пойма-пой сингишиб мубҳам торлиққа
қисинади бирдай ҳаво надами.

Изғирин, ранжингни йўллама зинҳор,
борлиққа соғинчинг жойлагин жовид.
Ҳаво сарҳадига бўлиб мададкор –
жоми муродини тўлдириб овид.

Канглумнинг дардлари ўксинмай,
шунда,
борлиқ маскунига интилар бот-бот.
Ҳаво ёрон бўлса:
кун ила тунда,
беғубор асрорга йўғрилар ҳаёт...



* * *

... Ичкарига кирасан ёлғиз
ҳориган руҳингни судраб.
Ташқарида тишлари гиз-гиз
таъна,
ғийбат қолади ғудраб.

Ташқарида қолади бари:
кўз тикканлар,
кузатганлар ҳам.
Асабингни эзган кўпқари,
шовқинларни симирган олам.

Ташқарида қолар...
Бегона...
Уйинг деворлари чайир.
Юрагинг ғамлари ағанар
сукунатнинг қаърига,
хайр!

Бир лаҳза ўзингга қайрилиб,
сер солиб қарайсан,
ўзингми?
Бир лаҳза даввордан айрилиб,
бир лаҳза тинглайсан
ўзингни.

Чўзилмайди бу мангу тоқлик,
чертар руҳинг эшигини зор.
Туннинг супрасига элайди оқлик
майингина ёғаётган қор...

* * *

... Мажбурият –
зуғум ҳосили,
ҲАҚ измининг шикан восили.

Қай сирага бўлмасин қалқа,
қай йўсинга илмасин ҳалқа,

қай маконга ёймасин қулоч,
қай имконга бўлиб кўзи оч,

мажбурият йўртса-да, эвоҳ,
бир кун келиб, ҲАҚ чекади, оҳ!..



* * *

... Кун оғди,
кечга товун
эсди хуш насим.
Дунё –

қадимги ровий,
дунё –
руҳимнинг саси.

Оқшом уфун уфуриб
қошига сурма сурар.
Дунё –

узоқ йўл юриб,
дунё –
ҳорғин ўлтирар.

Сочар даштлар устинда
юлдузларини осмон.
Дунё –

ямоқ пўстинда,
дунё –
узилган паймон.

Оқшом сепи –

тугунча,
сукунат –
гўзал чирой.

Дунё –
нишлаган ғунча,
дунё –
янги чиққан ой.

Кун оғди,
кечга товун
эсди хуш насим.

Дунё –

қадимги ровий,

дунё –

руҳимнинг саси...



* * *

... Унутиш!
Унутиш!
Эвоҳ!
Изтироб!
Изтироб!
...Зиғирча бўлмайин мадор,
умиду
висолни айлаганча соб,
афсуслар тиғини кангулга қадар.

Кангул маконида ғамларнинг ғами –
унутиш томирин ёяди тинмай.
Масофалар аро дардларин жамин
изтироб қатига улайди,
ҳай-ҳай!

Изтироб фиғони висолни ғажир,
унутиш умиди бўлолмас дармон.
Изтироб –
 кангулда йиғлаган ҳажр,
унутиш –
 кангулда жойлашган армон...

* * *

... Олислардан поезд довуши инар –
чирсиллаб узилар орзиқиш.
Канглумнинг тубида хўрсинар –
сириқиш.

Сукутга кетаман,
сукутлар босиб,
руҳим шивирлари сағир.
Осмон шифтларига абрлар осик,
қизғалдоқ мўғжасин ювади ёмғир.

Жовдирар хаёлим тулпорлари боз,
учолмас –
йўллар ҳайрони.
Юрагимда мунглуғ санчилган овоз
соғинтирар Қашқадайрони.

Мангу соғинчимга айланар лаҳза –
қўймайман,
тўймайман бағримга тортиб.
Югурар бепарво
марзама-марза
поезд менга дардини ортиб.

Юрагимда қалқиб синади ғамлар –
афсус садосими
ё доғ солган из?
Мени якка ташлаб чопади дамлар,
мени якка ташлаб чопади поезд.

Суст қотаман...

суст қот...

энтикаман –

дар,

кўзларимга тиқилар шовуш...

...Қанчалар олисдан келган бўлса гар,

шунчалар олислаб кетар бу довуш...

* * *

... Тааммул бирдайин сирин англатиб,

ўзингни

ўзингга айлагай изҳор.

Хаёлинг измида ўзинг танитиб,

хаёлингга мадад бўлади иқрор.

Рухингда кўклайди қандайдир пинҳон,

қадаминг йўлланиб борар

йўлма-йўл.

Тасаввур таассуротидир он-он:

олис кетмай,

яқин келса тааммул...



Ёлғиз от елади
бир нажот истаб.

Мадад бўлсин унга қаноат,
сабр.

Нега сукут ичра қолдингиз тўхтаб?!
Ёлғиз от –

қалбларни тарк этган Меҳр!

Ёлғиз от елади
бир нажот излаб.
Мен унга тилайман бардошу тоқат.
Ортидан чопаман,
чопаман йиғлаб!
Ёлғиз от –

қалблардан кўчган Ҳақиқат!

Сарғайган адирлар ҳайқирар!
Наҳот?!
Омонлик қайдадир,
қайдадир омон?!
Қашқирлар қуршовга олган ёлғиз от –
ёлғонлар олдида инграган Виждон!

Бир нажот излайди.
Чарх уриб,
ҳайҳот!
Қашқирлар яқин,
яқин...
... Атроф рўё!
Жони ҳалқумида қотган ёлғиз от –
юрагида ғамлар занглаган Дунё!
... Ёлғиз от елади...
... Бир нажот излаб...

* * *

... Яна тун.
 Яна мен.
 яна хотира
 ва
 яна кузатиб турган ёлғизлик.
 Руҳим қоясида бир қуш ўлтирар:
 аламли,
 ҳасратли,
 рижоси тилик.

Мунғайиб туриши жонимни сиқур –
 йиқилар хотира эҳроми.
 Оҳларим сув ичган қудуқлар чуқур,
 қайғумдан лиммо-лим Жамшиднинг жоми.

Тун эса
 қийшайган ҳассасин чертиб,
 масхара қилгандай лўкиллар афзон.
 Дарахтлар қўйлагин ташлайди йиртиб,
 қўзигул пойига чўккалар хазон.

Ўзимни алдадим,
 кўп бор алдадим,
 ризвон роҳилида чилангар рўё.
 Дариғ тутди мендан,
 ҳатто
 далдани,
 хуржунида ёлғон кўп дунё.

Гуноҳлар чангийди эски табода
 ройишга рой топмас –
 етим зулжалол.

Юзлари қунишиб намхуш сабодан
осмон қирларида лўкиллар ҳилол...

* * *

... Ёлғондан зим-зич тан,
ростдан бўм-бўш тан
ҳамиша ўзига бўлиб маҳлиё,
қалбин хоҳишига хоҳ бермай,
зотан,
қалбин чирқиратиб югурар,
оё.

Нигоҳида фақат биргина назар,
танини эркалаб ўсган маҳобат.
Шу боиским,
тан –
манфаатга зар,
шу боиским,
тан –

илинждир қат-қат.

Тақозо гоҳ таннинг танига шўнғиб,
қалбнинг қалбига ҳеч келолмайди мос.
Танни эгаллаган ёлғондан мунғиб,
танни ботинидан сирқиб кетар рост...

... Касбидан қайтиш...
 Ботади оғир –
 канглум титранади ҳар гал,
 ҳар дафъа.
 Изтироб канглумнинг тубида сағир,
 изтироб канглумга айлайди сафар.

... Касбидан қайтиш...
 Бұлади қийин –
 кўзларим жовдираб қарайди тўрт ён.
 Йўллар узоқларга бошлаган сайин
 армонлар тўлғин-тўлғин уради туғён.

... Касбидан қайтиш...
Бардошни қадаб –
кўксимда пайдо бўлган минг бир чок.
Дадам ётган туфроқ руҳимга мадад,
кўр берур қалбимга онам ётган хок.

... Касбидан қайтиш...
 Дўнар машаққат –
 сукунат қаъридан тўкилар пайдар.
 Қатида қадим садолар қат-қат –
 Қўрғон...
 Сардоба...
 Султон Мирҳайдар...

... Касбидан қайтиш...
Туюлади маҳол –
қадамларим ортга тортар неғадир?
Унда руҳим қолиб,

Эҳ,
дунёи зол,
бўм-бўшгина вужуд йўлга чиқадир.

... Касбидан қайтиш...
Ботади оғир –
канглум титранади ҳар гал,
ҳар дафъа.
Изтироб канглумнинг тубида сағир,
изтироб канглумга айлайди сафар...

* * *

... Олис сафар олисга йўллар
армонларга бағрини тутиб.
Бир зумгина шодликка тўлар
қайғуларнинг зорини ютиб.

Қай кангулга интилар интиқ,
қай кангулнинг қаърида мискин.
Сукунатнинг сукутида тик –
олис сафар қандайиндир син.

Йўллар аро елиб онма-он,
туфроқларга ботади лим-лим.
Олис сафар бўлар ёнма-ён,
олис сафар –
ўлим...

* * *

... Куёш –

олам ҳарорати...

...Куёш

бирдай осмон бағрида

порлаб-порлаб,

бор мурудин тортиқ этиб оламга –
нурларини сочар беминнат...

* * *

... Тадорик кангулга тасалли

берар,

кангул сирдоши бўлиб.

Дунёда қанча не ясалди:

ростни эзиб,

ёлғонга тўлиб.

Тадорик –

сукутнинг нигоҳи,

нигоҳин сукутда юмади.

Чўкиб кангул тубига оҳи,

кангулнинг тубидан томади...

* * *

... Нигоҳинг нигоҳимнинг ёри
ва канглумнинг тўтиё –
бори.

Хаёлимга қарайман
ногоҳ,
хаёлимга пайвандланар,
оҳ!

Не имконлар мавжуд ён-ёнда,
не имконлар йўқ эрур онда?!

Гўё қулоч ёйганича ёй –
вақт зувиллаб ўтар,
ҳойнаҳой!

Муҳаббатнинг сабрини йўллар,
бирдай қайғу заҳмига йўллар.

Нигоҳим тубида бир яра –
ўсаверар бўлиб хотира...



* * *

... Мен –

соғинч шарҳини битгувчи котиб,
соғинчга айланган қулларнинг шоҳи.
Руҳимнинг қатқалоқ қаърига ботиб,
ўрлайди сукутнинг саргашта оҳи.

Кўксимда ўсади
чўкиб тобора
ўркач-ўркач ғам барханлари.
Азоб шўришлари тилларин ёра
ситилади кўйна дун арконлари.

Канглум ҳуриллайди,
канглум тўзади,
сабрим косасида моғорлар тоқат.
Хоҳишим синдирар,
ройим эзади
қуриётган имконим қат-қат.

Бир-бирин этагин тутган боис кўп,
боислар тортишган,

талашган.

Атрофим-ла ивирсиб тўп-тўп
ғанимлар чамбарак қалашган.

Сен –

армон кўкида ёзасан қанот,
аламлар бағримни кемиради –
оч.

Юраги қовжираб
ҳалиққан, бот-бот
соғинчга бир томчи сув тут, қалдирғоч.

... Мен –

соғинч шаҳрини битгувчи котиб...

* * *

... Не топсамки,
йўлларда топгайдирман,
не йўқотсам,
йўқотгайман йўлларда.
Йўллар билан доимо биргадирман:
маконимдир,
манзилимдир,
йўлларда.

Йўллар тушунгайдир канглумни фақат,
фақат канглум илғар йўллар асрорин.
Канглумда йўлларнинг армони қат-қат,
тўкилгай йўлларга канглумнинг зори.

Ўзи ясаб одам,
ўзи бўлган қул –
уловларга миниб,
мақтаниб, ҳай-ҳай,
баланду
пастларга чўзганича қўл,
тўзитар йўлларни беписанд пай-пай.

Кишвар таянчига йўллар пойидор –
тўрт тарафни хешлагайдир дунёда.
Йўлларнинг ғайбидан канглумда ғайб бор,
пиёда келдим мен,
кетгум пиёда...

... Ажиб эртак,
ажиб ривоят –
Кенглик, мендан кетмагин йироқ.
Канглум сендан кенгайиб ғоят,
канглум сендан нурланар яйроқ.

Ажиб ҳайрат,
ажиб муъжизот –
Кенглик, мандан кетмагин олис.
Канглум тубида туп ей,
томир от,

канглум тубида яшаётган ҳис.

Ажиб иффор,
ажиб тароват –
Кенглик, мендан кетмагин узоқ.
Канглум манзари сен-ла сароват,
канглум манзари сен-ла жонузоқ.

Ажиб умид,
ажиб хотира –
Кенглик, мендан кетмагин элас.
Канглум руҳин маҳзун торттириб,
канглум руҳин бўйлантиргин сас.

Ажиб эртак,
ажиб ривоят –
Кенглик, мендан кетмагин йироқ.
Канглум сендан кенгайиб ғоят,
канглум сендан нурланар яйроқ.

* * *

... Кўргазма –
 рўкачга йўғрилган илинж,
айлар тарзин бардор-бардор намойиш.
Бироқ
синаотнинг зимнидаги гинж
кўргазмага
асло
бермагай ройиш.

Кўргазма жилони жойлаб тусига,
майли,
булаверсин неча-неча қат.
Бирибир,
рўёбдир мудом ўксиган –
сирини баён этмаган синоат...



* * *

... Вақтига содир эрган ҳодисалар,
ўзин қандайдир қилганча шоён,
вақтнинг ҳолатини тусларга туслар:
гоҳ олислаб,
гоҳ бўлиб ёнма-ён.

Гоҳ қайғуга,
гоҳ шодликка хослар,
ки,
синоатни олам тақтига.
Вақтни етаклаб чопар ҳодислар,
ҳодислар сингар вақтнинг вақтига...



* * *

... Йўллар узун,
йўллар қисқадир,
дунёи дун сираларида.
Баъзан манзилларда ўсадир,
баъзан қолар ўраларида.

Йўллар кенгдур,
йўллар тор.
Ҳай-ҳай:
нени челпиб,
нени топадир?
Баъзан маконларга ён бермай,
баъзан маконларда чопадир.

Йўллар текис,
йўллар дўғирдўқ
ернинг қуршов айланасида.
Не сирага йўлланса-да,
йўқ,
йўллар дилларга йўл олмаса-да...



* * *

... Кенгликлар ҳавоси мусаффо,
гардсиз,
шабнамдай беғубор,
шабнамдай тиниқ.
Заминга риштаси туташган чексиз
осмон зангор,
осмон баланд,
осмон эниқ.

Қанотларин ёйиб кўкларга довур,
чарх урар тўрғайлар кўк денгизида.
Кенгликлар ҳикмати гўзал тасаввур
асрори ўзида,
сири ўзида.

Эркалаб силайди мардона насим,
сулув қўзигуллар яфроқларини.
Пайваста айлағум жонимга сим-сим,
жонимга жон бўлган туфроқларини.

Канглумда тотланар тоти хуш анқиб:
қизғалдоқ,
чучмома,
анғиз ифори.
Шамсдан таралади ҳарорат балқиб,
қамарнинг нурлари ёзар сифорин.

Кенгликлар соғинчи канглум тўлдириб,
кенгликлар соғинчи канглум марқади.
Уфқлар отини борар елдириб,
хаёлимни етказмай қочар сарҳади.

Найлай,
кенгликларга талпинар кангул,
хотирлар,
армонлар маҳзун елади.

Найлай,
бул бағирнинг бағрида буткул
бағир бўлиб қолгим келади.

Кенгликлар ҳавоси мусаффо,
гардсиз,
шабнамдай беғубор,
шабнамдай тиниқ.
Заминга риштаси туташган чексиз
осмон зангор,
осмон баланд,
осмон эниқ...



* * *

... Зерикиш – афсуснинг афсуси,
ғароматнинг тим қотган туси.

Қалбга чигиб боради чигал,
кечами ё кундузми, ҳар гал.

Вақт лўкиллар. Бепарво. Мудом
қалб ёшига зинҳор тутмай жом.

Зерикишга пайванд бўлиб нақд,
қалбни фартлаб, сўндиради вақт...



* * *

... Канглум сарҳадларга интилар,
тўрғайлар довушин соғиниб.
Кўк бағрини чақмоқлар тилар,
ерни тиглар тўзонлар эниб.

Сарҳадларга интилар канглум,
интизорлик имконин бойлаб.
Бор гиёҳлар томири лум-лум
сирин канглум тубига жойлаб...



* * *

... Увиллар шамол.
Увиллар,
хайҳот!
Яйдоқ дашт бағрини этганча таъқиб.
Бенажот турар,
турар бенажот –
тўлқинга дуч келган кемадек қалқиб
Қирол Лир.
Қизлари кечишди ундан.
Ҳайдашди.
Уни тарк этишди.
Қуллуқ қилиб,
мақтаб,
ёнида юрган
навкарлари ҳам ташлаб кетишди.
Энди
у
бенаво –
бекор айтгани –
меҳру муруввати қайтди дард бўлиб.
Қизлари бегона.
Дўстлари ғаним.
Таъналар қон қилар кўксига санчилиб.
Ёлғизга оғирдир дунёнинг юки,
дунёнинг юки ёлғизни эзар.
Қирол Лир.
Сўнг дафъа оҳиста чўкиб
кимгадир,
қайгадир қўлларин чўзар.
Қўллари-да
қолди муаллақ –

улардан тутгувчи йўқ,
бирор шафқат.
Ўрнидан турди
ва
шамолга бефарқ
югурар,
югурар,
юрақда нафрат...

* * *

... Эшикни очасан.
Ичкарида қамалган ҳаво
димоғингга урилар шошиб.
Аллатовур бўлиб кетасан.
Остонада қоласан тўхтаб...
...Сезасан,
узоқ тун бўйи
торгина хонада,
гулларни ёлғиз
қолдирганингни
ва
узоқ тун бўйи
торгина хона
гулларнинг ҳидини
ҳидлаганини ҳам
сезасан.
Сезасан
яна
гулларни
соғинганингни...

* * *

... Қуриган дарёнинг қақроқ қаъридан
ясси куракларин тўлдириб-тўлдириб
темир илгаклар,
қумларни,
чағилларни юклар басма-бас,
қасрларин кўз-кўз айлаган
шаҳарларга
тинмай,
изма-из югураётган
мошинларнинг,
поездларнинг қуроқ-қуроқ сумбатларига...
... Букчайган тоғларнинг ўксик бағрига
тиғдор тиғларини тираб,
ўйиб,
ковлаб,
нолишига зинҳор этмайин парво
темир илгаклар,
тошларни,
маъданларни ортар галма-гал,
қасрларни кўз-кўз айлаган
шаҳарларга
тинмай,
изма-из югураётган
мошинларнинг,
поездларнинг қуроқ-қуроқ сумбатларига...

* * *

... Умр йўли тасаввур кузатувида,
тасаввур кузатувида умр ўтар.
Умр йўли илтижо кузатувида,
илтижо кузатувида умр ўтар.

Умр ўтар кузатув тасаввурида,
кузатув тасаввурида умр йўли.
Умр ўтар илтижо тасаввурида,
илтижо тасаввурида умр йўли...

* * *

... Қалдирғочлар жанубга учар,
кузнинг сўнгги субҳидамида.
Ҳавони нурлантириб қучар,
интилиб-интилиб дамида.

Қалдирғочлар қўкка бўйлайди,
нигоҳини ерга йўллатиб.
Фалак қиёфасин ўйлайди,
тариқат қарашин қўллатиб...

* * *

... Халқим, ўзлигингга ғубор қўнмасин,
 Аждодлар чироғин нури сўнмасин,
 Кўзларингга зинҳор ёшлар унмасин,
 Ватан сувратига суврат бўл, халқим!

Кангул майдонимда ўсган сабримсан,
 Оқибат-оримга тўла мардимсан,
 Қадримни тик тутган – баланд қадримсан,
 Ватан сувратига суврат бўл, халқим!

Табаррук туфроғнинг бағрига бойлан,
 Хурлик насибасин жойига жойлан,
 Жовид вақтнинг жовудига айлан,
 Ватан сувратига суврат бўл, халқим!

Берган-берганини бир кун сўрайди,
 Минг хил миннат, минг таънага ўрайди,
 Иддаоли сира ҳеч поримайди,
 Ватан сувратига суврат бўл, халқим!

Сабаб ва таадду мўлдир ниҳоят,
 Ўзин оқлаш учун тўқир ривоят,
 Руҳи ўнгнинг ўзи айлар иноят,
 Ватан сувратига суврат бўл, халқим!

Идрокдан йўғрилган асил иродинг,
 Ғам кўрсагин, ғаминг канглум тилоди,
 Меҳрингнинг меҳрига жодир муродим,
 Ватан сувратига суврат бўл, халқим!

У йўлдан-бу йўлга турланиб кўп бор,
 Келиб-кетаверар йўловчи бисёр...
 Ўзтиқодга қувват бўлиб интизор –
 Ватан сувратига суврат бўл, халқим!

* * *

... Баҳорни соғиниб чирқирар бир қуш,
дарахт новдасига дардини илиб.
Дарахт куртаклари бамисоли туш –
хаёлин тубида гуллар –
очилич.

Қуш осмон тоқига қарар пайдар-пай,
мовийлик,
тиниклик йироқдир ҳали.
Тахлам-тахлам бўлиб товланар,
ҳай-ҳай,
булутларнинг қоплаб олган тунд ёли.

Нигоҳига қайғу сингиб боради,
жисмининг жонида тоқат урар тўш...
... Қачонким,
бағрининг зорин ёради,
қачонким,
бағрига баҳор келса қуш...



* * *

... Биз билмаган манзиллар кўп дунёда,
Заминга чамбарчас томир – матлаби.
Тоғга елка тутиб, ўзи қиёда –
Назарга тушмаган адирлар каби.

(Кўзимиз эса ўрганиб қолган,
Баландларга боқмоққа, афсус.
Адирлар борлигин биламиз қайдан,
Турсак умр бўйи тоғдан узмай кўз?)

У ерларда учган қушлар ҳаттоки,
Учрамас – кўп машҳур, манзилларда йўқ.
Дарахтлари тўпмас, сийракдир, балки,
Лекин мевалари мағизли ва тўқ.

Билмоқ учун зотан ихтиёр камдир,
Тасаввурнинг доим етмас қудрати.
Манзиллар расмини чизмоққа, ахир,
Ўзларига ўхшатиб.

Дунё харитасин ёнида туриб,
Жуғрофия дарсида муаллимнинг
Кўрсаткичи сакраб-сакраб, югуриб
Кўрсатади манзилларни.

Шундай тез ўтамиз улар ёнидан,
Кўзларда тасвири қолар ё қолмас.
Фикр бўлинади. Кўнғироқ бирдан
Танаффусга ундаб берганида сас.

Нотаниш манзиллар – кангулда ҳайрат:
Қадамлар ундовдир, қадамлар сўроқ.

Уларнинг бағрига мумкиндир фақат
Меҳр бошлаган йўл билан кирмоқ.

Талпинаман нотаниш манзилларга:
Кангулда ҳаяжон туширган муҳр –
Умид билан биргама-бирга,
Кўксимга қадаб ол туғро – меҳр...

* * *

... Одамларни англаш мумкин
довушларин эшитиб.
Довушларида мужассам
одамлар қалби
ўзлиги,
умри
данагига жо бўлган дарахтлар каби...



Балки,
шундан
ҳароратлидир
у диёрнинг офтоби,
балки,
шундан
юлдузларга бойдир
осмони у диёрнинг...
Беихтиёр чопаман у диёр томон,
қучоқ очиб,

хаёллар ичра,
хаёллар ичра
қўр тўкилиб ётган
манзилларни қолдириб ортда...

* * *

... Сен мени соғинтир,
соғинтир сен мени:
даштни соғинтирган қўзигул мисоли,
дарёни соғинтирган тошқин мисоли,
кенгликни соғинтирган тўрғай мисоли,
сахрони соғинтирган ёмғир мисоли,
... Йўқса,
вужуд –
 куп-қуруқ тана:
шамоллар бефарқ,
чақмоқлар бефарқ,
бўронлар бефарқ...



* * *

... Тонгги манзиллар келади яқин,
субҳидам қўйнида шаффоф,
бокира.

Уйларда югуриб ҳориган шовқин
ширин бир оромни туш кўрар.

Ғуборлар босилган,
йўлларнинг чангин
ювиб,
сув пуркович мошин ўтади.
Тун бўйи чайналган ёлғонлар зангин
тўшаклар ҳўрсиниб ютади.

Зулматни қолдириб,
тонгги манзиллар
дунёга софликни келар кўчириб.
Боғларнинг муаттар атрини еллар
олис саҳроларга кетар учуриб.

Кўзингни оч,
ғафлат босган биродар,
Ўрнингдан тур,
сен ҳам бир назар солгин.
Ҳар тонг рўй кўрсатиб ёшинган дилбар –
тонгги манзилларни бағрингга олгин...

* * *

... Учади,
учади,
учади
қушлар карвони
жануб ёқларга.
Жануб ёқларга кўчади,
кўчади,
кўчади,
кўчади
кимнингдир орзуси,
кимнингдир армони
қушлар-ла,
қушлар-ла,
қушлар-ла.
Қўл силкитиб чопади бола
қушлар ортидан,
Кўзёшин артиб қолар қария
қушлар ортидан,
Хаёлга толиб қарайман узоқ
қушлар ортидан...
... Бепарво,
бесас боқади биров
қушлар ортидан...
Қушларни кузатар соғинч,
соғинч –
жануб ёқларга аталган...

* * *

... Ўртада одам кўп:
 олди бўм-бўш
 ва
 орти бўм-бўш.
 Автобус боради елиб,
 уфқларга урганича тўш.
 Ўртада одам кўп:
 силжимас на ортга,
 на олдга,
 туришар тошдайин қотиб,
 туришар бир жойда.
 Ўртада одам кўп:
 дўстим,
 қарагин,
 улар,
 бир-бирига суяниб қолган
 қопларга ўхшар.
 Ўртада одам кўп:
 гап кўзғалиб қолса мабодо,
 бирор масала ҳал этилиб,
 ҳукм чиқариш, бўлса муддао
 тўлдирувчи бўлади улар,
 аниқловчи бўлади улар.
 Эгага жовдираб термилар,
 кесимга жовдираб термилар.
 Жуда узоқ давом этар бу –
 улар учун яшашнинг йўли –
 якка-ёлғиз нажот ана шу
 ўртада турмоқ – ўлим...
 Дунё ортсин бор юкларини,
 бор синовин ўтказсин менда.

Чақирмасман
асло
уларни,
турмасман ҳеч қачон ўртада...

* * *

... Бир қултум сув,
бир тикка нон
нафсингни қондирар,
қачонким, нафсингга бўлмасанг муте.
Мабодо
бўйин эгсанг,
қул бўлсанг нафсинг нафсига,
дилинг зойил этиб,
елкангга миниб бораверади нафс...



* * *

... Тошдевор,
тошдевор –
 ҳовли қафаси,
қафасда ғам бирдай қатланар он-он.
Тошдеворга,
эх, урилиб нафаси,
ҳовли қаватида тахланар армон.

Тошдевор солланар,
кериб қаддини,
бўйлама-бўйлама бўлиб самога.
Заминнинг сатҳига юклаб ҳаддини,
айланар-айланар солус имога.

Йўлакларга соя солар тошдевор:
кундузи қуёшнинг нурини кесиб,
оқшом яна чоғин чоғлайди такрор,
ою
юлдузларнинг шуъласин тўсиб.

Тошдевор чизади:
ҳадик,
хавотир,
зойиллик иборин гизма-гизлигин.
Одамнинг канглуда макон қурмай сир –
йитиб бораётган изма-излигин...

* * *

... Эриш туюлади,
рангига мос келмаган нарсa:
лабда кулгу ўйнаб,
кўзда ёш қалқса,
кўзда ёш қалқиб,
лаб кулиб турса...

... Эриш туюлади,
ўғрининг
бошқаларга
ҳеч навбат бермай
ҳалоллик ҳақида
узоқ-узоқ гапириши,
оғзини тўлдириб-тўлдириб гапириши...

... Эриш туюлади...
... Хайрият, бор экан бу туйғу –
демак,
кангул жойида ҳали,
демак,
кангул қийналар...

* * *

... Танаффус –
қай бир ҳаракат,
вақт жисмидаги лаҳза.
Вақтга қадам қўйиб қат-қат,
лўкиллар марзама-марза.

... Танаффус –
англаш сукути –
ўзингда мавжуд ўзингни.
Нелардир жовдирар кутиб,
нелардир қоплар кўзингни.

... Танаффус –
қандайдир чизги:
балки, умид,
балки, армон.
Гоҳ кангулга солар эзгу,
гоҳ кангулни эзар он-он.

... Танаффус –
эҳтимол,
тақдир жиҳатин
муҳрлар имконга.
Афсус,
назар солмай,
гир-гир
қулоч керар ҳар томонга.

... Танаффус –
мисли ҳодиса –
табиатнинг муъжаз сири.

Зоҳирга бир бута илса,
ботинга жойлар томирин.

... Танаффус...

...Танаффус ...

...Танаффус ...

* * *

... Катта арава кетиб борар
торгина йўлдан
уринмай,
бемалол...
Катта йўлга сиғмай шалдирар
кичик арава,
гоҳ у ёнга,
гоҳ бу ёнга
урилиб...



* * *

... Сукут садоси –
сукут,
дилим маконида соғинчдир.
Одам,
сукутни қалбингдан қут,
пайдар-пайки,
қалбингдан индир.

... Сукут садоси –
сукут,
руҳимга ёяди томирин.
Одам,
сукутга бағрингни тут,
бағрингни мудом сирлатсин сиринг.

... Сукут садоси –
сукут,
нигоҳим жовдираб термилар.
Одам,
сукутинг қандайин қут,
қандайин гирдобларни илар?

... Сукут садоси –
сукут,
қайғумнинг муниси қайғумдир.
Одам,
сукутдан дардингни ют,
экиб борар дардингни зимдир.

... Сукут садоси –
сукут,

канглум, бўй торт сукутда,
илло!

Одам,
сукутингда боринг бут,
сукутингда яшар,
тавалло!

... Сукут садоси –
сукут...



* * *

... Канглум,
мендан бўлак киминг бор сенинг,
канглум,
сендан бошқа менинг кимим бор?
Не десанг, дегувчи –
ёлғизим менинг,
не айтсанг, айтгувчи –
ўзинг хокисор.

Канглум,
мени тушунгувчи ўзингсан фақат,
канглум,
фақат сени англаб етгувчи ўзим.
Менинг вужудимда улғаяр тоқат,
сенинг вужудингда ғунчалар тўзим.

Канглум,
ғамларимнинг ашклари дарё,
канглум,
армонларнинг қайғулари тоғ.
Канглум,
сени қаърига тортар бу дарё,
канглум,
мени янчиб кетади бу тоғ.

Даҳри дун дайрида чирпираган гард,
канглум,
бир кун кетарман чиқармай натоғ.
Кимгадир қолдириб ғарибгина дард,
кимгадир қолдириб ғарибгина доғ...

Балладалар



ТҮРҒАЙ

... Офтоб тиккада.

Офтобнинг тиллари қип-қизил олов
ялаб ётар даштларни.

Ҳарорат рақамлари тугади,
найчасини ёргудай сиқилар симоб,
чўзиш керак рақамлар сонин.

Офтоб нуқтасида бирлашди тўрт уфқ:
жануб қай томон,

қай томон шимол,

кунчиқар қай тараф,

қай тараф кунботар –

билиб бўлмайди,

тўрт тарафда фақат офтоб...

Ҳарорат,

ҳарорат уфқлар томирига

сингади бирдай.

Осмон кенгликларида

чарх уради

бир тўрғай,

силкиниб

учар кўкда

қучмоқ бўлар маъвони.

Офтоб-ла қасдма-қасдда шамоллатар ҳавони.

Заминни осмонга улаган торлар –

офтоб нурлари баланд пардада таранг

жимирлаб,

жимирлаб,

жимирлаб...

Тўрғай чизар

уфқлар бирлашган

нуқта саҳнига

сарин-сарин
елнинг сувратин
пириллаб,
пириллаб,
пириллаб...



УЛУҒБЕКНИНГ ЎЛИМИ

I

... Дунё ғафлатда қолди бу кеча.

Ўзини кечирмас бу учун дунё

ҳеч қачон:

туннинг тили тутилиб,

туннинг кўзи кўр бўлиб,

туннинг қулоғи битиб,

дунё қолди ғафлатда...

... Қани энди шу онда
ғафлат пардасин бузиб,
Гўрўғлининг Гироти
ШАМОЛ бўлиб бамисли
етиб келсайди кишнаб,
елиб келсайди кишнаб

туёқлари остидан чақнатиб чақмоқларни.

Кутар эди мунажжим:

замин жимжит –

жим,

жим,

жим...

...Қани энди шу онда
ғафлат пардасин бузиб,
БЎРОН бўлиб бамисли
учиб келсайди Семурғ,
кўчиб келсайди Семурғ
о-осмонни тўлдириб.

Кутар эди мунажжим:

осмон жимжит –

жим,

жим,
жим...

... Тун қўйнида Самарқанд
узоқлашиб қолганди.
Ғиротдан ҳам дарак йўқ,
Семурғдан ҳам дарак йўқ.

Кутар эди мунажжим:
атроф жимжит –

жим,
жим,
жим...

Доғда қолди-ку улар

бир умрга кечикиб...

Юракларида армон –
йиғлар эди юлдузлар

олисларда
юм,
юм,
юм...

II

.....
...Ўлдирдилар уни шу тунда:
осмон сирин очган инсонни,
хилват макон, жилға бўйида...

.....
...Тун – қалбига санчилган ханжар...

.....
...Вужудидан оқди тирқираб
жилғага қон – иссиқ орзулар –
зулумотга ниш урди улар...

ЧЎПОНАЛДАР

... Чўпоналдар¹ бўрининг дўсти,
хайрон – ёқа ушлайсан жуфтлаб,
эшитганда бу гапни,
рости,
сесканасан ичингга туфлаб.

Ақл сира қилмайди бовар:
қандай асрор,
қандай сирриёт?
Ҳатто кўҳна офтоби ховар
кам кўргандир бундайин риёт.

Табиатнинг иши таассуб –
ёвузлик
ва
ёлғон, биродар.
ёвузликка бўридир –
мансуб,
ёлғоннинг шакли –
чўпоналдар.

Оч саҳрода бир-бирин,
балки,
борлигини билмас –
беҳабар.

Тасодиф ҳам дуч қилмас,
балки,
лек
феъллари топишар хабар.

Мутаносиб тушар қилмиши:
ибтидоси,

¹ Чўпоналдар – даштда яшайдиган қуш.

интиҳоси бир.
Мос келади қадам олиши,
фурсат пойлаб туриши мосдур.

Чўпоналдар айёрдир,
чунон,
жилва қилар –
жон олар қилиқ.
Унинг макрин сезмайди чўпон,
соддалик қурсин-эй,
соддалик...

Учар...
Қўнар...
Йўрғалар...
Озгина...
Озгина...
Озгина...
... Ширин хаёл –
тутмоқ нияти
эргашади ортидан чўпон.
Бир,
икки,
уч қадам...
Етади...
Бир,
икки,
уч қадам...
Бепоён...
... Яйдоқ даштда эса
безга
қолар сурув –
қўйлар бенажот.
Шуни кутиб ётган бўрига
бундай имкон қўл келар бот-бот...

... Дашт заъфарон,
сукутда қотар,
уфқларга кўз тутганича.
Бора-бора
қуёш ҳам ботар,
чўпон жимдир шу кетганича...
... Чўпон жимдир шу кетганича...



НОРЖОН МОМО

... Норжон момо яшади кутиб,
кўзларида йўллар суврати.
Шамолларга сирини айтиб,
шамоллардан мадад сўрарди.
Шамолларнинг сарғайиб ранги,
шамолларнинг тили бўлар лол.

Жимир,
сувга тушган тош каби,
ҳар гал такрор бўлар бир савол:
“... Келадими?..”

Умрининг ярмидан кўпи...

... Ватан –

муҳаббатга айланган тонгда,

Ватан –

садоқатга айланган тонгда,

Ватан –

жон-иймонга айланган тонгда

вужудида туғилди

бир хужайра сингари Норжон момонинг...

... Норжон момонинг канглуда яшарди

ўшандан бери:

одамлар бир-бирига меҳрибон эди-я, қандай,

бир-бирин дийдорига қараб тўйишмасди ҳеч!

Қишлоқ томон бурилиб қарарди қайта-қайта

қўринмай кетгунича ўша тонг!..

Ўша тонг

ёзилган

сўзлар билан луғатида ёнма-ён.

Ёнма-ён

оламда совуқ

ва
иссиқ,
совуғи қаттиқдир,
айниқса,
даштнинг.
Офтоб тиғи тик тушиб,
олов сели кўпирган
жазирамасига куч,
бардош топди,
топди куч,
бардош.
Қочмади иссиқдан кўрқиб
салқинга,
совуқнинг захрини кўтаролди тик,
кўтаролди тик –
қалбида ҳарорат баланд.

Бир нарсадан кўрқарди фақат –
“Келмайди”ни эшитиш ўлимдир унга.
Энг ёмон душмани саналар унинг
шу сўзни айтиб,

дилини пора-пора
ўқситган кимса...
(Ғанимларнинг
нияти бир хил,
бир хил,
ранги-рўйи
бошқа-бошқа бўлса ҳам...)

...Норжон момо яшади кутиб,
кўзларида йўллар суврати.
Шамолларга сирини айтиб,
шамоллардан мадад сўрарди...
...Сўнгги марта кўрдим,
шамолларга юзма-юз

борарди қалқиб...


“... Келдими?..”

... Сўзин қолдириб...

“... Келмайди”ни олиб кетар эди

Норжон момо

узоқ-узоқларга...



ДАШТ ОДАМЛАРИ

... У ерда одамлар кўп сокин,
Кўп сокин одамлар у ерда.
Фиғонидан чанг чиқмас ёки
Тўзғимас салгина шамолда.

У ерда одамлар кўп сокин,
Кўп сокин одамлар у ерда.
Туғён урар тўфонлар, лекин
Қалбларин тубида.

У ерда одамлар кўп сокин,
Кўп сокин одамлар у ерда.
Яшар қоматин кўтариб, ки,
Сўзлашар тик қараб кўзларга.

У ерда одамлар кўп сокин,
Кўп сокин одамлар у ерда.
Бу – кенгликлар муҳридир, балки,
Оқгувчи қон томирларида.

Дунёки, манзиллар мажмуи,
Дунёки, рангларда юз очар:
Гоҳ қаршингда пайдо бўлади
Ҳасратга кўмилган одамлар.

Қўй, уларни, ҳечам, тинглама,
Ўзи бўлиб яшамас улар.
Ахир, кўзнинг гуноҳи нима,
Кангул исён қилмаса агар.

Кангул исён қилмаса қайда,
Ёлғон бўлар яшамоқ шарти
Ва хушомад ўйнаб бош ролда
Кулиб турар кўзёшин артиб.

У ерда-чи, бошқа манзара
Намоён.
Кангул жим.
Кўзлар жим.
Қаранг-а,
Дунёда ҳеч йўқда-я, бўрон...
... Бўрон бор у ерда –
Сокинлик бағрида...



ТЎРИҚ

... Бир лаҳза ҳам тинчимас тўриқ,
кўзлари қон қуйгандай бежо.
Арқонини узгудай бўлиб,
яккамихни айланар роса.

Гир айланар,
гир айланар
метин ернинг чиқариб чангин,
метин ерни тупроққа қорар
аламларин чизганча рангин.

Ўкириб-ўкириб кишнайди,
юлқиниб-юлқиниб отилар.
Ортган сайин тўриқнинг дарди
арқон таранг-таранг тортилар.

Қимирламас яккамих ҳеч бир,
арқонни у чайнар алам-ла.
Яккамихни алам-ла ғажир
олов ичра...

... Чавандози ўққа учгандай
кутилмаганда..
...Бунга чидаб бўлади қандай,
ётар тобутда?..
... Одамлар айланиб ўтади,
айланиб ўтади
тобутни бир-бир.
Марҳум бунда бирдай ётади,
унга энди барибир...

... Ўтади азадор,
бағри кул бўлганлар ҳам,
ўтади тиригида
у билан сўкишганлар,
тепишганлар,
унинг учун
қўлтиғига тиғ яширганлар,
бўйидан баланд
гапирганлар ҳам ўтади
тобут ёнидан...

... Барини,
кузатиб туради, барини
марҳум билан
бутун умр
даштар бағрида
бир-бирига уруғ –
излар сочган тўриқ
бир чеккада қолиб.
Ахир,
у ҳайвон,
унга йўл бўлсин тобут ёнидан ўтмоқ,
сўнгги марта марҳумга розилик айтмоқ
йўл бўлсин...

... Садоқатнинг ранги бўлсайди,
битилсайди унга рақамлар,
тўриқ бўлар эди биринчи,
орқадан турарди одамлар.

Кўзларини қоплайди туман,
туман ичра кетган йўл узун.
Узоқлашган тобут ортидан
ҳавога туғдайин урганча ўзин:

депсинади – алам,
кишнайти – алам,
пишқиради – алам,
юлқинади – алам...



Достонлар



ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ

... Ёбон чексиз...

Масофа –

УМИД...

Масофа –

ХОТИРА...

УМИД –

ХОТИРА туфроғи...

ХОТИРА –

УМИД томири...

УМИД чарчаб йиқилган

масофада

кўкара бошлайди

ХОТИРА...

... Ёбон чексиз...

* * *

... Қаердадир ҳаво очилиб,
қаердадир санқийди буйуқ.
Қаердадир орзу лочири,
қаердадир армондил уйуқ.

Қаердадир осмон пастлашиб,
қаердадир юксалар замин.
Қаердадир дўстлар қасдлашиб,
қаердадир сирлашар ғаним.

Қаердадир сакрайди ҳаво,
қаердадир димиқар шамол.

Қаердадир ғудранар жавоб,
қаердадир жилмаяр савол.

Қаердадир югурар тошлар,
қаердадир тин олади йўл.
Қаердадир сўл ўнгга бошлар,
қаердадир ўнгга бошлар сўл.

Қаердадир пишқирар туфрок,
қаердадир қатрон ялар сой.
Қаердадир соч ўрар сақоқ,
қаердадир зулматга ем ой.

Қаердадир савсан ғамбода,
қаердадир яйрайди чағир.
Қаердадир сўлғин шаббода,
қаердадир қалдирғоч сағир.

Қаердадир найсонлар боғич,
қаердадир тайрилар сунут.
Қаердадир йиғлайди соғинч,
қаердадир барг ёзар унут.

Қаердадир нурайди қўрғон,
қаердадир бўй чўзар ярзақ.
Қаердадир тўр тўқир ёлғон,
қаердадир бағри тилик Ҳақ.

Қаердадир ҳижрон гиргирон,
қаердадир висол тақриби.
Қаердадир йўртар сирсирон,
қаердадир сукут қақради.

Қаердадир вақт тилин қотирар,
қаердадир макон сепи тахт.

Қаердадир қадим хотира –
ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ.

... Қа...ер...да...дир...рр...
... ЁБОНДАГИ...
... ЁЛҒИЗ...
... ДАРАХТ...

... Қ...а...е...р...д...а...д...и...р...
.....

* * *

... Ёбон чексиз...
... Кўрганинг,
билганинг,
ҳис қилганинг –
сен таниган дунё
шулардир фақат,
фақат шулардир
юрагингда намоён –
аксин топар
у ёки бу тарзда.
Қолган барча нарсалар
сенга бегона –
юрагингдан ташқарида яшар.
Демакки,
дунёда кўп эрур доим
танишдан
кўра
нотаниш...
Демакки,

дунёда кўп эрур доим
сочилиб ётган армонлар...
...Ёбон чексиз...

* * *

... Айтишади... Қачондир
бир ўтгувчи,
савобгар,
ўтаётиб бегидир
ёбонга солган назар...
Сукутга чўмган ёбон,
уч-қириғи йўқ яланг.
Чўкиб борар ёнма-ён
мункайган кўҳна аланг.

Ёбон –
жизғанақ савол –
тақрон ўралган ўрма.
Жавоб қийнаган ҳавор –
заррот тўраган тўрми?

Канглуда
ўсиб ҳиммат,
дили тўлиб бир аҳдни –
эккан экан беминнат
ўшал зотким дарахтни.
Ўтган,
қайтган салқинлаб
соялар деб бир фурсат,
эккан экан қалқинлаб
юраги тўлиб қурса.

Сўнгра ўзи йўл юриб

кетган,
ортга қайтмайин.
Ўтган неча бор қариб
йиллар карвони тайин.

Лаби қувраб неча бор
жавзо келгандир қақраб?
Зам қилгандир неча бор
қиличин қайраб ақраб?

Либос алмашлаб қайтган
кўклам неча бор,
балким?
Неча бор хайр айтган
тийрамоҳ,
билмас ҳеч ким?..
...Тоқат танига пайваст,
вужудин силар сабр.
Бардошдан сириққан сас,
қаноат тиккан қадр.

Таппот чанглари –
сепки,
тикон –
самумлар тоши.
Жонига бўлган эпкин
ёмғир –
осмоннинг ёши.

Парвои палак,
тезоб,
ҳалиқиб чопар дайир.
Дарахт ёбонда азот
ўсди,
бўй тортар байир...

* * *

... Ёбон чексиз...

Қўзигуллар келди ёбонга,
ёбонга келди қизғалдоқлар.
Таради ҳаволар тароват,
яшнаб кетди тап-тақир ёбон.
Қўзигуллар ҳидидан сархуш,
қизғалдоқлар жамолига маҳлиё
тўрғайлар
сирларини айтди
живирлаб
ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТга
... Ёбон чексиз...

* * *

... Тўкилсанг,
ўзинг ўзингга тўкил,
ўзинг тўкилган қайғунгга жома...
Сўкилсанг,
ўзинг ўзингга сўкил,
ўзинг сўкилган дилингни яма...

Бўзласанг,
бўзлагин ўзингга ўзинг,
ўзинг бўзларингга тақин...
Сўзласанг,
сўзлагин ўзингга ўзинг,
ўзинг –
сўзларингга оқим...

Айтинсанг,
ўзинг ўзингга айтин,
ўзинг кўксинг ғамларин сила...
Қайтинсанг,
ўзинг ўзингга қайтин,
ўзинг руҳинг руҳига белан...

Суянсанг,
суянгин ўзингга ўзинг,
ўзинг оғирингга елка тут...
Куйинсанг,
куйингин ўзингга ўзинг,
ўзинг бағрингга сукут...

Тингласанг,
ўзинг ўзингни тингла,
ўзинг –
имкон таянган тоқат...

Англасанг,
ўзинг ўзингни англа,
ўзинг топгил ўзингни фақат...
Ташласанг,
ташлагил ўзингга ўзинг,
ўзинг юкинган юкингни кўтар...
Бошласанг,
бошлагил ўзингга ўзинг,
ўзинг ўзингни соғиниб кутар...
Ўзинг...

ўзингни...

соғиниб...

кутар...

* * *

... Ёбон чексиз...

Меҳрга тўла эди
 ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ...
 Ўзи меҳрга зору зор бўлган,
 жовдираб-жовдираб кўз тутган
 ёлғиз дарахтнинг
 ёбондан ўтгувчилар
 ва
 қайтгувчиларга
 бирдай
 меҳр кўргузгувси келарди мудом...
 Ўтгувчилар ўтарди қўниб,
 баҳра олардилар соясидан.
 Паноҳ бўларда қайтгувчиларга –
 жазирама иссиғидан жонларин сақлаб.
 Қишда
 яна пана берди
 юпун ёбондан
 ўтгувчилар
 ва қайтгувчиларга.
 Изи узилмай ўтар ўтгувчилар,
 қайтгувчилар қайтар изи узилмай,
 йиртиқ чориғини судраб ёбондан...
 ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ меҳрини ичиб...
 ... ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ...
 Тонгларни севарди...
 Ойли,
 юлдузли тунларни севарди...
 Ёмғирларни севарди...
 Қушларни севарди...

Ўтгувчиларни,
 қайтгувчиларни севарди...
 Ёбонни севарди ҳаммасидан ҳам...
 ... Шундай меҳр билан яшарди...
 Шундай меҳр билан
 тонглар
 отар эди бағрида,
 бағрида
 шундай меҳр билан кунлар ботарди...
 ... Кун чиқари –
 ёбон ёлғиз дарахтнинг...
 ... Кун ботари –
 ёбон ёлғиз дарахтнинг...
 ... Меҳрга тўла эди ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ...
 ...Ёбон чексиз...

* * *

... ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ...

Туфроғи меҳрдан яралган унинг,
 меҳрдан яралган борлиғи.
 Шамс –
 ҳасрати шошаётган куннинг,
 қамар –
 имиллаган туннинг зорлиғи.

Чарх уради йўллар тўрт томон...
 Ёбонга сочилган рахтнинг
 урчуғлари йигирган паймон –
 меҳрига дўнди дарахтнинг...

Шундан кўрса,
 нодармон,

долқад,
мададга сойинган сойишни.
Меҳрин тутди,
авайлаб,
алқаб,
аямади хоҳишни.

Чарх уради йўллар тўрт томон...
Ёбонга сочилган рахтнинг
урчуғлари йигирган паймон –
меҳрига дўнди дарахтнинг...

Шундан кўrsa,
аёзлар нуқиб,
ночор титраб турган кимсани,
меҳридан иссиқ чопонлар тикиб,
кийдиради шафқатли нимсани.

Чарх уради йўллар тўрт томон...
Ёбонга сочилган рахтнинг
урчуғлари йигирган паймон –
меҳрига дўнди дарахтнинг...

Шундан кўrsa,
тиғ ялаб офтоб
забтга олган жизғанақ жонни,
соя берди келтириб шаффоф,
томчи сув бўлди топиб имконни.

Чарх уради йўллар тўрт томон...
Ёбонга сочилган рахтнинг
урчуғлари йигирган паймон –
меҳрига дўнди дарахтнинг...

... Туфроғи меҳрдан яралганди унинг,
меҳрдан яралган борлиғи.

Шамс –

ҳасрати шошаётган куннинг,

қамар –

имиллаган туннинг зорлиғи...

... ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ...

* * *

... Ёбон чексиз...

Гулханлар ёнади...

Тутунни бошига кўтарган олов...

Гуруллаган ўтдан узилган,

ҳаволанган тутунни

ҳар йўсинга йўрғалатиб,

ҳар йўриғда ўйнатар шамол,

хоҳлаган йўлига солади шамол,

хоҳлаган томонга олиб кетади шамол...

... Ёбон чексиз...

* * *

... Дил ўзига ягона,

дил ўзига мардон...

Дил ўзига бегона,

дил ўзига қадрдон...

Дил ўзига чирой,

дил ўзига кўз...

Дил ўзига ой,

дил ўзига бўз...

Дил ўзига пайдо,
дил ўзига бут..
Дил ўзига жавзо,
дил ўзига хут..

Дил ўзига карийм,
дил ўзига шашт..
Дил ўзига ичкари,
дил ўзига таш..

Дил ўзига мискин,
дил ўзига изҳор..
Дил ўзига таскин,
дил ўзига ёр..

Дил ўзига гадо,
дил ўзига шоҳ..
Дил ўзига адо,
дил ўзига оҳ..

Дил ўзига борлиқ,
дил ўзига сайр..
Дил ўзига зорлиқ,
дил ўзига хайр..

Дил ўзига сахт,
дил ўзига тобон..
Дил ўзига дарахт,
дил ўзига ёбон..

* * *

... Ёбон чексиз...

Ўлжа қидирар очкўзлик,
ўлжа қидирар нафси ҳакалак отиб...
Мўл бўлса,
оғзини очиб қападек
танлайди эринмай,
шошилмай,
қоникмай,
танлайди узоқ,
беписандлик билан очкўзлик...
Оз бўлса,
кўзларига қуйилиб ваҳм
ёпишиб олади канадек
дуч келган нарсага очкўзлик...
... Ёбон чексиз...

* * *

... Ёбонга қўш тиккан кўп бўлди,
эҳ-ҳе,
кўп бўлди ёбонга эгаман деган.
Шамол каби ўтди сийрилиб не-не
олғир,
макқор,
ҳийлагар,
чечан.

Бирига сиғинди ёбон,
ҳаттоким,
сиғинди –

эътиқод билдириб ботил.

Муроди –

тўрроққа ўтиб
олгувчи чопқирлар от солар сарахт.
Ёбон қадрин кўтарар жонида тутиб,
аслида,
фақат
ЁБОНДАГИ ЁЛғИЗ ДАРАХТ...

* * *

... Ёбон чексиз...

Қайрилган бутага тирноғин санчиб,
ғижимлаб қайрилган бутани,
ёлғиз дарахтга термилар калхат,
кўз узмай термилар ёлғиз дарахтга.

Ёлғиз дарахтга қўнган
қушчаларни
қўзлайди калхат,
мўлжаллар қилади минг хил мақомда,
имкон пойлаб
термилар калхат,
фурсат пойлаб
термилар калхат,
илож пойлаб
термилар калхат...
... Ёбон чексиз...

* * *

... Сароблар жимирлаб-жимирлаб,
вале,
ёбонда нотавон чоки сиринар.
Ёлғиз дарахт –

уммондаги кема мисоли
узоқ-узоқлардан кўринар...

Узоқ-узоқлардан тортар нигоҳни,
узоқ-узоқлардан бир меҳригиё.
Узоқ-узоқлар ютади оҳни,
узоқ-узоқлар хўрсинар қиё.

Узоқ-узоқларнинг олиб хаёлин,
узоқ-узоқларнинг тарзин йўриқлар.
Ёбонни тўзғитиб,
силкитиб ёлин
шовур олиб елар асов тўриқлар.

Узоқ-узоқларга етар сояси,
узоқ-узоқларга мададкор,
ҳамдам.

Ёлғиз дарахт –
саховатнинг адл қояси,
ёлғиз дарахт –
тимсоли мурувватнинг ҳам.

Ёлғиз дарахт меҳрин ниҳояси йўқ,
адоғи йўқ хоксор шафқатин.
Хусумат,
ғайбатга дил очмади,
йўқ,
йўқ,

* * *

... Дунё ўтар экан-а,
МЕҲР йитар экан-а.
МЕҲРга бағрин очган
ситам ютар экан-а...

Дунё ўтар экан-а,
СУБУТ йитар экан-а.
СУБУТига содиқ эр
дашном ютар экан-а...

Дунё ўтар экан-а,
ҒУРУР йитар экан-а.
ҒУРУРига суянган
ғамлар ютар экан-а...

Дунё ўтар экан-а,
ЯХШИЛИК йитар экан-а.
ЯХШИЛИКка дил берган
афсус ютар экан-а...

Дунё ўтар экан-а,
ҚАДР йитар экан-а.
ҚАДРини туғ билган мард
қонлар ютар экан-а...

Дунё... ўтар... экан-а...

.....
... Вужудда ўсган жоҳиллик уруғи –
очофат нафс,
маккор ёлғонлар.
Мункийди канглумнинг йўриғи
МЕҲР хиёнатдан панд еган онлар.

Худбинлик томирига сув пуркаган –
қирриқ кибор,
мақтанчоқ кибор.

Шул –

СОБУТнинг рангин чуркаган,

шул –

ГУРУР танига қадалган табор.

Дилни тилимлаган нодон тааммул –
пихин ёрган хушомад йўриғи.

ЯХШИЛИК жонига тиғ қайраган –

шул,

шул –

ҚАДРнинг бутланмас синиғи.

Руҳим майдонида ҲАҚЛИК йиғиниб,

руҳим майдони ҲАҚЛИКка инар.

Дунё –

армонлардан тикланган сағана,

дунё –

армонларни ютгувчи канор...

Дунё.....

армонларни.....

ютгувчи.....

канор.....

.....

* * *

... Ёбон чексиз...

Бир кун...

Бир кун...

Бир ўтгувчи...

ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТни қора тортиб

келди ёнига.

Ўтирди.
 Жони жон топди
 олис йўлдан сўнг.
 Ёлғиз дарахт соясида
 хузур олди,
 мирикди роса...
 ... Ўзига бино қўйган бир ўтгувчи,
 босар-тусарини билмаган бир ўтгувчи,
 қўлтиғида тарвуз кўтарган бир ўтгувчи,
 қаердан келаётганини,
 қаерга бораётганини
 билмаган бир ўтгувчи,
 ҳамма нарсани эрмакка йўйган
 бир ўтгувчи...
 Йўлга тушмоққа чоғланди...
 Ва...
 Кетаётиб,
 эрмак учун ёқиб
 ёлғиз дарахтни,
 эрмак учун қилди томоша...
 Ва...
 Йўлига кетди –
 муроди ҳосил...
 Холига ҳайрон қарарди дунё...
 Ўтгувчиларни,
 қайтгувчиларни таниёлмай
 турарди ғам ютиб дунё...
 ... Ёлғиз дарахт ичдан эзилди –
 танига ўрмалади титроқ.
 Ёлғиз дарахт пойига чўзилди
 ингроқ...
 Ёлғиз дарахт ўксинди,
 вужуди титилди чок-чок...
 Камидан сирқинди,
 йўқсинди ингроқ...

... Ёмғирлар келди...

... Ёмғирлар келди...

... Кечикиб...

... Ёбон чексиз...

* * *

... ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ...

Юрагим тўкилиб кетди,

йиғладим,

ашкларим –

минг куроқ...

ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ

канглумни маконлар этди...

ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ –

канглумга санчилган ингроқ...

Мен сени соғиндим,

мен сенга чопдим –

ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ...

Мен сенга оғиндим,

мен сени топдим,

лаҳза –

гунг,

лаҳза –

тилни тишлаган карахт...

... Лаҳза –

миттигина тугманинг кўзи.

Заминдай кичикдир.

Самодай ҳадсиз.

Митти ва ҳадсиз бағрида унинг

воқеот,

ҳодисот белини букиб,

терга ботиб чопар

қари

улкан Вақт...

ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ,
 қаршингда танглаб қолдим, мен,
 қотиблар қолдим,
 мен
 сени танимай.
 Сенга тикилдим
 мен,
 нигоҳ солдим
 мен,
 ёбондаги ёлғиз шўрликкинам-ай..
 Ёбондаги ёлғиз суянч пайкони –
 илигини армон сўраган,
 эй,
 чайир хилқат:
 юлдузлар қўнган бутоқларинг
 қани,
 қани
 тунлар ёнбошлаган шохларинг қат-қат?
 Қани
 кунлар ҳовур олган бастинг,
 ҳалиққан қушлар паноҳи –
 баргларинг
 қани?
 Қўзигуллар интилиб,
 ҳавас билан растин
 ростлаган бўйларинг
 қани?
 Қани
 изғиринлар пинагин бузмай
 қийғос очилган норғул ғунчалар?
 Қани
 чопқирларда тўзғимай,
 тўзмай,
 новдаларинг қучган уйчалар?

Қани
 йўллар билан сирлашиб,
 тўлғанган
 узоқ-узоқлардан кўринган тирғоч?..
 ... Ҳайҳот!.....
 ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ оташда ёнган..
 ... Ҳайҳот!.....
 ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ –

қатқалоқ,

қирмоч...

Калавасин учин йўқотиб қўйиб,
 тангу тор ўлтирган тўқувчи мисол
 турибман,
 шикаста бағримни ўйиб,
 сендан кўзларимни узолмайман..
 ... Завол...

Ичимни куйдирар,
 сенга очкўз,
 оч илашган,
 туташган,
 чирмашган олов..
 ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ,
 сенингмас,
 менинг дилим қовурмоч..
 ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ,
 сенингмас,
 менинг дилим ёнгандир лов-лов...

* * *

... Ёбон чексиз...

.....

... Дарахт жим –
яфроқлар шивирин туш кўрар.
Дарахт жимликка тобин,
дарахт жимликка ўрам...

Дарахт жим –
афсус,
пушаймон хардлари.
Дарахт жимликка бичим,
дарахт жимликка дардланди...
Дарахт жим –
чуқур қудуқ –
 чўкиртақ қаъри.
Дарахт жимликка
 разм,
дарахт жимликка наъра...

Дарахт жим –
еллар бефарқ,
бетаъсир.
Дарахт жимликка ҳоким,
дарахт жимликка асир...

Дарахт жим –
ғам саҳроси ўпқонлар.
Дарахт жимликка таслим,
дарахт жимликка ёнлар...
Дарахт жим –

борлиқ тўқийди ғафлат.
 Дарахт жимликка маҳкум,
 дарахт жимликка –
 нафрат...

Дарахт жим –
 ёбон ночор бўзланди.
 Дарахт жимликка –
 ин,
 дарахт жимликка юзланди...

.....

 Д.....Ж.....
 А.....И.....
 Р.....М.....
 А.....
 Х.....
 Т.....

* * *

... Ёбон чексиз...
 Юмронқозиклар инидан чиқди,
 қарашди,
 теваарак сув қуйгандек жимжит.
 Жимлик ёстиғига ёнбошлар ёбон.
 Сезилмас зиғирдай хавотир хавфи.
 Бир-бирига кўз-кўз қилиб керишишди,
 керишишди,
 бир-рр ўзиларин эркин қўйиб,
 қадларин кериб,
 гердайишди,
 чунон...

... Ёбон чексиз...

* * *

... Армон,
сенинг насибанг –
сағир,
армон,
сенинг неъматинг –
қайғу.
Хўрсианаман –
куяди бағир,
хўрсианаман –
ғажийди тайғу.

Умидимнинг кипригида нам –
канглум деворлари йиқиқ.
Мени комига тортади бир ғам –
қуриган ўзан айлайди ҳақиқ.

Совуқ илжаяди дайди хиёнат –
нигоҳида фириб семирган.
Оташда жингиртоб диёнат –
МЕҲР бериб,
оғу симирган.

Бардошимнинг тоқати тўлур –
йиқилади сабримнинг уҳи...
Ё...б...о...н...
...б...и...т...м...а...с...
.....д...о...ғ...и...н...г...а...
.....б...ў...л...у...р... –
ёлғиз дарахтнинг чирқираган руҳи...

Армон,

сенинг насибанг –

сағир,

армон,

сенинг неъматинг –

қайғу.

Хўрсинаман –

куяди бағир,

хүрси́наман –

Ғажийди тайғу...

* * *

... Ёбон чексиз...

Йўл билмаган мўрчалар

адашиб кетар,

узилса гар

қавми саф тортган издан...

...Ёбон чексиз...

* * *

... Ёлғизлик –

сен руҳимнинг гули,

руҳимнинг қадоғи сен —

ёлғизлик.

Ёлғизлик –

сен руҳимнинг йўли,

руҳимнинг садоғи сен –

ёлғизлик.

Ёлғизлик –

сен руҳимнинг наргизи,

руҳимнинг оҳи сен –

ёлғизлик.

Ёлғизлик –

сен руҳимнинг дар изи,
руҳимнинг ёҳи сен –
ёлғизлик.

Ёлғизлик –

сен руҳимнинг доши,
руҳимнинг қадри сен –
ёлғизлик.

Ёлғизлик –

сен руҳимнинг ёши,
руҳимнинг адри сен –
ёлғизлик.

Ёлғизлик –

сен руҳимнинг ниҳони,
руҳимнинг ҳасрати сен –
ёлғизлик.

Ёлғизлик –

сен руҳимнинг синони,
руҳимнинг масради сен –
ёлғизлик.

Ёлғизлик –

сен руҳимда яшнаган хазон,
руҳимда қуриган мўғжа сен –
ёлғизлик.

Ёлғизлик –

сен руҳимда севилган азоб,
руҳимда чириган фуржа сен –
ёлғизлик.

Ёлғизлик –

сен руҳимда чатнаган томир,
руҳимда мум ютган забон сен –
ёлғизлик.

Ёлғизлик –

сен руҳимда ёғилган ёмғир,
руҳимда кўз тутган сабон сен –
ёлғизлик.

Ёлғизлик –

сен руҳимда оғриган яра,
руҳимда қотилган дармон сен –
ёлғизлик.

Ёлғизлик –

сен руҳимда толеи қора,
руҳимда битилган армон сен –
ёлғизлик.

Ёлғизлик –

сен руҳимда йиртилган ёбон,
руҳимда тўраган тўр сен –
ёлғизлик.

Ёлғизлик –

сен руҳимда чуркаган тобон,
руҳимда йўраган нур сен –
ёлғизлик.

Ёлғизлик –

сен руҳим йўқотган савоб,
руҳим топган гуноҳ сен –
ёлғизлик.

Ёлғизлик –

сен руҳим сабри чингиртоб,
руҳим тўкилган туфроқ –
ёлғизлик.

Ё.....

Л.....

Ғ.....

И.....
 З.....
 Л.....
 И.....
 К.....

* * *

... Ёбон чексиз...

Тўппоққина кул тепасида
 учиб-қўнар,
 учиб-қўнар бир қушча...
 Ниманидир излар бир қушча...
 Чирқирайди,
 чирқирайди бир қушча...

.....

Тўппоққина кул тепасида
 учиб-қўнар,
 учиб-қўнар бир қушча...
 Нимадир излар бир қушча...
 Чирқирайди,
 чирқирайди бир қушча...

.....

...Ёбон чексиз...

БАЛКИ

...Кеманинг ортида одамзод
денгиздан
уммонга йўналар.
Палубаларин чуқтирар
тўлқинлар
унинг...
...Балки...

Ўлжас СУЛАЙМОНОВ

* * *

... Балки...
... Балки...
... Балки...

* * *

... Балки,

вақт
маконни назарга илмай,
шиддат билан емираверар
турфа-турфа
йўсинга
чоғлаб...

* * *

... Балки,

умидни
тикилтириб-тикилтириб,
йўрттирар-йўрттирар
тоқатнинг
бағрига
жойлаб
жойини...

* * *

...Балки,

син.

... Балки,

ҳин.

... Балки,

жузв.

... Балки,

тузв.

... Балки,

мил.

... Балки,

ҳил.

... Балки,

тарқ.

... Балки,

ғарқ.

... Балки,

роз.

... Балки,

боз.

... Балки,

самт.

... Балки,
замт.
... Балки,
гар.
... Балки,
дар.
... Балки,
кунж.
... Балки,
ғунж.
... Балки,
тим.
... Балки,
чим.
... Балки,
хайб.
... Балки,
ғайб...

* * *

... Балки,
хаёлингда қолган суратга
интизор-интизор
тикилиб-тикилиб,
зиғирча гард қўндирмай,
унутмай
зинҳор-зинҳор
олиб юраверасан
соғинчингни
гуллатиб мудом...

* * *

... Балки,
манфаатга ружу қўйган
нимаики бор,
тамом бўлар,
бирдан,
манфаат тугаган заҳот...

* * *

... Балки,
қуриган дарёларда
чириб бораверар
қайиқлар қумлоқларга чўкиб...

* * *

... Балки,
салом.
Балки,
хайр.
Балки,
шодлик.
Балки,
ғам.
Балки,
кангулдан учган тайр.
Балки,
кўздан сириққан нам.
Балки,
вафо.

Балки,
жафо.
Балки,
висол.
Балки,
ҳижрон.
Балки,
кангулда тот ифор.
Балки,
кўзда қақраган жон.

Балки,
орзу.
Балки,
армон.
Балки,
унут.
Балки,
хотир.
Балки,
кангулга ёр дармон.
Балки,
кўзга юк хавотир.

Балки,
қурғоқ.
Балки,
селоб.
Балки,
кундуз.
Балки,
тун.
Балки,
кангулни айлар тоб.
Балки,
кўзни мудратган хун.

Балки,
фитна.
Балки,
тавба.
Балки,
ғаним.
Балки,
муштоқ.
Балки,
кангулнинг бори навбат.
Балки,
кўзнинг зори тоқ-тоқ.

Балки,
ҳиммат.
Балки,
миннат.
Балки,
афгор.
Балки,
бардош.
Балки,
кангул ҳолидир хат.
Балки,
кўз жовдиратган дош...

* * *

... Балки,
заминга ботар
пайдар-пай
таҳаммул тахлит,
танаси шикан

дарахтлар
бирдай...

* * *

... Балки,

ишончсизлик –
хавотир тузилмаси
товланар ёлғонга
қоришиб-қоришиб,
эргашиб-эргашиб...

* * *

...Балки,

тун
сенга узоқ термилган сайин,
зулматинг равшан тортаверади,
ё,
Раб!..

* * *

... Балки,

нечук синоат?

Балки,

нечук эҳтимол?

Балки,

ташвиш ё тоқат?

Балки,

ёронми ё зол?

Балки,

нечук ҳаводис?

Балки,
нечук топишмоқ?
Балки,
тошқинми ё сус?
Балки,
қорами ё оқ?
Балки,
нечук нурафшон?
Балки,
нечук қоронғу?
Балки,
муҳлатми ё он?
Балки,
нуқта ё урғу?
Балки,
нечук муаммо?
Балки,
нечук хайрихоҳ?
Балки,
имкон ё аммо?
Балки,
таажжуб ё оҳ?
Балки,
нечук имловда?
Балки,
нечук тарози?
Балки,
илдиз ё новда?
Балки,
эрта ё мозий?
Балки,
нечук ниҳоя?

Балки,
нечук тафовут?
Балки,
хандақ ё қоя?
Балки,
қақроқми ё қут?

Балки,
нечук дариғо?
Балки,
нечук имтиҳон?
Балки,
сочқи ё йиғо?
Балки,
йўлми ё макон?..

* * *

... Балки,
томларнинг
баланд-баланд
сатҳида
қалин-қалин
тўшалган
қорлар
айланиб
майда-майда
томчиларга,
тарновлардан
томғилаб-томғилаб
пайдо қилади
тупроқнинг
кўксига
сингиб-сингиб,

қўшша-қўшша
косаларни...

* * *

... Балки,
эгрилик қўпайса
қанча,
шунча
камайиб
борар тўғрилиқ...

* * *

... Балки,
қарич-қарич
тилини чўзиб,
узатиб қўлини
пахса-пахса,
ўкситар,
йиғлатар
ўзини англай олмаган
қай-қай кимсани...

* * *

... Балки,
дунё
бағринг тубида нола –
ижтиноб уҳига тўлиб бўзлайди.
Қай бир ўстирганинг дардингга ҳола,
қай бир ўстирганинг тиғин кўзлайди.

Балки,

дунё

қай-қай томонларингда
не-не анволарга товланар илинж.
ҲАҚни бажо айлаган онларингда
ўкситиб-ўкситиб қақшатади гинж.

Балки,

дунё

аршнинг қисматига
синон санчган зойиллардан чекар оҳ.
Олачалпоқ тешиклар қат-қатига
уқубатлар сингиб боради ногоҳ.

Балки,

дунё

эшигин кимдир бузиб,
титмоқ истар азон қатламин он-он.
Дунё шу ҳолатдан боради тўзиб,
дунё ҳовлисида югурса нодон.

Балки,

дунё

нигоҳинг қатида уқда –
малул ва музтарлик мўғжалар зим-зим.
Соф ҳавонг йироқлаб кетаётган нуқта –
қайғу шиконида сириқар сим-сим...

* * *

... Балки,

шаҳар тепасидаги
сарҳади тор
гардун,

ўзига
бўйлашмоқчи бўлган
ҳар қандай
бино
қуббасига
тобини михлаб,
қўниб
тургандай
туюлаверади...

* * *

... Балки,

аёз
тинмай талпинар
чидаёлмай
нишин
санчиб
ҳавога
ва
юргайдир
чоғини
чоғлаб...

* * *

... Балки,

қанча
кўп ташласанг
назар
англагандай бўласан
атрофингни,

бамисоли,
уйлар сирасинда
сезганинг
сингари
ўзингни...

* * *

... Балки,

қандайиндир мурувватга боғ.
Балки,

қандайиндир фойдага илғоғ.
Балки,

қандайиндир тегирмон тоши.
Балки,

қандайиндир доннинг бардоши.
Балки,

қандайиндир чиллакка чиллак.
Балки,

қандайиндир элакка элак.
Балки,

қандайиндир номаълум асир.
Балки,

қандайиндир бот олатаъсир.
Балки,

қандайиндир бақувват қисм.

Балки,

қандайиндир ейланган жисм.

Балки,

қандайиндир канор канори.

Балки,

қандайиндир санор санори.

Балки,

қандайиндир учқур киборлик.

Балки,

қандайиндир соф хокисорлик.

Балки,

қандайиндир қадрни човлар.

Балки,

қандайиндир ҳадикни бовлар.

Балки,

қандайиндир тескари чизги.

Балки,

қандайиндир ўнгловли сезги.

Балки,

қандайиндир жиловни олгай.

Балки,

қандайиндир йўриғдан толгай.

Балки,

қандайиндир зувиллаб ётар.

Балки,
қандайиндир метиндай қотар.
Балки,
қандайиндир эговлар руҳни.
Балки,
қандайдир ройлатар уҳни.
Балки,
қандайиндир зоҳирда тиғиз.
Балки,
қандайиндир ботинда беиз.
Балки,
қандайиндир жилога пайванд.
Балки,
қандайиндир муродилга панд.
Балки,
қандайиндир қурбатга қодир.
Балки,
қандайиндир ғурбатга жодир.
Балки,
қандайиндир ситар чориқни.
Балки,
қандайиндир бутар ёриқни.
Балки,
қандайиндир кўзлатар ўзин.
Балки,
қандайиндир бўзлатар бўзин.

Балки,
қандайиндир борлиқда шоён.
Балки,
қандайиндир бўлғай ноаён.
Балки,
қандайиндир саҳоб томчиси.
Балки,
қандайиндир жабал қамчиси.
Балки,
қандайиндир қамровли қулоч.
Балки,
қандайиндир гизли кўзи оч.
Балки,
қандайиндир имод қалқони.
Балки,
қандайиндир чигал ўлқони.
Балки,
қандайиндир отланиб турар.
Балки,
қандайиндир пиёда юрар.
Балки,
қандайиндир имконга имкон.
Балки,
қандайиндир, афсус, беимкон.

Балки,

қандайиндир кенглик бақоси,

Балки,

қандайиндир торлик тақоси.

Балки,

қандайиндир қурлаган қалов.

Балки,

қандайиндир гурлаган олов.

Балки,

қандайиндир йўрғали вуслат.

Балки,

қандайиндир мубарро хислат.

Балки,

қандайиндир чўпчакка ёна.

Балки,

қандайиндир кангул томона...

* * *

... Балки,

самонинг
кўзёшлари
бир муддатгина
кўкартирар
муштоқ-муштоқ

термилтириб
самога,
қақроқ-қақроқ
ёбоннинг
умри қисқа
ғиёҳларини...

* * *

... Балки,

макон
вақтни қилмайин писанд
ўз-ўзига
бўлиб
маҳлиё
тусин қориб борар
йўлларга...

* * *

... Балки...
... Балки...
... Балки...

УЗОҚЛАШАЁТГАН ОҒРИҚ

*Кунни дафн қилар вақт ва кўнғироқ,
Булутила соя шамсиди тутгай, оҳ!*
Томас Стернс ЭЛИОТ

Ўй

Иншо, эркин нигоҳ. Каттаю кичик
ҳаммага тегишли, тааллуқли СЎЗ –
УЗОҚЛАШАЁТГАН ОҒРИҚ! Сиз уни
қандай тушунасиш? Шундайин ёзинг.
Ўйланг! Поёмини дилдан қилиб ҳис,
масалага чуқур, кенгроқ ёндошинг.
Назар ташлаб, қадим тарихга такрор,
диққат билан қаранг атрофга яна:
далиллар келтиринг, қиёсланг, топинг,
йўл юриб йиғилган кузатувлару
хулосалар тасдиқ этсин эш бўлиб,
куч бериб тўлдирсин ҳам фикрингизни.
Фақат тезроқ ёзинг. Муҳлати қисқа.
Сабаб, ортингиздан келаётганлар-да
сизнинг иншонгизни ўқисин, билсин,
қайтадан сер солиб, қайрилиб бундоқ,
ўз-ўзига ҳисоб беришга қодир
журъат топа олсин ички зарурат,
токи, бу дунёда шундай бир оғриқ
борлигини ва унингсиз одамзод канглу
ғафлат, жаҳолатга ботиб қолишин.
англасин, тушуниб етсин юракдан.
Ўйғонсин, кангулнинг қаърида мудраб,
ғофил бўлиб ётган оғриқ азоби...

Довуш

Йўл бўйида гангиб, сукутга кетиб,
ҳолига ҳайрона турган, ҳо-ов-в, болам,
кажрафторнинг нобоп ўйинларига
алданмайин десанг, тушмайин десанг:
ИМОНингга берк бўл!

ДИНингга берк бўл!

Нодонликдан қувват олади хато.
Калтафаҳмликдан рўёдир – гуноҳ.
Савоб, саховатни унутган – жоҳил.
Элига, юртига бемехр – манқурт.
Касби, ҳунарига ихлоси сушт – ғўр.
Бирор-бир сўзни лафзга олишдан илгари
унинг уддасидан чиқишни,
бирор-бир корни ҳавас қилишдан олдин
ўшанинг нонини ҳалоллаб ейишни ўйла.
Шунга кўзинг етиб,
ақлинг бовар қилган тақдирдагина
киргин бу кўчага.
Бўлмаса касрингдан бировлар қақшайди.
Ғози куяди.
Ўзингга қарғишлар орттирасан.
Надоматлар келтирасан.
Кўпчиликнинг дуоибоди, оҳу ноласи
бир ёқлик қилмасдан,
бир каромат кўрсатмасдан қолмайди.
Бир марта бурди кетиб,
этагига гард илашган одамнинг
қаторга қайтиб кириши,
иккинчи сафар назарга тушиши эса,
амри маҳол!..
...Эсон бодхўрни танирмидинг?
Шўрариқ тўпаридан.
Кўрмаган бўлсанг ҳам, эшитган чиқарсан.

У тўғрисида кўп гапириб юришди.

Сўкиб юришди.

Уччига чиққан мақтанчоқ, маҳмадона,

такур эди-да ўзиям.

Кўргинам-кўрмагинам потма чумчуққа ўхшарди.

Бундайларнинг ўз номи билан гуппи дейишарди.

Икки гапининг бирида: “Мен!” дерди.

Кўкрагига урарди.

Ўзининг банда эканлигини эсидан чиқариб қўйганди.

Шу хусусда, аллома Юсуф Хос Ҳожибнинг ушбу

ҳикматлари хотирамда айланди.

Ул зот шундай ёзмишлар:

“Одам ўзи ўта қисқа умрли, алам-қайғулари чексиз, тили узун, сўзи баландпарвоздир. Инсон

ўзи шунчалик эрксиз бўлатуриб, катта кетиб

гердаиши ажабланарлидир. Жаҳонни қўлга

киритгач, дил ҳасрати ортади-ю, яна у қоядек

ғўддайиб, керилгани ортиқча”.

“Мен!” дейиш, биласанми, кимга ярашади?

Фақат Холиқул аъламга, Парвардигору оламга!

Ўша – Эсон бодхўр бор-йўғи олти ойгина эл оғаси бўлди-ю,

босар-тусарини билмай, улуснинг юзини ерга қаратди,

қаддини чўктирди.

Номусларга қолдирди.

Ношуд эди-да, ношуд, баччағар!

Элбоши ношуд бўлдими, элатнинг шўри қисди, деявер!..

...Кўтарма гузарида феълли, орқали бир киши бўлғучи

эди:

Тонгда ўлтирарди қиблага қараб.

Кунчиқарга боқиб турарди шомда.

Исмини Эшонқул дейишарди.

Яқинда оламдан ўтди, бечора!

Имони билан кетди.

Кўпам қари эмасди.

Борган бўлса, қирқларда эди-да ёши.

Яратган олдида қарзидан қутулди, ҳақир!
Бирортаям тирноқ қолмади шўрликдан.
Зурёди тугади ҳисоб.

Қисмат ҳам кучи етганни қисади-да.
Қаердаки қўли калта ёлғизними
ёки бўлмаса бирор-бир соябони йўқ
муштипар ғарибними?

Эшонқул чархнинг нотантилигидан, ёлғончилигидан,
масхарабозлигидан зардобга тўлиб кетган канглуни
бўшатиб юргувчи эди. Эсимда қолганларидан бири:

“Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ!” “Қуръон” да
Амал қилар шундай таъбир ва такбир.
Бунӣ зикр этган, ки, мусулмонда
Субутга содиқлик муқаддас тақдир.

Лаҳзада ўзгариб, лаҳзада қайтиб,
Имонини ютган, учар беимон:
Тангрини дилига жойлолмас қайтиб,
Динига эктивор қилмоғи гумон.

Тез иноқ бўлибким, йўлдошликка мос
Оқибат сақлолмай панд берган олғир:
Ўтрукдир яздонига қўйиши ихлос,
Ўтрукдир Раҳмонга ройиши, толғир!

Манфаат йўлида эркини тобут
Айлаган қаллобнинг Каъбаси сурлик:
Унинг юрагида инграйди субут,
Унинг юрагида шердир бебурдлик!

Оллоҳ, бу – билигдир, қалбингда аён,
Воқе топмаган дил эркига зомин.
Шундаким, очунда оздир мусулмон,
Дилида Худоси борлар кам! Омин!”

Шу тахлит ўзини-ўзи овутарди. Ўзи тўқиб, ўзи
айтарди. Лекин топарди қурғур, Худо раҳмат қилгур.
Тўғрисини гапирарди. Бу палончи экан, у писмадончи
экан деб, тортиниб, андиша қилиб ўтирмасди.
Юзида кўзи бор экан деб, қараб турмасди.
Ким бўлсаям бетига шартта-шартта айтиб ташларди.
Бировни ҳеч қачон ортидан гап қилиб юрмасди.

*Орин сотғон, номусин сотғон
Қул бўлмаса, мен номард!
Нафс ўтин ихтиёр этғон
Қул бўлмаса, мен номард!*

Сўзларнинг мағзини чаққандирсан.
Гапни узоқ-узоқлардан
айлантириб келганимнинг боиси шулким, жойи
жаннатда бўлгур Эшонқул буни анаву Шодиқул
теричининг ўғли – Нуржов бор-ку, ўшанга атаб тўқиган.
Муаллим. Ҳеч тилим бормайди уни муаллим дейишга.
Нуржовнинг қўлидан чиққан бола алифни чўпоннинг
таёғига менгзашдан нарига ўтса, бетимга қарама.
Кинояни қара, кинояни?! Жуда тағдор!
Қани энди буни тушунадиган одам?!
Қани энди буни поёмига етадиган киши!?
Нуржовни ўтирғизиб қўйиб, унга едирадиган зот?
Ўзига қолса-ку, икки дунёдаям бўйнига олмайди.
Ўламан саттор деб сиртига сув юқтирмайди.
Қирғин келгур ҳамма балонинг уруғиям ана шунда-да.
Кимнинг ҳам паст тушгиси келади дейсан?
Ким ҳам ўзининг нодонлигига иқрор бўлади?
Юрагим тарс ёрилиб, тамом топар ўша заҳоти!
Худо кўрсатмасин! Муаллим агар Нуржовга ўхшаган
мияси ғовак бўлса, ўзи сабоқ берган, улгу берган
бутун-бутун авлодларни кўр қилади.

Саводсиз қилади.
 Фаҳмини қирқади.
 Зеҳнини занглатади.
 Оқибатда, бундай бандаи мўмин дунёи дундан ўзини
 танитай, бору йўғлигини сезмай, ўти-и-иб кетади.
 Топганини ейди.
 Кияди.
 Соясига қарайди.
 Йўғон.
 Шундан хурсанд.
 Шу-да.
 Бошқа ниманиям ўйлови бўларди. Ақли бир қарич
 наридаги нарсанинг олдида ингичка тортиб қолганидан
 кейин! Очуннинг пасту баландини кўп кўрган, узоқ
 йўл босиб келган одамдан эшитган ҳақлигим шундай,
 бандаси, токим ўзининг кимлигини билолмас экан, ёнида
 бораётган ўзгани ҳам англаб етолмайди.

Ўй

Одамнинг ўзлиги. Недир бу ҳодис:
 Қандай кўринишда акс этади у,
 Қандай шамойилда топади шакл,
 Азалий маъноси нима, дедингми?

БУ – ХОТИРАНГ, ҚАДИМИЯТИНГ, НОМИНГ,
 ЛИСОНИНГ, ВАТАНИНГ, ҲАҚИҚАТИНГ ва
 Юрагинг қуввати – ЭРКУ ИХТИЁР,
 Сўзинг равон этган НОМУС ҳам ОРИНГ!

.....
 Ўзликдан гўз уриб, чопганлар, ҳайҳот,
 Унинг моҳиятин тушунмас, аттанг!
 Қадам-қадамида пеш қилганлар, бот,
 Ўзининг кимлигин билмайди, ҳатто!

Минбарда – ҲАҚИҚАТ! Келганда кези
 Хоҳлаган маромда бера олгай тоб.
 Паноҳ – улар учун ҲАҚИҚАТ сезим,
 Улар учун забон ҳимоят – ниқоб!

Юртининг номидан от сурар шайтон,
 Халққа шама қилиб, алдайди бебурд:
 Ори – совуқ урган яланғоч майдон,
 Ўзтиқодин сўриб ётар шиллиққурт.

Ақли сийрак, фаҳми нотавагон зотлар:
 Аъмоли – ўмариш, қилмиши – найранг.
 Шулар – ич-ичидан ҒУРУРга ётлар,
 Шулар – ҚАДРИЯТга зимдан тиш қайрар.

Бунча нодонлигу жаҳолат надир,
 Эркингни танигин кеч бўлмай фақат.
 Ўзлигинг – руҳингда уйғонган ҚАДР,
 Руҳингда порлаган ғурур – ҲАҚИҚАТ!..

...Тарих хотиралар бандари, унинг
 сукунат югурган деворларида
 ўйилган қадимги нақш – ОҚИБАТ,
 МЕҲР-МУРУВВАТДИР – ҚАЛБИНГ ЧЕЧАГИ.
 Кўҳна очун ичра борлигинг, шуни
 тушунишинг билан боғлиқдир, биллоҳ!
 Қалбингга кўчирмай бу чечакларни:
 уларга сиғинмай, ҳис қилмай ёки
 ўтиб кетаверсанг оддий буюмдек,
 ваҳмак куни туғар, куяга байрам.
 Ки, ниҳол ўтказмай боққа ҳам нуқул
 кўз тиксанг, нечоғли бўлмасин кўркам,
 кундан-кун тўкилиб тортади сийрак,
 ДАРАХТЛАР – ХОТИРГА СУЯНГАН ЎТМИШ.
 Шажаранг битилган етти пуштингни

ёддан айтолмасанг: ҳар жойда, ҳар дам,
 томиринг емрилиб секинба-секин
 тубанлик чоҳига борасан қулаб.
 Худо қарғгани – ўз тилин билмай,
 ғайри бир лисонда сўздан қуш олмоқ.
 Имонни, виждонни тупроққа қориб,
 таъманинг қарами бўлса муддаонг,
 ё Раббим, кўксингда тўр тўқир тинмай
 ўргимчак – балои нафсинг аъмоли.
 Кимлигин билмаган банда, алҳазар,
 ҳамиша ўқланган сопқон сингари
 ғаним дастида шай турган катора:
 сотқинлик, жиноят ўшандан содир,
 разолат, хиёнат ўшандан пайдо,
 ўша – ишорани бажарувчи қул,
 ўша ҲАҚИҚАТни мўлжал олган тиғ,
 от қўшган ҳам ўша ёв кашкашига.
 Қадр-қиммати ёт ҳамда бегона
 ҒУРУРнинг томири аввал экани.
 Ўғай эрур, ҳайҳот, сўқир дилига
 МИЛЛАТ демиш ёзуғ, ХАЛҚ демиш қисмат!
 Босиб келган йўлин эсдан чиқариб,
 учраган тешикка бошини тикқан,
 янгисин топганда ўйлаб ўтирмай,
 заррача оғринмай, қийналмай зинҳор
 эски чориғини куйдирган нодон,
 қайданам сезади ўзлигин, Танграм,
 мушкулот савдодир, қийин воқеот?!

Довуш

Ўзлиги йўқ кимсанинг
 исён қилган ори пуч,
 Зўр келганда тавбаси,
 тўккан кўзёш, зори пуч,

ҲАҚИҚАТдан ёшиниб,
 титраб турган бори пуч,
Ноҳақликда танг қолиб,
 ҳарак кутсанг, кори пуч,
Бу оламдан кўкламай,
 сўлиб борар у – ҳавон,
Ғиною ғафлат билан
 ўлиб борар у – ҳавон.

Ўзлиги йўқ оқибат,
доғ бўлгайдир – вовайло,
Канглу ғуссага тўлиб,
доғ бўлгайдур – вовайло,
Ўрта йўлда тангу тор,
доғ бўлгайдир – вовайло,
Бу оламдан кўкламай
сўлиб борар у – ҳавон,
Ғиною ғафлат билан
ўлиб борар у – ҳавон.

Уй

Олам – СЎЗнинг бағрида рўё,
Бир-бирига боғли, тақлидир.
Бизни ўраб турган муҳайё –
Мавжудликки, сўзнинг шаклидир.

Назаримиз илғаган борлиқ
Ёким ташда воқе ноаён.
Бари СЎЗда топади жолиқ,
Бари СЎЗда топади шоён.

Ҳар хил тусда, ҳар хил ҳолатда,
Демакки, СЎЗ – МАНГУ ҲАРАКАТ.

Намоён нарсалар хилқатда:
СЎЗДА – ЁЛҒИЗ, СЎЗДА – ЯЛАКАТ.

ЙЎЛЛАР – СЎЗнинг чопаётган шакли.
ҚУШЛАР – СЎЗнинг учаётган шакли.
ЎТЛАР – СЎЗнинг ўсаётган шакли.
БИЗДА – СЎЗнинг ўйлаётган шакли.

ДАРЁЛАР – шакл. ТЕПАЛАР – шакл.
ИМОРАТЛАР – шакл. ДАРАХТЛАР – шакл.
КЕЛИШУВЛАР – шакл. ТЎҚНАШУВЛАР – шакл.
ТОПИШУВЛАР – шакл. ИНКОРЛАР – шакл.

СЎЗ қатида эмранган ҳар қат,
Кошки эди кўрсатса ўзни.
ҚАДРИ баланд бўлгайдир фақат,
ҒУРУРИНИ англаган СЎЗнинг.

Довуш

Одам ҳамиша кеча билан эртани бирлаштириб
турадиган – бугун деб аталадиган кўприкнинг устида
яшайди. Тўғрироғи, ўша кўприкнинг ўзи – одам!
Кеча унга қувват бериб, эрта ҳаракатга келтиради.
Мабодо, у кечани эсдан чиқарса, эртага ўтолмайди.
Бугуннинг ўзида тўхтаб қолади.
Эртага бораётган биродар,

бор фисқу фуҷурларни бугунга
қолдириб, ўзинг билан бирга кечадан келган МЕҲРНИ,
ИШОНЧНИ, ОҚИБАТНИ олиб ўт. Бу фазилатларни
аждодларинг сенга мерос қилиб қолдирган-ку, ахир!
Уларни унутсанг, сен аждодларингга муносиб эмассан!
Оппойи бегонасан!

Ўй

Сирдошинг ғамингдир, сирдошинг найранг,
Сабрингни гумида пандларинг наҳри.
Чинқириб юборар мунғайган яранг –
Канглунг деворидан очилган нахра.

Шакллардан нисбат, ранглардан қиёс,
Тасаввурни алдар, нигоҳларни банд:
Муқомлар ўиналур, соддаликка мос,
Ўйинлар айтилур, ишончга монанд.

Шошмагин, сер солиб қара, бу саҳна –
Одам бўлиш, одам таниш аёни.
Сен юрган йўл шундан бошланиб, яна
Бир кун келиб шунда топгай поёнин.

Адашма, белларнинг икки букилиб,
Қўллари кўксида – ҳурмати ёлғон!
Ёлғон, дардларингдан дарди тўкилиб,
Ғамларингга ғамдош бўлгани ёлғон!

Рўпарангда шундоқ туради сирдош,
Рўпарангда шундоқ меҳрибон, фидо.
Суйкалиб, бағрингга қўяди-да бош,
Шимийди юрагинг қонин, алвидо!

Хушомад мойлаган бурро забонин
Этинг билан теринг қатига тиқиб,
Бирор-бир хоб жойинг сезган замони,
Секингина олади чақиб.

Хиёнат – одамзод феълин ғассоли,
Умрлар жомига қуяди заҳар.
Отеллони қайраб Яго мисоли
Ишончни ўлдирар сирдош, алҳазар!

Довуш

Агар, эл бутун бўлса, ташқаридан келган ҳар қандай кучли пирим шойининг ҳам ҳукм-фармонлик қилишга ҳадди сиғмайди. Борди-ю, хайру барака кўтарилиб, эл ўзининг орасидан ола очса, туфроқлигига путур етса, эски девордай паторат тортиб – нурай бошласа, қочган ҳам, қувган ҳам унинг тепасига таёқ кўтариб келаверади. Боши устига чиқиб ўйнайверади.

Сўзимни олдирмайман десанг, бирик!
Йўлимни кесдирмайман десанг, бирик!
Қаддимни кўтариб юраман десанг, бирик!
Ёғийга тик қарайман десанг, бирик!

Ўй

Давралар тузасиз тўпланиб тўрт-беш,
ҲАҚИҚАТ пайравдир, АДОЛАТ пайрав.
Қайбир жовидонга тўғрилайсиз ниш,
Қайбир хешингизни айлайсиз сийлов.

Бошқа бир даврада кечар ўзга ҳол,
Қизигандан-қизир тортишув ва жанг.
У майдон мўлжалин нишони сиз-зол,
Асаблар ғазабдан тиришар таранг.

Ҳаёт деб аталган карвонсаройда
Даврачалар тузиб яшамоқ нечун?!
Наҳот, озгина шон, озгина фойда
Йўлида бўлаклаб ташланса очун?!

Ўзи-ку, дунёи дунда мусофир,

Ўзи-ку, нотовон, ўзи-ку, ғариб.
Шунга қарамасдан одамзод ё пир,
Бир-бирига тинмай беради ғариб.

Виждон – мурватлари ейланган чорчарх,
Мошинларда елиб оласиз ҳузур.
Англамоқ қийиндир: қайдан бу бадбахт,
Англамоқ қийиндир: қайдан бу қусур?!

Шовқин кўтарган ҳам ўзини ҳақ дер,
Сукут сақлаган ҳам ҳақ дер ўзини!
Томоша қилган ҳам ўзини ҳақ дер,
Ўртада турган ҳам ҳақ дер ўзини!

Яна юрак ютган журъат айбдор,
Ноҳақлик йўлида зирқирар, э воҳ!
Не тонгким, журъатга насиб этгай дор,
Не тонгким, журъатга юклангай гуноҳ!

Мен дейман юракка чўкиб изтироб:
Мурод қудратлидир – бўлса гар якдил.
Яшамоқ ҳаққига топа олгай тоб,
Фақат фикри битта жойдан чиққан эл!

Довуш

Кангул кўноғида доимо,
мен кимнингдур ўрнидаман, деган
бир илоҳий ҳис макон тутмоғи мансуб.

Умид шундан.
Шафоат шундан.
Иноят шундан...

Ўй

Заминнинг битиги – фидолик:
Бетаъна, безарда, беминнат.
Танига олиб не оғу лиқ
Қайтаради ўрнига неъмат.

Осмон – ҳадсиз хилқат ягона,
Қаъри кенг тўнкарилган қозон.
Юлдузларга ҳасад бегона,
Манглайига чақнаш ёзилган.

Йўл ёқасидаги уй – сабр.
Очиқ турган дарвоза – бардош.
Кўкдан йиғлаб тўкилган абр –
Уммонидан айрилган кўзёш!

Даштларда ҳуриллаб чўккан ел,
Йиқилган паймондир – пичирлаб.
Бошинг тепасида нидолар – сел.
Оёғинг остида армон ғичирлар.

Шомда онанг уйнинг бурчида
Ёққан чироқ мойга ботириб,
Тушга аён ўтган кечада:
Арвоҳ руҳи, арвоҳ хотири.

Баҳр тоши – нураган тоғлар.
Қақроқ тақир – қуриган денгиз.
Қўнғир тошга тўкилган доғлар –
Дулдул мункиганда қолган из!

Сен ичган сув кимдандир қачон,
Балки, тортиб олинган насиб.
Қўлингдаги қизил буғдой нон
Кимнингдир луқмаси, таассуб!

Шундай бўлгач, кибр не ҳожат?
Мақтанчоқлик – эркингга зиндон.
Ундан ёдгор қолади фақат
Кўкрагингда ин қурган илон.

Мен-ку, сенга қилмайман ҳавас,
Бу ишга йўқ руҳимда рағбат.
Шу боиским, қувончим эмас,
Учрашганда кўришар нафрат.

Бўлмасанг бунчалик муттаҳам –
Ўн панжанг оғзингга урибсан?
Унутма, муаллақ ўзинг ҳам
Бировнинг жойида турибсан.

Довуш

Усули кўп, тури кўп тузоқларнинг,
Келадилар кангунг айламакка сайд.
Йўлини яқин қилиб узоқларнинг,
Тагида бедови гижинглаган пайт.

Вақти келиб бекор бўлди имдоди,
Бедовнинг жиловы тушди кўлидан.
Қадамлар тийилди ўша заҳоти:
Жар чиқди, сой чиқди йўқлов йўлидан.

Сўриб кўзларнинг оқу қорасин,
Хизматига белбоғ боғлаган қуллар:
Тайрилгач, кўрсатмай қочди қорасин,
Йиқилгач, кўзига чўп санчди улар.

Шукур, майдон аро қолмади толиб,
 МАДАД БЎЛДИ СЎНГГИ ИМКОН – ЭЪТИҚОД.
 Йўқловчилар ўзин чеккага олиб,
 Тош отдилар бот-бот, сотдилар бот-бот.

ОҚИБАТ қон бўлди, қон бўлди ҚАДР,
 Унга тиғ урди ёв – кўзкўрт номардлик:
 Фикрдош – нонкўрлик, мулойим – жабр,
 Меҳрибон – хиёнат, юмшоқ – бедардлик.

Субут устуни чоқ, девори ёриқ,
 Бутлагим келади – чорасиз дарзни.
 Кўксимни титкилаб йиғлайди оғриқ –
 Ранглар алдамаса бунчалик бизни...

Ўй

Чораҳада дуч келган кўйи,
 Икки киши тортишар азал.
 Бири олиб, бириси кўйиб,
 Бир-бирига санчади ғазаб.

Бири недир айласа бунёд,
 Урар унга бири пайраҳа.
 Кела-келмиш бу эски дунё –
 Икки киши тўқнаш чорраҳа.

Кўзлари ёшланар кириб чанг,
 Йўл азоби – елкалар яғир.
 Қалб уйғониб – сезганида жанг,
 Қайтиш оғир, юриш-да оғир.

Мусохаба

Биринчи йўловчи

...Ҳай-ҳай, биродар, ўзингни босгин,
орқа-олдингга бир қайрилиб бундоқ
ёдингга келтиргин ўтган кунингни,
одамга озгина ўйлов ҳам керак.
Ҳамма гапирса ҳам, ярашмас сенга.

Иккинчи йўловчи

Сен, кўпам мен учун қийналмагин, қўй,
хавотир олмагин жонинг куйдириб.
Ўзим тушунаман сендан яхшироқ:
нима ярашар-у, нима ярашмас?

Ҳозирча оқсоқол керакмас менга,
тўғри йўлга солиб, тергаб тургани.
Ҳожат сезиб қолсам, мабодо бирор,
бошқага сарғайиб юргандан кўра
маслаҳат сўрарман фақат ўзингдан.

Биринчи йўловчи

Кесатмай кўя қол, мен энди шундай,
гапнинг келишини айтдим-да, қўйдим.
Тўғри сўз тикони бордир азалдан,
кемтик жойни топиб, қадалар қаттиқ.
Кўрганинг, билганинг кўзинг ўнгида
бошқача тус олса, товланса бирдан,
жим – чидаб туролмас экан-да, одам.

Иккинчи йўловчи

Нишонинг буровли, мўлжалинг чуқур –
надамингдан гапинг мўлга ўхшайди?

Биринчи йўловчи

Кечагина ўнг қўл бўлиб чангини,
ёнида пуф-пуфлаб артиб юрганинг,
эсингдан чиқдими фурсат ўтмасдан?
Хукмидан бенасиб бўлмаслик учун,
яшаш ғоясига осилиб собит,
ҳақорат қилса ҳам, гарданинг эгиб,
гўрдан олиб гўрга кўмса – лом демай,
марҳум момонгдан то гўдагинггача
сўкиб, бир бошидан тилласа ҳамки,
юзингга тарсаки тортса ҳам, ҳатто
қўлин ўпиб, раҳмат деган қул – эркинг
унутдингми, изин чанг босмай дарров?

Иккинчи йўловчи

Нима демоқчисан? Муддаонг надур?
Очиқ айтавергин чувалтирмасдан,
канглунгда тош бўлиб қотган маддангни.

Биринчи йўловчи

Мадда бўладими, ростликни айтса?
Сенга йўқдир менинг зиғирча, ҳатто
Ҳасадиму ҳамда кўз тиккан жойим.

Иккинчи йўловчи

Бўлмаса, не сабаб, айлантирасан,
дум тутдирмай олиб қочасан гапни?

Шап-шап деб, чайналиб тургандан кўра
шафтолисин айтиб кўя қол тезроқ,
номи бўлса ўшал сабил қолгурнинг.
Мен ҳам билай. Нима экан?

Биринчи йўловчи

ЭЪТИҚОД!

Иккинчи йўловчи

Юрагимни қон-қон қилиб бор-йўғи,
топган кароматинг шумиди ҳали?
ЭЪТИҚОД дейди-я оғзин тўлдириб!

Биринчи йўловчи

Қулфинг дардга тўла экан, чоғимда?!

Иккинчи йўловчи

Дард тўла қулфимнинг тилини билмай,
занглаган калитни солдинг-да ўзинг.
Нодонлигинг ҳали қолмабди, афсус,
ёшинг борибди-ю бир жойга, лекин
ҳануз ёш боладек ҳавойи шарсан.
Йўқ нарсага ундаб одамларни сен,
улардан излайсан ўша нарсани.
Ундан кўра, фойда бергувчи тайин
бошқа бирорта кор билан шуғуллан.

Биринчи йўловчи

Яна нималарни маслаҳат бериб,
раво кўргайдирсан қандай йўлларни?

Иккинчи йўловчи

Ўзининг фойдасин билмаган лаққи,
хайф кетсин шундайин сахт билан сумбат.

Биринчи йўловчи

Ҳовлиқма, ўпкангни тилингга олиб,
бунча кўпирмасанг? Нафасинг ростла.
Ёрилиб кетмагин тагин зўриқиб.
Овозга ҳай бериб чирангунингча,
уйлаб кўр-чи, бундай, танангга бироз.

Иккинчи йўловчи

Ўзимга етгулик фаҳмим бор, шукур,
яшаб келаётганим бекорга эмас.
Қорин тўйғазурми, эгнин бутларми,
кимга ҳам зурурдир бу қуруқ, пуч сўз?

Биринчи йўловчи

Демак, сенга керак бўлмаган нарса
бошқага ҳам даркор эмас, шундайми?
Бу қандай қабоҳат? Қандай разолат?
Кимки, ҳавасига рой берар экан,
у одам эркисиздир, у одам муте!
Адашдинг. ЭЪТИҚОД қуруқ сўз эмас.
Пуч сўз ҳам эмас! Йўқ у – тирик вужуд!
Рухинг томирида кезган ҳаракат,
ОЛЛОҲУ КАРИМГА ИМОН-ЭЪТИҚОД!
Ҳамма бирдай меҳр қўйиши лозим
БЎЛГАН ЮКСАК АЪМОЛ ҲАМ ОНГ – ЭЪТИҚОД!
Зарур бахш бўлмоғи, фидо бўлмоғи,
асрамоғи шартдир ҳар битта муслим.

Бу учун, энг аввал, билмоғи керак
ўзининг заковат, қувват ҳолини.
КАНГУЛНИНГ ҲАРАКАТ ЕЛКАНИ КУЧЛИ
бўлса агар, унга гирвод чикора.
Тўфонлар бағридан ҳаёт кемасин
бутун олиб ўтган қодирул қудрат –
арш аълодан тушган бир дона буғдой,
қалдирғоч патидан сирғиб қолган пар!

Иккинчи йўловчи

Гапинг эшитишга зор бўлиб турган
бўш қулоқ топдим деб ўйладинг чоғи?
Ёлғон деётганинг мендан аниқроқ,
Биласан-у, айёр, ён бергинг келмас.

Биринчи йўловчи

Ўз қаричи билан ўлчамиш доим,
ҳар одам борлиқнинг фазлу қусурин.

Иккинчи йўловчи

Бўлмаса не? Борми ягона ўлчов,
сенинг қаричингми ё фақат тўғри?
Пайхас қилганмисан, эътибор бериб,
барг-хазон маҳали, тийрамоҳ пайти
дарахтнинг барги ҳам тушади бир-бир
тепасидан бошлаб, пастига довур.
Буни келтиришдан мақсад, муродим:
ўшал барглар каби биз ҳам ожизмиз.
Ожизларнинг эса бари гуноҳкор,
қайсидир жиҳатдан айбли, лой теккан.

Биринчи йўловчи

Ожиз эканман деб, бўйин эгишмас,
ночорман деб, кўниб юришмас, балки,
айбига иқрорлик, гуноҳин англаш,
ундан фориғ бўлиш йўлида топган –
ЖУРЪАТ! ИРОДА! ИДРОК! ЭЪТИҚОД!

Иккинчи йўловчи

ЖУРЪАТ! ИРОДА! ИДРОК! Нимадир булар?
Қандай фойдаси бор? Қаерда мавжуд?
Қайдан гапиряпсан? Қайси замондан?
Мен-ку, учрашмадим эсимни таниб,
насибам қўшилган бирор кимсада
сен таъбир айлаган бу жиҳатларни.
Балки, ўтган замон эртакларида
хаёлпараст зотлар тўқиган орзу.
Балки, қўлларида ҳеч бир кор келмай:
югуриб чарчаган, елиб чарчаган,
назарда туришга ройиши баланд
таги амалпараст, таги шонпарсат,
палагини совуқ урган кимсалар,
даврага киришнинг чорасин излаб,
ўйлай-ўйлай топган палағда нақл.
Кўп бийрон келади, сўзамол келар,
бир ишга бош қўшмай, бўлмайин машғул,
уқувсиз тентираб юрганлар аён.

Биринчи йўловчи

Сенинг қапталингда, шундоқ ёнингда.
Кўрмайсан, нигоҳинг илғасин қайдан,
фойда тешигини ахтарсанг нуқул?
Лисон жамғармангда шунга ёндашган

сўзлардан бошқасин босиб ётар чанг.
 Сенинг ҲАҚИҚАТинг унган ҳиммату
 мўмай оқиб келган қинғир даромад.
 Шу бўлса, бас! Қолган нимаики бор –
 ёниб кетмайдими, қуриб кетмасми,
 сенга фарқсиз, чунки ўйинчи касга
 “гитара”ми, “жаз”ми – қайси асбобдан
 дўриллаган овоз чиқса, бўлди-да!
 Топган йўлинг шундай, тутган йўлинг шу,
 шунга кангул очиб, қўл узатасан:
 бирдай ҲАҚИҚАТни тилингда тишлаб,
 бирдай манфаатни олгансан кийиб.
 Олдин сўзлашувда қўлламай, атай,
 тушириб борасан муомаладан,
 исми фидоликка жоиз сўзларни.
 Кейин, унутасан, афсус, минг афсус,
 миянг қобиғида, канглунг тубида
 хира ёниб турган эзгуликка тан
 сўзлар ифодаси, сўзлар поёми –
 борки фазилатни, бор хосиятни.
 Қарабсанки, энди эриш туюлар:
 СУБУТ ҳам, ИНСОФ ҳам, МЕҲР ҳам, ҳатто
 эшитишга келмас тобу тоқатинг.
 Киндигингни кесган чоғида доянг,
 пичоғи, алҳазар, ўткирлик қилиб,
 кесиб кетган экан ҒУРУРингни ҳам.
 Фирибгарлик билан, бадбинлик билан
 кўтарилган чоғи шўрлик танглайинг.
 Иш йўсининг шундай қилгансан ташкил –
 ёрдамчи бўласан келган каттага.
 Зиёнларинг дарак беришармикин,
 сезасан сен кимнинг, қачон, қаерга
 келиши, туриши, қайтиши ҳамда
 канглунгнинг майлию хоҳишигача,
 бир зумда ўзингни оласан мослаб.

Икки қават гулдор эшик олдида
 сидқидил турасан соқчи мисоли,
 келган-кетганларни кутиб, кузатиб.
 Гап олиб, гап сотиш касбига содиқ
 оғизларни пойлаб, қулоғинг ҳушёр.
 Табриклайсан ҳар гал ҳаммадан аввал
 амалга ўтирган янги кимсани.
 Қабулига кириб-чиқаверасан,
 таъзим қилиб ҳожат бўлса-бўлмаса,
 ўну йигирмага сон йўқ ҳар куни.
 Хушомад ИМОНдан айлар мосуво.
 Қўрқув ЭЪТИҚОДни кемирувчи қурт.
 Шобир келтирасан, хабар берасан,
 нимани сўраса, бир хил жавобинг:
 “Бўлади-ю, энди, лекини бор-да...”
 Не маслаҳат солса, бир хил жавобинг:
 “Бўлади-ю, энди, лекини бор-да...”
 Канглуга хавотир уруғин сепиб,
 ичингдан шувиллаб тўкилиб кетар –
 ғараз қириндиси, сассиқ қуюнди.
 Воқе, ҳодисларни истаганингдек,
 бирга тўққиз қўшиб, яхлит ўн билан,
 кимда аламинг бор, кимда заданг бор,
 тишингга зил бериб юрган кирларни
 етказасан умум нияти тахлит,
 зикри – тахлит, пешаси – лавозим бўлган
 курсига маҳлиё меров, овсарга.
 Хоҳласанг, қорага бўяб оқ тусни,
 кўрсатасан тегиб қитиқ патиға.
 Хоҳласанг, товонин силаб-сийпалаб,
 кўзларингга суртиб ковушин чангин,
 бардор-бардор қилиб, ер-кўкка қўймай,
 алқайсан йўталини мусиқий дея.
 Хоҳласанг, канглуни қутқулаб, қайраб,
 шундайин ҳолатга келтирасанки,

гўё ақлу ҳуши бошидан учиб,
 феъли айниб, босиб вос-вос ваҳмаси,
 кўзларин олдини тўсиб тўполон,
 оқпадарлик ила оёқ қўяди,
 тил берган, ризқ берган элнинг юзига.
 (Шўриш бўлар, лекин бунақаси кам.)
 Қадрин шувит қилиб, обрўйин тўкиб,
 кузатасан кейин қарсақлар билан,
 сўнгги таскин билан кўтариб канглун,
 эшиккача ҳамдард бўлиб – биринчи.
 Қайтиб кирасан-у, шоша-пиша, шарт –
 бошинг тепасида, хонанг тўрини
 узоқ йиллар безаб турган суратин
 зарб билан юлқилаб оласан-да ва
 ҳеч кимга сездирмай йиртиб ташлайсан.
 Сурат соясида бўёқ оҳори
 ялтираб, ажралиб қолган деворга
 тадбиркорлик билан, фурсат ўтказмай,
 янги бир суратни иласан дарров.
 (Яқин олганлигинг белгиси сифат,
 унинг ишончини қозонмоқ учун.)
 Қарайсан қайрилиб-қайрилиб, токим,
 тарзи кўзларингга ўрнашгунича.
 Рўйхатларни бузиб, тузасан қайта,
 ҳомийинг ройига маъқул, муносиб.
 (Гўёки, буниси қолгудай мутлақ.)
 Кетганин ортидан тикинди олиб,
 таъналар тўқийсан, кир қидирасан,
 диёнатни четга туфлаб беписанд,
 маломат бозорин олдирасан авж,
 шамол юқорига чиқволиб обдан,
 совурасан синиқ паншаха билан
 қилмишларин гўё мардона туриб,
 Худо кўрсатмасин, яна биринчи.
 Сен агар мард бўлсанг, раҳнамоингни

омади чап кетиб йиқилгандан сўнг,
от ҳайдаб, қўш солиб юргандан кўра,
пойи узангида маҳкам турган кез
мақтама, ғаровдан тиргаклар қўйиб.
Мунофиқлик эрса – ордан ёмонлаш.
Рўпарада мақташ – садақа сўров.
Нафратланаманки, ордан тиғ уриб,
баҳодир бўлгандан кўраям кўпроқ,
олдда тил ёғлаган хушомадгўйдан.
У шохдан-бу шохга ўтган читтакдай:
Юриш-туришида бузилиб тинчи,
ҳаётин тарзидан қочиб ҳаловат,
ўзининг кучига ишончи сўниб,
муқаддас туйғулар ўлиб кангулда,
хувиллаган, яйдоқ, бўш гавда билан
хиёнат кўчасин қидира бошлар –
путур кетгани шу бўлар одамдан.
Қанча хушомадгўй, нафс қули бўлса,
сенга тегиб ўтар этагин учи,
сенга хеш-ақрабо, сенга қариндош,
қалбин қурум босган эътиқодсиз кас!

Иккинчи йўловчи

Чайир бойлаб кетган экан жағинг ҳам.

Биринчи йўловчи

Сув юқтирмайсан, сен, ўзингга сира –
бетинг қаттиқ қилиб юраверасан.
Қувлик борасида пихини ёрган
Шайтон ҳам бўлолмас сенинг ҳўгинг.

Иккинчи йўловчи

Ў-ў, ҳаддан ошма. Ўзинг ҳам жуда
 фаришта эмассан, оппоқ эмассан.
 Топиларми бирор шундай валломат:
 ўзин ўйламаган, ўзин демаган,
 бошқа бировларга холисанилло
 насибасин тутиб, қайишиб, ўзи
 оғзин очиб, икки қўли қуп-қуруқ
 Тангри берган ризққа шукрона айтган?!
 Ҳаҳ, билмадим! Йўқдир?! Чунки одамнинг
 танида Раҳмон ҳам, Шайтон ҳам мавжуд.

Биринчи йўловчи

Одам субутини худди ана шу
 икки кучдан қайси бирига дохил
 бўлган муносабат белгилар, шаксиз!
 Шайтоннинг макрига бермай мойиллик,
 нўхтасини унинг берк тутиб мудом,
 Раҳмоннинг измини ихтиёр этиб,
 СИҒИНГАН ХОҲИШУ ПОКЛИК – ЭЪТИҚОД!

Иккинчи йўловчи

Майли, сен сари ҳам борайин бироз.
 Шунча куйинганинг, шунча ёнганинг
 таъсир этса эди, кошки, бировга.
 Борга қоник қилиб, йўғига қўниб,
 олмайман, бермайман дея, ўзингни
 қанчалик чеккага тортганинг сайин,
 бепарво, беписанд ўтар одамлар,
 шафқатсиз равишда босқилаб, янчиб.

Биринчи йўловчи

Керилар, еганин мақтаниб нодон,
кийганини кўз-кўз этади туллак.
Ноқис едирганин миннат қилиб бот,
хузур олар шундай худбин канглуга.
Таажжуб уйғотар, ҳайрон қолдирар,
қодир табиатнинг гоҳида иши:
поёнсиз муҳитнинг, чексиз саҳронинг
бағрида дийдираб, кўкламда бир он,
бўй кўрсатган нимжон қўзигул чатнар,
қовжирар бемаврид сўнган умиддек.
Боғ тўрида, айни сўлим гўшада
чирмашиб, барг ёзиб зарпечак байри
яшнар, дарахтларнинг сўлини сўриб.

Иккинчи йўловчи

Ўзингдан қиёс ол. Узоққа бормай.
ЭЪТИҚОД этагин тутганинг билан
қани, айт-чи, биринг бўлдими икки?
Туриш-турмушингга бир қараб олдин,
оғзингдан бол томиб сўйлагин сўнгра.

Биринчи йўловчи

Тўғри, сенинг давлатинг мўлдир:
сағирнинг, кабирнинг ризқига шерик
ўғирлаб, ўмариб топилган мулкка
ишониб кеккайма, ёмондир доғи.
Буюрмас бу бойлик, ўзин билганга
қашшоқлик туюлгай, хорлик туюлгай,
негаким, усти пот яланғоч қалбинг
ҳадикка занжирбанд, кўрқувга асир,
ярим кечалари уйқунг тирқираб,

тушларинг бўлангай – хавотирга қул.
 Нафс – мисли туби йўқ ўпқонга менгзаб
 тўлмагай дунёнинг бор шуди-будин
 жойлаганинг билан, тиққанинг билан,
 очиб тураверар оғзин очофат.
 Илинтириб сени тузоғига боз,
 бўйнингга сиртмоғин ўтказиб обдан
 хоҳлаган рафтида ўйнатар эркинг.
 Армон одамларни бир этиб тагин,
 қайғу, доғ, ҳақирлик яқинлаштирар.
 Битта кўзнинг бевақт юмилиши гоҳ
 боис бўлмиш, рөвийлар келтирганидек,
 юзлаб кўзнинг бирдан очилишига.
 Ризқ бўлган, насиба бўлган бир майиз
 қирқ киши тил топиб, шукур этган чоғи.
 Балки, бу оқибат эҳсони эрур,
 балки, бу одамлар аро мурувват
 макон топганидан мустаҳкам тимсол?!
 Аслида, чин бойлик – қалбнинг кенглиги,
 мўллиги яхшилик деган туйғунинг,
 ночорга қайишиш, ожизга шафқат,
 назарнинг тўқлиги, дил фориғлиги,
 юрак изтироби, кангул қайғуси,
 МЕНИНГ МУЛКИМ – ИМОН, ДАВЛАТИМ – СУБУТ,
 ЙИҒИБ-ТЕРИБ ТОПГАН БИСОТИМ – АРМОН!

Иккинчи йўловчи

Насиб-рўзи этсин, ишқилиб, АРМОНинг
 дунёдан тилагинг шу бўлса агар.
 Канглунгга хуш келса шу қидирмишинг,
 сира қўлинг узмай, ортидан қолмай,
 давом эттиравер келган жойингдан,
 алмисоқдан қолган аҳмади поринг.
 Иложи бўлса гар тумор тўқитиб,

бўйнингга тақиб юр кўйлак остидан,
асрар ҳар хил эгри ниятдан, чунки
кўзга кўп яқинсан, мени қийнайди –
шунга кўз тегмасин деган хавотир.

Биринчи йўловчи

Бу пичингинг энди қаерга кўяй?
Сенга гапиришки, ёбонда ётган,
фақат тўқиниш-чун яралган яроғ –
кесакка сўз айтиш билан баробар.
Қийиндир, олмаса ўзига одам,
бекордир, топмаса ўзида хоҳиш
қадрини, эркини сезишга, ҳайҳот!
Менга бўйин бўлмай товларсан, аммо
ҲАҚнинг нигоҳидан бекиниш маҳол.
Азал руҳ тепада кузатиб юрар,
бандаи мўъминнинг босган қадамин:
айбу гуноҳию хайру савобни
одил назар ила ҳисобга олиб.
Эртами-кеч, бир кун, жавоб сўралар:
қилмишлар учун ҳам, саъйлар учун ҳам,
ҲАҚ олдида ёлғиз қўйиб муслимдан,
ўшанда ер бўлиб қолма, дейман-да!

.....
.....
.....
.....

...Ҳай, майли, бир тутам қисқа кун ўтди.
Қўл тегмай, вақт етмай, анчадан буён
боролмаган эдим, канглумда хижил,
боболар хотирин ёд-йўқла этиб,
РУҲИМНИ БИР ЕНГИЛ ҚИЛГАНИ КЕТДИМ,
СУЛТОН МИРҲАЙДАРГА – ҚИБЛАГОҲИМГА!

.....

Довуш

Эҳтиёткорлик – қўрқувнинг онаси. Бугунги
эҳтиёткорлик эртага ҳадикка, индинига хавотирга,
сўнгги кун эса қўрқувга айланади...

...Халқдан гап бошласанг – тутар қалтироқ,
Виждондан сўз очсанг – хавотир тўзғар.
Юртим деган ҳисдан киради титроқ,
Тарихни ёдласанг – ваҳима қўзғар.

Қандай хавф-хатардан сақлар юртини
Номини тутишдан чўчиган кибор?!
Нафрат-ла тупуриб унинг дардини,
Ўзини эҳтиёт қилади такрор.

Қандай фалокатдан қутқарар омон
Виждонни гунг қилиб, шўр босган юрак?
Ўзига, ўзига тиклайди имкон,
Эҳтиёт ғиштидан ясаб зўр тиргак.

Қай гумондан халқнинг олдини олар,
Эҳтиёт азоби занглатган мия?
Ўзига, ўзига ўнғай йўл солар,
Адл дарахтларни ўсган деб қия.

Қай шубҳадан асрар ҲАҚИҚАТни, оҳ,
Кутиб, кутавериб, қотиб қолган онг?
Югурган жилғани учратса ногоҳ,
Ҳайҳот, сел босди деб, бонг уради, бонг!

Қандай таъналардан ҳимоя этар,
Тарихнинг нажот-ла чўзилган қўлин?
Мавриди эмас. Вақти бор. Кутар.
Жар солиб югурар, эҳтиёт бўлинг!

ҲАҚИҚАТ йўлида тўғаноқ отган
Кутиш майдонига тик чиқишдан қўрқиб,
Пана-пастқамларда биқиниб ётган
Эҳтиёткор зотнинг ҳимоя ўқи!..

Ўй

Уйгинангга ўтлар тушсин-а, қўрқув!

.....
Қўрқоқларнинг жони азиз, авайлар,
Соясидан гумон кўкараар илкис.
Озгина зўр келса, майдонни тайлаб
Қочади, дўстини қолдириб ёлғиз.

Кангулни қақшатиб мижиқлар қўрқув,
Бўғзида қотади сўзининг ярми.
Зарур бўлса кулиб, нуъла тортар, ув,
Зарур бўлса кўриб, йўқ дейди, борни.

Динидан кечмоғи жуда осон иш,
Қадрининг баҳоси бор-йўқ бир чақа.
Матлаби – ҳолатга қараб мослашиш,
Маслаги – хушомад, хиёнат фақат.

Сотқинлар урчийди, мардонлар ҳалок,
Қўрқоқлар туғ тутиб турган маконда.
Минг йиллардан бери Алпомиш ҳалак –
Чиқолмай қўрқоқлар солган зиндондан.

Довуш

Дўст йўқ бу дунёда, йўқдир қадрдон,
Садоқат ҳақида қасамлар бекор.
Биродарлик йўли, ҳамдамлик ёлғон,
Фақат манфаат бор, муносабат бор!

Қўлдошлик шунчаки, йўлдошлик ўйин,
Камтарлик беписанд, самимият хор.
Миннатга, таънага суянган кўйи,
Фақат манфаат бор, муносабат бор!

Ёғий дея, черик тортмоқ бефойда,
Душман йўқ, рақиб йўқ, тиғ тутган зинҳор.
Қарашлар дуч келган, тўқнашган жойда,
Фақат манфаат бор, муносабат бор!

Қори тоғда ёғиб, қуруқ изғори
Даштларни сидириб, изғиган паллод¹
Сингари қурумсоқ, зангин моғори
Манфаат жаллоддир, манфаат жаллод!

Кўчадан терилган гаплар, қандай сир:
Арқоғи иғводан, тўқилмаси кин.
Кетолмай, атрофинг айланган гир-гир,
Манфаат сотқиндир, манфаат сотқин!

Кучига ишончсиз мурожаатлар,
Рўзномада пайдо навбатсиз, боз-боз.
ҲАҚқа ундов, рангин, лоф шижоатлар,
Манфаат лўттивоз, манфаат лўттивоз!

Қувурлар туфлаган сарғимтир оғу,
Қалбларни кўр қилган, қулоқни ботил.

¹ Паллод – изғирин.

ЭЪТИҚОДни кулиб ўлдирган, ёху,
Манфаат қотилдир, манфаат қотил!

Тазаррулар ўтрук, тавбалар ўтрук,
Малолдир, юрагинг қисади бўғриб.
Ризқ-рўзинг симирган ўприб,
Манфаат ўғридир, манфаат ўғри!

Хато деб кўмилган мархум руҳини
Қўзғатиб жойидан бежо қабрлар.
Йўқ, кўтариш эмас ҲАҚнинг туғини,
Бу – нодон манфаат туққан жабрлар!

Қаерга қарам, ҳозир у нозир,
Илжайиб туради қўл қовуштириб.
Кулгусида ботмон заққуми бордир,
Ҳурматида тузоқ – йўл топиштириб!

Ис чиққан мўрини тез олар таниб,
Югурар, қарайсан, ҳайрон, дабдуруст.
Бу – ўша манфаат – жилмайган ғаним,
Бу – ўша манфаат – тавозели дўст!

Ўй

КЕНГЛИКЛАРГА ЧИҚАЙЛИК!

Диққинафас хоналарни
тарк этайлик бир замон,
тарк этайлик бир замон
қоғоз турларини-да.
Ҳей, одамлар, гаплашайлик
бўлиб иноқ, меҳрибон,
итқитайлик шўр бойлаган
кудурат, кирларни-да!

КЕНГЛИКЛАРГА ЧИҚАЙЛИК!

Кангулларга ўрнашсин то,
лоқайдликмас, ҳаракат,
оқибатга чийрилган, ки
меҳру мурувват, фидо.
Деворларда осиг турган
бўёқлар эмас қат-қат,
ўрнашсин то гиёҳ ранги,
қушлар ҳайқирган нидо!

КЕНГЛИКЛАРГА ЧИҚАЙЛИК!

Ки, ёмон бир хатар сезиб,
ҳар фурсат, ҳар дақиқа,
даҳшатли шиддат билан
биздан келаётган қочиб:
тўрғайларни, йўрғаларни,
сафсарларни вақтида,
меҳр билан қайтарайлик
ортига, бағир очиб.

КЕНГЛИКЛАРГА ЧИҚАЙЛИК!

Қайтарайлик, йироқлашиб
бораётган самандар –
ҚАДРИН ТОПСИН ҒУРУРЛАРДА
ВАТАН – ҚАДИМ МУСТАҒРИҚ!
ҚАДРИН ТОПСИН ҒУРУРЛАРДА
ЙИҒЛАЁТГАН САМАНЛАР
СИҒИНГАНИМ ЭЪТИҚОД –
УЗОҚЛАШАЁТГАН ОҒРИҚ!

ЖАДВАЛ

*Киши билгайму, не сирри жаҳон бул,
Не сир эрмишки, нури ақлу жон бул?*
Фаридуддин АТТОР

...Олам...

* * *

...Ҳар томон тахлитан ўзи бир олам...

* * *

...Қачондир
қачоннинг
қачони
қачон...

* * *

...Йўқлигида пайдо бўлган
бўлганнинг бўлган борлиги,
не эрса-да,
мавжуддир.
Борлигида пайдо бўлган
бўлганнинг бўлган йўқлиги
не эрса-да,
нобуддир.
Ўзлигида пайдо бўлган
бўлганнинг бўлган ўзлиги
не эрса-да,
ўзликдир...

* * *

...Заминнинг бир гарди эзилса мабод,
 мабод бир зарраси узилса осмоннинг,
 сириқса уммоннинг мабод бир томчиси,
 бамисоли,
 бир пахсаси лат еб,
 дарз кетиб,
 девори ёрилган иморат тахлит
 силкинади,
 титранади,
 тўлғанади,
 қалқинади,
 лопиллайди олам...

...Интилади
 ҳар бир гардини жойига қўймоқ изнида,
 ҳар бир заррасини жойига қўймоқ изнида,
 ҳар бир томчисини жойига қўймоқ изнида
 олам...

...Замин гиёҳлари
 сийраклашиб,
 қовжираб,
 қувраб ўралади
 тобора
 гирдоблар
 атрофига,
 чилвирига,
 арқонига.
 Осмон нужумлари мискин.
 Сайёралари мунис,
 маҳзун.
 Уммон қаърида мўлтирар,
 милтирар эмганиб,
 тўлғаниб мавжлар ноласи...

.....

 ...Одам,
 заминга бағрингиз берганмисиз ҳеч???
 ...Одам,
 ҳеч термилиб боққанмисиз осмонга???
 ...Одам,
 уммоннинг ақсосига ҳеч ўлтирганмисиз???
 ...Ёндош бўлсангиз
 мабод,
 зардоб бойлаган дардингизни,
 қайғунгизни,
 ғамингизни сўриб олади,
 алҳол,
 алҳол,
 ўзингизни
 ўзингизга билдиради,
 таништиради,
 англатади шундай
 замин,
 осмон,
 уммон...

* * *

... Олам...

* * *

... Қаеридир – шўрлаган тақир,
 қаеридир – жимирлаган тоғ,
 қаеридир – ёнаётган ўрмон,
 қаеридир – силкинаётган метеорит,
 қаеридир – портлаётган вулқон,

қаеридир – қуриган дарё,
қаеридир – номаълум қаер...

* * *

... Олам...

* * *

... Лаҳзада лаҳзанинг лаҳзаси лаҳза...

... Лаҳза – ўйин,
лаҳза – йўриқ,
лаҳза – ҳақ,
лаҳза – ноҳақ,
лаҳза – рост,
лаҳза – ёлғон,
лаҳза – бор,
лаҳза – йўқ...

... Лаҳза зимнида тов ташламай
зинҳор-базинҳор,
бир-бирига пойдор,
изма-из йўналиб,
тирғалиб,
эргашиб,
имдод учун,
борлик учун,
мухайёлик учун жон тикиб,
меҳр билан
ўзаро,
қатма-қат уланади фасллар...

* * *

... Олам...

* * *

... Оламга тикилиб,
сер солиб қаралса бундоқ,
ҳеч нарса эмасдек
туюлиши мумкин,
мабодо
бўлмаса бағрининг қатида меҳр...
... Меҳр...
... Меҳр бўлса
қандайиндир
руҳ мавжуд эрур
олам маконида...
... Олам маконида
руҳ – сир.
Руҳ сирнинг сирасинда...
... Руҳнинг тоқ,
қоқ,
жуфт ришталарин улаб
чигиб,
қўшиб,
боғлаб,
туғиб ўзаро
умид уйғотар,
ихлос уйғотар,
ғурур уйғотар,
сидқ уйғотар,
вафо уйғотар олам...
... Борди-ю,
сирасин эплаёлмайин

кангулда
хира тортса,
ўчса фуруғлик,
ҳақ довуши,
саси сўнса
кангулда:
афсус, афсус, афсус,
тоб ташлаб,
сусайиб боради меҳр...

* * *

... Олам...

* * *

.....
.....
.....
... Олам – жадвал...
.....
.....
.....

* * *

.....
... Оламнинг борини айлайди бутун – жадвал...
.....
... Оламнинг корига бўлади устун – жадвал...
.....
... Оламнинг бағрига беради чирой – жадвал...

* * *

... Жадвал замирида қадимий қадим...

.....
 Сахро.....
 Кўл
 Қалъа
 Водий.....
 Сайёра.....
 Коинот
 Галактика.....

* * *

..... Ҳабо.....
 Тўзон
 Вобаста

... Мудом қапталма-қаптал
 етаклашиб,
 чирмалашиб,
 тиркалашиб,
 йиртиқ этакларидан тутиб бир-бирин
 яшаган,
 яшамоқда
 ва
 яшагай кўз тикиб,
 от солиб,
 ўйноқлаб,
 йўртиб,
 хезланиб чаппа-рост
 минг қуроқ,
 минг ямоқ арзга...
 ... Ҳабо – югурдак нўкари тўзоннинг.
 Тўзон – ҳабонинг шаъмунои беги...

..... Вобаста.....

..... Ҳабо.....

..... Тўзон.....

... Тўзон тўзғитади жадвални...

* * *

.....
... Жадвал – ҳодислар вуслати...
.....

* * *

... Борган сари
армонга айланаверади:
яшалган маконлар,
юрилган йўллар,
кезилган манзаралар...

* * *

... Жадвал кенг эрур

қай бир одамнинг
нигоҳида,

нигоҳида

қай бир одамнинг
тор эрур
жадвал.

Зотан,

жадвал
қай бир одамнинг
канглуга макон
тутса,

кангулнинг

жуғрофияси
бўлғайдир,
албатта,
кенг...

* * *

... Олам майдонида
ҳаракат қилади жадвал,
арш сиймосида
ҳаракат қилади жадвал,
жадвал майдонида
ҳаракат қилади олам,
жадвал сиймосида
ҳаракат қилади арш...
... Вақт зипиллайди...
... Астроном излайди,
топади,
арш жадвалининг
таркибидан
янги-янги
сайёраларни:
заминга узатади,
туташтиради,
бирлаштиради
уларнинг ўзаро нигоҳларини;
заминга улайди
уларнинг ўзаро сийратларини;
заминга боғлайди
уларнинг ўзаро қисматларини...

* * *

... Жадвал – чарх...
... Жадвал – фалак...
... Жадвал – иқлим...
... Жадвал – изтироб...
... Жадвал – соғинч...
... Жадвал – хотира...

* * *

... Жадвал тузган сиралар...
... Тоғлари нураган тоғларини,
сахролари қақраган сахроларини
бир-бирига қадаштирар
замин тубидаги
боғичлари боғичинда...

* * *

... Олис замин...
... Олис осмон...
... Олис уммон...

* * *

... Қуёш – кундузнинг тожи...
... Ой – фалак тоқига
қадалган нуқра,
шуъласини
қора чодирга –
тун зулматига сочади,

тўқади
 пойма-пой,
 беминнат...
 ... Юлдузлар – сеҳрли кўзлар.
 Зимистоннинг
 қат-қат
 қатламига,
 пештоқиға
 бирдайин тоқади зийнат...
 ... Чарақлаган юлдузларга
 муҳаббати ошар,
 меҳри товланар
 зимистон ўраган,
 зимистон қоплаган
 яйдоқ даҳрнинг...
 ... Замин чоҳида мунғайиб ётган
 нимаики,
 бор экан,
 бирдайин,
 муттасил
 жовдираб-жовдираб,
 интиқ-интиқ интилар осмонга...
 ... Устурлоб – шамс
 қамар,
 юлдузлар ганжи...
 ... Саҳмул ғайбнинг ғайбида
 фалакнинг
 сойир сеҳрига қараб,
 мўлжалланар,
 фаразланар,
 аниқланар
 қай бир одамнинг толе жадвали...

* * *

..... Кун.....
..... Тун.....

* * *

... Жадвал – борлиқнинг
 гоҳ равшан,
 гоҳ идбор вожиби...

* * *

... Ҳамма нарсанинг ўлчови
борким,
борким,
ўлчов идрок билан қадрли,
хайрли...

..... Ўлчов – қадам.....
..... Ўлчов – қулф.....
..... Ўлчов – калит.....
..... Ўлчов – чизиқ.....
.. .. . Ўлчов – масофа.....
.. .. . Ўлчов – йўл.....

... Йўлни
ғижимлаб-ғижимлаб
йўртади муҳлат..
Масофада
кўпкари
ўйинларин ўйнатиб,
хезлар
тинмай ғувирлаб...

..... Масофа
 Масофа
 Масофа

* * *

..... Сукут
 Ғовур

* * *

... Қунишаётган байзо
 ўксинишларин,
 хўрсинишларин ютар,
 жойлар тубига,
 оқаётган сувларнинг
 дардларини сингдирар туфроққа;
 югураётган эласларнинг
 армонларини етказар манзилларга;
 ёғаётган ёмғирларнинг
 томчиларини жойлар гиёҳларга,
 майсаларга,
 гулларга,
 янтоқларга,
 жинжакларга,
 юлғунларга
 қўзигулларга,
 шўраларга,
 тошларга,
 қирларга,
 адирларга,
 ариқларга,
 тепаларга...

* * *

... Хаёл – чизилмаган тасаввур...
... Хаёл кемаси чайқалиб-чайқалиб,
лопиллаб-лопиллаб,
тўлғаниб-тўлғаниб
сузади,
урилади
жадвалнинг
гардон-гардон тўлқинларига...

* * *

... Битта нуқтадан бошланар лаҳза,
битта лаҳзадан бошланар нуқта,
нуқта ўтади,
лаҳза ўтади,
дақиқа ўтади,
сония ўтади,
соат ўтади,
кун ўтади,
ҳафта ўтади,
ой ўтади,
фасл ўтади,
йил ўтади,
давр ўтади,
замон ўтади,
аср ўтади,
эра ўтади...
...Вақт йўриғида,
вақт сирасида,
барибир,
синоат жадвал...

* * *

.....
.....
.....

..... Жадвал – поёнсиз поён

.....
.....
.....



Таржималар



Уильям БЛЕЙК,
Англия

Учаётган қувонч

Ким қувончини тутса куч билан,
енгил қанот нобуд қилар ҳаётни.

Учиб кетаётганда лаб боссанг унга –
тонг сеники бўлар умрбод.



Константин БАЛЬМОНТ,
Россия

* * *

“Мен бу дунёга келдим қуёшни кўриш учун”¹
Ва айлана кўклигин.

Мен бу дунёга келдим қуёшни кўриш учун
Ва тоғнинг юксаклигини.

Мен бу дунёга келдим қуёшни кўриш учун
Ва водийнинг шукуҳ тусини.

Мен аҳд қилдим дунёга бирлик ила қараш-чун,
Мен – дилимнинг дилкаш йўсини.

Мен ғолиб бўлдим зотан, бепарво унутишдан,
Яралди менинг орзум.

Мен руҳланаман ҳар он рўйи ростли кутишдан,
Қўшиқ дилда оқар зум-зум.

Менинг орзум уйғотади жафони,
Севаман шуни мен жим.

Ким монанд келтирар менга сафони,
Ҳеч ким, ҳеч ким.

Мен бу дунёга келдим қуёшни кўриш учун,
Мабодо кун сўнса ҳам.

Мен борманки, куйлайман, о, қуёшни, инчинун,
Сўнг нафас, сўнг онда ҳам.

¹ Анаксагор мисраси.

Уолт УИТМЕН,
Америка

Қишлоқнинг манзараси

Кенг дарвоза ташқарисидаги
қишлоқнинг
осойишта бостирмаси
нурлантирар ўтлоқни:

қорамол
ва йилқи
ва туман
ва кенглик
ва йироқлик билан
йўл олаётган уфққа.



Блэз САНДРАР,
Франция

* * *

Куёшнинг ботиши ҳақида гапирар ҳамма.
 Ҳамма йўловчилар бирдайин рози,
 нима бўлса бунда,
 осмоннинг остида, эҳтимол,
 нутқ бирдай ёлғизликка йўналар –
 куёшнинг ботиши борасида.
 Кўп китоблар бор,
 гуё бошқа ҳеч нарса йўқдай,
 куёшнинг ботиши худди ёзувда мавжуд.
 Ўзларининг иши сабаб кўркемдир улар.
 Жойлашиб борар йўлакларга,
 бироқ мен афзал кўраман,
 куёшнинг кўтарилиши озор бермайди
 ҳеч кимга зинҳор.
 Палубада кўришаман, мен улар билан
 ва улардек танҳоликни қўмсайман доим.
 Бироқ улар таърифини йиғмайман асло.
 Фақат ўзим-чун хоҳлайман уларни сақламоқни.



Рафаэль АЛЬБЕРТИ,
Испания

* * *

Ўлим мендан икки қадам нарида турибди,
ўлим икки қадам нарида турибди сендан.

Мен уни кўрдим
ва уни кўрдинг сен.

Ҳамманинг эшигини тақиллатиб ўлим
ва ҳамманинг қулоғига вағиллар ўлим.

Мен уни эшитдим
ва уни эшитдинг сен.

Балки, унинг эсига келмас:
сени-да,

мени-да,
бирдан кўриб қолиш.



Октавио ПАС,
Мексика

Икки нарсa

Учрашади икки нарсa
ва баъзан тўлқинлар янглиғ
уммондаги тунлар бағрида.

Учрашади икки нарсa
ва баъзан томирлар тахлит
шунда ўсган жойида.

Лекин баъзан икки нарсa –
икки муздай ғилофда
шуълаланар тун бўйи.

Лекин баъзан икки нарсa –
икки юлдуздек ярар
хувиллаб қолган осмонга.



Қозоғистон

“Сиз мени севасизми, тоғлар?”

Сиз мени севасизми, тоғлар?
Севасизми, қайинлар?
Яшил ва оқ кийинтирган йиллар
менинг билан елмоқни истаб,
олиб кетар гиёҳлар исмин,
фазқулодда йўللари
ўзининг жарангдор рангларига
синдириб
сукунатнинг борки хилларин.

Тоғнинг чизма асбоби
 текисламоқ бўлар бирдайн –
 аср юрар нишабларидан
 кўчган қор уюмлари
 ва
 қор гардлари тахлит,
 енгилгина чўктириб,
 бурама изларин қолдириб,
 менинг тезлашимга.
 Жимжимадор метеор –
 хомхаёл йиллар.

Сиз мени севасизми, тоғлар?
Севасизми, одамлар?
Сизни тузатилмайди,
яссиликка айлантирилмайди,
нурашингиз унутилмайди,
тоғлар,
сизнинг.

Ажойиб парчаларингиз,
чунонам,
чатоқ,
лекин
сизни қиёслаб бўлмайди,
тоғлар.
Сиз –
қиёссиз.



Сесар ВАЛЬЕХО,

Перу

* * *

Ишон кўринган тарновга, кўзингга эмас,
ишон нарвонга, аммо ҳеч бир зинага эмас,
қанот – қуш эмас
ва ишон ўзингга, ўзингга ва ёлғиз ўзингга.

Ишон фақат стаканга, зичлик – шаробмас,
ишон ўликка – тириккамас,
ёвузликка – ёвузлик қилма
ва ишон ўзингга, ўзингга ва ёлғиз ўзингга.

Ишон фақат кўпга, аммо биттага эмас,
ишон шимга – оёққа эмас,
ишон ўзингга, аммо оқимга эмас
ва ишон ўзингга, ўзингга ва ёлғиз ўзингга.

Ишон деразага, аммо ишонмагин эшикка,
хоҳ ишон, хоҳ ишонма тўққиз ойга, бироқ она,
қисмат, қандайин саодатли толедир
ва ишон ўзингга, ўзингга ва ёлғиз ўзингга.



Жузеппе УНГАРЕТТИ,
Италия

Шом

Шомдан йўлга сингиган
шаффофлик нами,
зайтуннинг гули
эсдан чиқар
сўндириб қайсидир алангани.
Мен эшитаман дуд сирасида:
чирилдоқ
ва қурбақа
ҳамда
қаердаги гиёҳларнинг ўксик титроқларини.



Фикрат ХОЖА,
Озарбайжон

Унутдилар мени

Дилим боғлаганим одамлар,
сир бериб,
сир олганим одамлар,
ёнларида йиғлаганим одамлар
дунёда ҳеч қачон чиқмас ёдимдан.

Қўлим қўлларидан айро тушмасдан,
дилим харобадай ҳувилламасдан,
қўнғир қўзларимда тупроқ тўлмасдан
унутдилар мени,
унутдилар.

Қўринмади қўзларига:
қўз қўрмади,
дил унутди.
Бу дунёда ёмон дарддир –
қўринмасанг, унутарлар.

Ўйлайман,
йиғлагим келар.
Ҳамма сени унутганда,
бу дунёда
рост бўлар ўлганинг.

Яннис РИЦОС,
Греция

Бурч

Юлдузлар шуъласи кечкурун
қандайдир
қулф тешигидан порлаб –
суқланганча
нигоҳи билан
кўрмоқни хоҳлар
ботинидаги мавжуд не-нени.
Олам шуъласини таратар
ёпиқ эшик теварагига.
Сен
очишинг керак уни.



“МЕН – СОҒИНЧ ШАРҲИНИ БИТГУВЧИ КОТИБ...”

... Мен –

*соғинч шарҳини битгувчи котиб,
соғинчга айланган қулларнинг шоҳи.
Руҳимнинг қатқалоқ қаърига ботиб,
ўрлайди сукутнинг саргашта оҳи...*

Бир пайтлар устоз адабиётшуносларнинг “программ шеър” деган истилоҳи бўларди. Мана шу “бир пайтлар” замон нуқтаи назаридан собиқ совет даврига тегишли бўлгани сабаб, шоир ижодининг социалистик жабҳаларда қандай хизмат қилиши, ривожланиш тамойиллари, ижтимоий руҳияти, белгилловчи дастури ўлароқ қабул қилинган. Шоир ижодини чеклаган, йўналтирган. Советларнинг адабий сиёсатига хизмат қилган. Аммо бу дегани “программ шеър” тушунчаси мутлоқ таги бўш, эстетик асосдан холи тушунча дегани эмас. “Ижод – эрк, ижод – кўнгил иши” дейдиганлар мен билан истаганча баҳслашаверишлари мумкин. Шунга қарамай, мен “программ шеър” тушунчасига қўшиламан. Чунки айнан шу эрк ва кўнгил иши бўлган ижод аниқ низомни талаб қилади. Низоми йўқ истеъдод эса йўқ дегани. Зотан, борлиқдаги барча каттаю кичик нарсалар Низом, яъни аниқ дастур асосида яшайди, ҳаракатланади. Асл истеъдод инчинун.

Қиссадан ҳисса шуки, тепада келтирилган сатрлар Икром Отамурад “программ шеър”ининг илк банди. Шоир ижодининг эстетик дастури.

“Мен – соғинч шарҳини битгувчи котиб...” шунчаки бадий-эстетик ҳодиса ҳам эмас, балки шоирнинг яшаш тамойили, ижодининг дастуридир.

Менимча, Икром Отамурод ҳаётининг мазмуни соғинч шарҳини битишдангина иборат.

Балки, соғинч шарҳини битишнинг ўзигина йирик бир шоир умри учун кам эмасми, наҳот бир шоирнинг умри давомида шундан ўзга юмуши бўлмаса, дея ўйлаётгандирсиз. Айнан шундай. Асл шоирнинг соғинч шарҳини битишдан ўзга иши йўқ. Зотан, шоирнинг ҳар бир сатри (ҳатто айна лаҳзаларда ёзилаётган сатрлари ҳам) ўтмишга тегишли. Ўтмиш эса соғинчдир. Бу шундай соғинчки, уни фақат асл шоирларгина ўз оҳанги, ранги ва ҳиди билан ҳис этадилар. Бунга барча истеъдодлар, асл шоирлар, жумладан, Икром Отамурод шеърияти ёрқин далилдир.

Ҳўш, унда Икром Отамурод битикларида акс этмиш соғинчнинг рангу оҳанглари қандай? Бундай улкан туйғу, феноменал тушунча дастури унинг шеъриятида қандай акс этган?

Келинг, шоирга хос соғинч бекатларидан бир-икитасига мухтасар тўхтаб ўтайлик:

1. Ватан соғинчи.

...БАТАН –

руҳим суяги, жоним –

руҳим даричасин чертаётган сир.

Руҳим томирларида оқаётган қоним,

руҳимда нур сочган кавкабир.

МЕН –

руҳ чизгисидан яралган жисм,

руҳим дафтарида чизгилар неча?

БАТАН –

руҳимда уйғонган исм,

Руҳим –

БАТАНда гуллаган чечак... –

деб ёзади шоир бир шеърида.

Икром Отамурод шеъриятида Ватан сўзи ҳар доим “мен” сўзидан аввал келади. Ватан сўзи “мен”ни ша-
рафлаш, ҳаволатиш, тарғиб қилишга хизмат қилмай-
ди. Бу жуда улуғ фазилат. Чин ватанпарварга хос фазил-
лат: “Ватан – руҳимда уйғонган исм, Руҳим – Ватанда
гуллаган чечак...” Негаки, ошиқ ўз маъшуқасини ҳар
доим ўзидан устун қўяди. Икром Отамурод Ватанини
мана шундай иддаоларсиз, холис, камтарона ва фи-
дойиларча севади.

2. Ботин соғинчи.

Менимча, Ватан ҳақидаги энг яхши қўшиқ ботин
соғинчидан туғилади. Ватанини ботинида асраётган
шоирларгина асл сатрларни битишга қодир. Бу жиҳат
Икром Отамурод шеъриятида “ичкари-ташқари”-
нинг эстетик муқоясаси ўлароқ намоён бўлади. Чунки
Икром Отамурод Ватанни ўз ичкарисида кўради, унга
ботин нигоҳи билан назар солади:

*...Умрим –
Касбидан то Тошкентга қадар
фарсанг-фарсанг ғариб чўзилган йўлдир.
Бу йўлда тинмайин чопади қадар,
бу йўлда қатнайди армон тинмагур.
Султон Мирҳайдарнинг тошларин силаб,
Бир оят ўқийман,
о, Тангрим,
инон!
Суқунат сабрига омонлик тилаб:
кўҳна руҳлар иймон,
соғинчлар иймон.*

Шоир учун ботиндаги Ватанни тарк этиш фожиа.
Ватанга интилмаслик хиёнат. Шунинг учун шоирнинг
Ватан томон қилган сафари аслида ботинга қаратил-

ган. Ботин олами шоир туғилган макон – Касбидан Тошкентга қадар чўзилган йўл. Худди шу боис ҳам бу йўлдан қадар “чопади”, армон “қатнайди”. Соғинч нигоҳи иймонга қаратилади. Иймон чечаги сукунат бағрида очилади.

Шоир учун ичкари ҳайқириқлар маскани эмас, сукунатнинг чексиз уммони. Бу уммонда гапга ўрин йўқ. Бунда фақат жимжитлигу сукунатга ўрин бор. Зотан, сўз шовқин, сўз алдамчи. Фақат сукутгина ҳақиқат, ичкари таврига монанддир.

... Қаердадир:

*ташқарида гап кўп,
ичкари жимжит.*

...Қаердадир:

*ичкарида гап кўп,
ташқари жимжит.*

Ҳеч қачон бўлган эмас

ташқари

ва

ичкари

бир-бирига мос...

3. Сукут соғинчи.

Зоҳирда нимаики бор, ботинга бегона. Ташқаридаги шовқин сукутнинг кушандаси. Шунинг учун бўлса керак, зоҳир шовқинидан озурда бир шоир: “Мен дилнинг оромин қўридим, аммо Сукунат шовқини тинчимни бузди...” деган сатрларни битган эди.

Икром Отамурод сукут ҳақида кўп ёзади. “Даҳр келинчаги” (Навоий) хархашаларидан безганиданми, ичкари ва ташқари ўртасидаги номувофиқликдан ранжиганиданми, билмадим, сўз соҳибиятига тазод ўлароқ сукутни севади. Шунинг учун бўлса керак, ет-

миш ёш арафасидаги тўпламини ҳам “Сукут садоси” дея номлаган.

... Сукут –

*ризолик аломати эмас,
инкор тарзи ҳам эмасдир,
зотан.*

*Сассизлик сасидан сасланган сас –
кангул канорида қуради Ватан!*

Сукут –

*Румий дилидаги қуш:
“Ичиндаги ичиндадир”.*

Мана шоирнинг сукут ҳақидаги хулосаси. Бу хулоса анъанавий хулосаларга унчалар ҳам мос тушмайди. Халқ орасида юргич “Сукут – аломати ризо”, яъни сукут розилик белгисидир деган ҳикматдаги ботиний маънони кашф этади. Ҳақиқатан ҳам, сукут ортидаги ризоликда сассиз бир инкор бор. Сукут оҳангидаги мунг, сукут соғинчидаги фожеий руҳ ҳам аслида шундан.

... Сукут садоси –

*сукут,
дилим маконида соғинчдир.
Одам,
сукутни қалбингдан қут,
пайдар-пайки,
қалбингдан индир.*

... Сукут садоси –

*сукут,
канглум, бўй торт сукутда,
илло!*

Одам,
сукутингда боринг бут,
сукутингда яшар
тавалло!

4. Табиат соғинчи.

Икром Отамурод шеъриятида табиат соғинчи ҳам ичкари соғинчи билан уйғунлашиб кетади. Ёлғизоёқ йўл узра табиат ҳурмини ҳис этаётган кўнгил оламидан йўл ва ёлғизлик фалсафаси қуйилиб келади.

... Ёлғизоёқ йўллар кўп даштда,
Чор тарафга кетган:
Бир қадам –

орзу сингари қисқа
Ва армондай чўзилиб ётган...
Тўлишган у лаҳзама-лаҳза,
Бу китобни ўқимоқ лозим,
Бу китобни тингламоқ керак...

Икром Отамурод шеъриятида аксар шоирлар ижодида учрамайдиган тўрғай образи кўп такрорланади. Шоир ботинида рамзга айланган табиат тўрғай нигоҳи билан кузатилади. Чунки фақат тўрғайгина само юксаклигида муаллақ туриб оламини кўрадиган, унинг яхши-ёмонидан дарак берадиган қуш. Камолон адирларида қўй боқиб улғайган шоир ҳали ўсмирлигидаёқ бу фалсафани кашф этган бўлса, ажабмас.

Шоирнинг тўрғайи гоҳ тонг, гоҳ шом, гоҳ жазирама, гоҳ юлдузларни жунжиктиргич аёз манзарасини кузатади. Фақат кузатибгина қолмайди, бу манзаралар тўрғай нигоҳида метафорага айланади ва Икром Отамурод шеърига кўчади ва шундай манзараларни ифодалайди:

... Тун тунд
саҳоблар ҳойилидан...
... Тунни ёритар:

нужум сиришки,
қамар партави...

* * *

... Кундуз қуёш,
тунда ой
фалакка ёзиб палла,
нурларини,
ҳойнаҳой,
тукаверар зар ила.

* * *

... Ой кетиб боради.
Сабух.
Эриниб лабларин очар сарвигул.
Осмон меҳварида ёлғиз эди ой.
Ёлғизгина кетиб боради.
Лошаклари териб олинган...

* * *

... Изғирин нишини санчиб борлиққа
йўрғалатиб борар қишнинг қадамин.
Пойма-пой сингишиб мубҳам торлиққа
қисинади бирдай ҳаво надами...

Тўрғай аталмиш бу қуш шоир ижодида “жон қуши”
(Навоий) мақомида туради. Икром Отамурод ижоди
парвозини кўрсатади. Бу жиҳатни шоирнинг “Тўрғай”
ҳақида балладасидан олинган қуйидаги сатрлар ҳам
яққол кўрсатади:

Тўрғай чизар

уфқлар бирлашган

нуқта саҳнига

*сарин-сарин
елнинг сувратин...*

5. Ўтмиш соғинчи.

Бир пайтлар ўтмишни соғиниш айб саналган. Шуни айб қилиб, қанчадан-қанча мутафаккир зотлар қамалган, отилган. Аммо ҳеч қачон асл шоирлар ўтмишни соғинишдан чарчамаган, қўрқмаган. Буюк аждодлар ҳаёти, қаҳрамонликлари, маърифати, фикр-хаёллари, армонлари ва фожияларини бадий ифодалашдан чарчамаган. Мазкур тўпламга киритилган “Улуғбекнинг ўлими”, “Норжон момо”, “Чўпоналдар”, “Дашт одамлари”, “Тўриқ” зоҳиран воқеага қурилган бўлса ҳам, моҳиятига кўра метафорадир. Бунда тасвирланган ҳар бир воқеа, ҳар бир чизги, ҳар бир образ ўтмиш қиёфасидаги ботин фалсафасини акс эттиради. “Улуғбекнинг ўлими” балладасидаги ушбу сатрлар эса иймон ва ҳақиқатнинг мудом таъқибда эканига чизилмиш метафорик манзарадир:

*...Вужудидан оқди тирқираб
жилғага қон – иссиқ орзулар –
зулумотга ниш урди улар...
Ёки “Тўриқ” балладасидаги:
...Садоқатнинг ранги бўлсайди,
битилсайди унга рақамлар,
тўриқ бўлар эди биринчи,
орқадан турарди одамлар... –*

сатрлари жисмоний вужуд истагига қул бўлиб турмуш кечираётган прогматик дунёга дашном ўлароқ жаранглайди.

Китобдан “Ёбондаги ёлғиз дарахт”, “Балки”, “Узоқлашаётган оғриқ” каби дostonлар ва қатор таржима асарлар ҳам жой олган. Назаримда, бу дostonлардаги эпик товланишларнинг барчаси “Жадвал” дostonида умумлашгандек.

“Жадвал”, аввало, тирикликдан моҳият излаётган, шу изланиш, изтироб, жунбиш ва жунунлар муқоясаси аро Яратган қудратини ҳис этган одам ҳақидаги достон. Ўйлашимча, достоннинг катталиги ҳам, бадийлиги ҳам, улкан ютуғи ҳам шунда. Зотан, олам – жадвал, олам – поёнсиз поён дея олмоқ иқтидорини инсонга фақат У етказиши мумкин.

Борлиқ буюк бир низом остида айланади. Барча яхшиликлару ёмонликлар шу низомдан ташқари эмас. Бунинглаган, лоақал англашга уринган одам кўнглида ҳузл макон тутати. Ҳузл соҳибига айланган одам эса ўткинчи дунёнинг шаҳват (нафс)дан безак берилган, аслида ўта жирканч майл ва эҳтиёжларига ҳавас қилмай қўяди. Ортидан келаётган мансаб, обрў, бойлик, айш-ишрат сингари минглаб карвонларга қўл силташга ўзида куч топа олади. Ўзини ҳузл оҳангига топшириб, бир маромда, оғир одимлаб кетаверади. Кета туриб мушоҳада-мувоқабатга берилади. Олам, айна пайтда ҳар бир одамнинг мукамал низом – жадвал эканини англай боради.

Дунё дунё бўлибдики, файласуф ҳам, физик ҳам, химик ҳам, тарихчи ҳам, шоир ҳам шу жадвал ҳақида мушоҳада юритишга уринади. Кимгадир ҳузл мақоми насиб этса, жадвал ҳақиқатларидан бир нима кашф этади. Юсуф хос Ҳожиб, Низомий, Навоий, Фузӯлий, Машрабларнинг жадвалдан олган насибалари улуғроқ. Мағриблик Шекспир, Гёте, Эйнштейн каби зотларга ҳам ундан нималардир теккан. Аммо бу жадвал чек-чегарасиз, ҳудудсиз коинотдан-да ҳудудсизроқ. Ундан сидқ ила улуш истаган ҳар қандай одам насибасиз қолмайди.

Икром Отамурад бугунги адабий тилнинг торикқан биёбонлари аро ўзининг жадвал ҳақидаги мушоҳадаларини бадиият йўлида ифодалашга уринади. Аммо унинг нияти, мушоҳада олами, тўғрироғи, жад-

вал чексизлиги адабий тил сарҳадларига сиғмайди. Шоир беихтиёр халқ тилига, шевага, мумтоз сўзлар хазинасига интилади. Сўз излайди. Сўзларни турли шаклларга солади. Маъно оҳангларида шаклни, шакл сийратидан маънони топишга уринади. Дейлик,

...Қачондир
қачоннинг
қачони
қачон... –

сўзларини устма-уст бериб, жадвал йўли бўлмиш замон ҳақида нималарнидир англатмоқчи бўлади. Ёки

...Лаҳза – ўйин,
лаҳза – йўриқ,
лаҳза – ҳақ,
лаҳза – ноҳақ,
лаҳза – рост,
лаҳза – ёлғон,
лаҳза – бор,
лаҳза – йўқ... –

тарзида замон улушига сурат бермоқчи бўлади.

Аммо лаҳзанинг суратини чизиш мумкинми? Замон нима эканини унинг Эгасидан ўзга ким ҳам биларди? Шоир буни яхши тушунади. Жадвални англаш мумкинмаслигини, у ҳақда фақат фикр юритиш, орзулаш, армон қилиш ва шу армон лаззатини туйиш ҳам улкан бахт эканига иймон келтиради. Чизолмаган суратлари, ушалмас орзулари, ҳазин армонларини кўп нуқталарга жойлайди. Чунки шоир нуқталарда гап кўплигини, нуқталар маънога конлигини, нуқталар чексизлигини ҳузн мақомида ҳис этади.

... Жадвал – чарх...
... Жадвал – фалак...
... Жадвал – иқлим...
... Жадвал – изтироб...

... Жадвал – софтинч...

... Жадвал – хотира... –

сатрларига эътибор қилинг. Ҳар икки томонида уч нуқта қўйилган бу сатрлар инсон ақл-идроки учун низом мавжудлигини, бу низом эса чексиз низомнинг ичида эканини, шу низомни англаган, ўзини топган инсонгина буюк Жадвал Ижодкорини топиши, Жадвал моҳиятига етишуви мумкинлигини таъкидлайди. Достонда қўлланган “Арш”, “олам”, “одам”, “руҳ”, “замон”, “вақт”, “лаҳза”, “макон”, “фалак”, “галактика”, “замин”, “сайёра”, “юлдуз”, “ибтидо”, “интиҳо”, “фасл”, “меҳр”, “вафо”, “сахро”, “кўл”, “қалъа”, “ғиёҳ”, “майса”, “қўзигул”, “янтоқ”, “ғовур”, “сукут”, “масофа”, “ўлчов”, “чизик”, “қадам”, “қулф”, “калит” каби сўзларнинг барчаси ушбу достон, хусусан, мукаммал Жадвал контекстида жўн сўзлашув тили, адабий, фалсафий, тарихий ва илмий тилларнинг биқиқ доирасини тарк этиб, универсал маъно касб этади. Жадвал ҳақида тасаввур беради, тасаввурларни бойитади.

Алқисса, бу китоб камдан-кам одамлар қалбига меҳмон бўладиган буюк соғинч манзараси, уларнинг икромона шарҳидан иборат. Шу боис ҳам ўз ўқувчиси-ни соғиниш, ўзликка қайтиш, сукут ва “туфроқ” фалса-фаси томон ундайди...

Узоқ ЖҰРАҚУЛОВ,
филология фанлари доктори.

МУНДАРИЖА

ШЕЪРЛАР

Минҳожиддин МИРЗО

“Бир оғриқ канглумда қад ростлар...”	3
“Ватан...”	11
“Канглумнинг поёнсиз кенгликлари...”	13
“Мен дунёда барчанинг йўлини тилайман...”	14
“Мовий бир осмон...”	16
“Умрим...”	17
“Олтинчи қават...”	18
“Деразаларни очаман...”	20
“Қаердадир...”	21
“Шитир-шитири бошланар ёмғирнинг...”	22
“Қорга босилган излар...”	24
“Бир денгиз бор...”	25
“Вақт – ғилдирак...”	25
“Қандай сокин эдинг...”	26
“Номли-номсиз дардлар...”	27
“Ўзига илтижо...”	28
“Қиш туни...”	28
“Йўл заминни осмонга улар...”	29
“Ўксиниб-ўксиниб...”	30
“Манзара чексизлик суврати...”	31
“Дунёда дунёлар кўп...”	32
“Эрта тонг...”	33

"Йўлда дуч келганинг..."	34
"Жилға..."	35
"Кетаётганлар..."	35
"Дардни дилга жойлайди ҳаёт..."	36
"Даштнинг осмони..."	37
"Эй, дунё..."	38
"Ёнма-ён келган..."	40
"Ҳадик йўртиб боргани сайин..."	42
"Ёшлигида қитиқлаб..."	43
"Қашқадайро..."	44
"Гармсел..."	46
"У хафа бўлиб ўйлайди..."	47
"Ўтларни..."	47
"Зангори-зангори даштлар..."	48
"Мен юрган йўл..."	49
"Тун..."	50
"Кангулга ташриф..."	51
"Таътил тугар..."	53
"Баҳор ёмғирларидан..."	54
"Қўпчилик юрган йўл..."	55
"Ўзоқнинг гапи..."	56
"Мени зинҳор-зинҳор тарк этма ҳаёл..."	58
"Булутлар..."	59
"Тажалли..."	60
"Қишмаҳали..."	61
"Сукут..."	62
"Шу дақиқа..."	64
"Кангулда хиралашиб бораётган..."	66
"Меҳру мурувватнинг вайрона тоқи..."	67
"Не тонг..."	68
"Ёлғизоёқ йўллар..."	70
"Қўп оғир эрур..."	71
"Тонг ёриша бошлаши билан..."	72
"Турна доим сирли сифат имдоди..."	73
"Гида..."	74
"Мурувват канглумда ёяди илдиз..."	75
"Йўлда кетаётиб..."	76
"Кундуз қуёш..."	77
"Ой кетиб боради..."	78

"Далда..."	80
"Изғирин..."	81
"Ичкарига кирасан..."	82
"Мажбурият..."	83
"Кун оғди..."	84
"Унутиш..."	86
"Олислардан поезд довуши инар..."	87
"Тааммул..."	88
"Туфроққа чўккан излар..."	89
"Ёлғиз от..."	90
"Яна тун..."	92
"Ёлғондан зим-зич тан..."	93
"Касбидан қайтиш..."	94
"Олис сафар олисга йўллар..."	95
"Қуёш..."	96
"Тадорик кангулга тасалли..."	96
"Нигоҳинг..."	97
"Мен – соғинч шарҳини битгувчи котиб..."	98
"Не топсамки..."	99
"Ажиб эртас..."	100
"Кўргазма..."	101
"Вақтига содир этган ҳодисалар..."	102
"Йўллар узун..."	103
"Кенгликлар ҳавоси мусаффо..."	104
"Зерикиш..."	106
"Канглум сарҳадларга интилар..."	107
"Увиллар шамол..."	108
"Эшикни очасан..."	109
"Қуриган дарёнинг қақроқ қаъридан..."	110
"Умр йўли..."	111
"Қалдирғочлар жанубга учар..."	111
"Халқим..."	112
"Баҳорни соғиниб..."	113
"Биз билмаган манзиллар..."	114
"Одамларни англаш мумкин..."	115
"Бир гулхан ёнади..."	116
"Сен мени соғинтир..."	117
"Тонгги манзиллар..."	118
"Учади..."	119

"Ўртада одам кўп..."	120
"Бир қултум сув..."	121
"Тошдевор..."	122
"Эриш туюлади..."	123
"Танаффус..."	124
"Катта арава кетиб борар..."	125
"Сукут садоси..."	126
"Канглум..."	128

БАЛЛАДАЛАР

Тўрғай.....	130
Улуғбекнинг ўлими.....	132
Чўпоналдар.....	134
Норжон момо.....	137
Дашт одамлари.....	140
Туриқ.....	142

ДОСТОНЛАР

Ёбондаги ёлғиз дарахт.....	146
Балки.....	177
Узоқлашаётган оғриқ.....	195
Жадвал.....	230

ТАРЖИМАЛАР

Уильям БЛЕЙК. Учаётган қувонч.....	246
Константин БАЛЬМОНТ. “Мен бу дунёга келдим...”.....	247
Уолт УИТМЕН. Қишлоқнинг манзараси.....	248
Блэз САНДРАР. Қуёшнинг ботиши.....	249
Рафаэль АЛЬБЕРТИ. Ўлим мендан икки қадам.....	250
Октавио ПАС. Икки нарсa.....	251
Ўлжас СУЛАЙМОНОВ. “Сиз мени севасизми, тоғлар?”.....	252
Сесар ВАЛЬЕХО. “Ишон кўринган тарновга...”.....	254
Жузеппе УНГАРЕТТИ. Шом.....	255
Фикрат ХОЖА. Унутдилар мени.....	256
Яннис РИЦОС. Бурч.....	257
Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ.	
“Мен – соғинч шаҳрини битгувчи котиб”.....	258

Адабий-бадий нашр

Икром ОТАМУРОД

СУКУТ САДОСИ

Шеърлар, балладалар, достонлар, таржималар

Муҳаррир *Дилрабо Мингбоева*

Бадий муҳаррир *Шамсиддин Ходжаев*

Мусахҳих *Дилфуза Маҳмудова*

Саҳифаловчи *Ғиёсиддин Ўнаров*

«ADABIYOT NASHRIYOTI»

Нашриёт лицензияси: № АА 0043. 27.01.2020

100129, Тошкент, Марказ 15. 1/90.

 (+98) 128-30-04.

Босишга 2021 йил 18 январда рухсат этилди.

Бичими 84x108 ¹/₃₂. Офсет босма. "Cambria" гарнитураси.

Шартли босма табағи 13,44. Нашриёт босма табағи 16.

Адади 1000 нусха. Буюртма №

«AZMIR NASHR PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

100200, Тошкент шаҳри, Адҳам Раҳмат кучаси, 10-уй.

5000г

Адиб
ва
жамият

... Сукут садоси –
сукут,
дилим маконида соғинчдир.
Одам,
сукутни қалбингдан кут,
пайдар-пайки,
қалбингдан индир.

...Сукут садоси –
сукут,
руҳимга ёяди томирин.
Одам,
сукутга бағрингни тут,
бағрингни мудом сирлатсин сиринг.



ISBN 978-9943-5672-1-4



9 789943 567214